

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ТҮҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

**“ТҮҚУВ ВА ТҮҚУВ ТРИКОТАЖ
МАХСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ”**
модули бўйича

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент – 2018

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 мартағи 274-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчилар: ТТЕСИ проф. Б.Баймуратов
ТТЕСИ доц. Д.Қодирова
ТТЕСИ проф. Н.Ханхажаева

Тақризчи: хорижий эксперт Lee MinHee Жанубий Корея JongBoo университети профессори

Ўқув -услубий мажмуа ТТЕСИ Кенгашининг 2018 йил 31январдаги 6-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

Мундарижа

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	12
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР.....	19
АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР	107
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	165
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	167
ГЛОССАРИЙ.....	168
АДАБИЁТЛАР.....	169

I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Ушбу дастурда Тўқимачилик, енгил саноат ва тиқув буюмлари технологиясини ривожланиш тарихи ва босқичлари. Тўқимачилик, енгил саноат ва тиқув буюмларини ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялари. Ишлаб чиқаришдаги замонавий техника ва технологияларнинг тузилиши, ишлаши, афзаллик ва камчиликлари.

Тўқимачилик корхоналарида замонавий пахта ва ипак толаларини йигириш, тўқиши, трикотаж ва пардозлаш жараёнлари техника ва технологияларини ривожланиш истиқболлари. Тўқимачилик, енгил саноат ва тиқув буюмлари технологиясини ривожлантириш истиқболлари баён этилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Тўқув ва тўқув трикотаж махсулотларини ишлаб чиқариш истиқболлари **модулининг мақсад ва вазифалари:**

Модулнинг мақсади: Тўқув ва тўқув трикотаж махсулотларини ишлаб чиқариш истиқболлари ўрганиш

Модулнинг вазифаси: тўқимачилик, енгил саноат ва тиқув буюмларини ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялари, ишлаб чиқаришдаги замонавий техника ва технологияларнинг тузилиши, ишлаши, афзаллик ва камчиликлари, тўқимачилик корхоналарида замонавий пахта ва ипак толаларини йигириш, тўқиши, трикотаж ва пардозлаш жараёнлари техника ва технологияларини ривожланиш истиқболлари, енгил саноат корхоналарида замонавий тиқув, чарм ва мўйна ҳамда либослар дизайни ишлаб чиқариш жараёнидаги замонавий техника ва технологиялар,

тўқимачилик, енгил саноат ва тикув буюмлари технологиясини ривожлантириш истиқболларини амалга ошириш босқичлари.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Тўқув ва тўқув трикотаж махсулотларини ишлаб чиқариш истиқболлари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- тўқимачилик, енгил ва тикув буюмларини ишлаб чиқариш ҳамда тўқимачилик матоларини кимёвий пардозлаш жараёнидаги техника ва технологияларнинг афзаллик ва камчиликларини;
- замонавий либослар ва уларнинг турларини бўйича **билимларга эга бўлиши.**

Тингловчи:

- корхоналардаги замонавий техника ва технологияларнинг фарқлари, афзаллик ва камчиликларини таҳлил қилиш;
- ўзбек миллий матоларидан замонавий либослар яратишда фойдаланиш;
- замонавий ишлаб чиқариш технологиясида қўлланиладиган жиҳозлардан фойдалана олиш;
- тўқимачилик, пардозлаш ҳамда тикув буюмларнинг асосий хилларига унификациялашган технологияни жорий қилиш;
- корхоналарда тўқимачилик, енгил ва тикув буюмларини ишлаб чиқариш ҳамда тўқимачилик матоларини кимёвий пардозлаш бўйича замонавий технологиялардан фойдалана олиш **кўникма ва малакаларини эгаллаши.**

Тингловчи:

- соҳадаги замонавий техника ва технологияларни юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнига жорий қилиш;
- миллий матолардан замонавий либосларни яратиш;
- ўзбек миллий либосларининг турлари, қўлланган матолари ва нақшлари ҳамда безакларини баҳолаш;
- тўқимачилик, енгил ва тикув буюмларини ишлаб чиқариш ҳамда тўқимачилик матоларини кимёвий пардозлашнинг технологик жараёнлари кетма-кетлигини бошқариш **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Тўқув ва тўқув трикотаж махсулотларини ишлаб чиқариш истиқболлари” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини кўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Тўқув ва тўқув трикотаж махсулотларини ишлаб чиқариш истиқболлари” модули мазмуни ўқув режадаги “Тўқимачилик, енгил саноат ва дизайнда инновацион технологиялар” ва “Тўқимачилик ва енгил саноатда замонавий жиҳозлар” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг тўқимачилик ва енгил саноат соҳалари бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласи.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар Тўқув ва тўқув трикотаж махсулотларини ишлаб чиқариш истиқболлари ва инновацион технологиялардан фойдаланиш, амалда кўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Хаммаси	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				Мустакил таълим	
			Аудитория ўқув юкламаси		жумладан,			
			Жами	назарий	амалий	кучка машғуло		
1.	Тўқимачилик буюмларини ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялари	2	2	2				
2.	Тўқув ўрилишларининг таснифи	2	2	2				
3.	Тўқувчилик техникаси ва технологиясининг ривожланиш йўналишлари	4	2	2			2	
4.	Кўп хомузали тўқув дастгохлари	2	2	2				
5.	Ҳалқа ҳосил қилиш жараёнлари	2	2	2				
6.	Икки игнадонли кўндалангига ва	4	2	2			2	

	бўйламасига тўқийдиган машиналарда ҳалқа ҳосил қилиш жараёнларининг ўзига хос мөҳияти						
7.	Мурата R7-II" қайта ўраш автоматида компьютерли бошқарув -назорат тизимини ўрганиш	2	2		2		
8.	"Бенингер" тандалаш машинасининг компьютерли бошқарув -назорат тизимини ўрганиш	2	2		2		
9.	"ТАYOTA" тўқув дастгоҳи ва уни компьютерли бошқариш тизимлари	2	2		2		
10.	Сомет тўқув дастгохларида кўлланилаётган инновацион технологиялар	2	2		2		
11.	Пиканол тўқув дастгохи ва уларда кўлланилаётган инновацион технологиялар	2	2		2		
12.	Икки қаватли кўндалангига тўқилган трикотаж тўқималарининг тузилиши ва хусусиятлари	4	4		4		
13	Бир қаватли бўйламасига тўқилган бош ва ҳосилали тўқималар тўқимасининг тузилиши, хусусиятлари ва лойиҳалаш усуллари	4	4		4		
14	Соҳанинг етакчи тўқув ва тўқув трикотаж корхоналарида	6	6			6	
	Жами	40	36	12	18	6	4

НАЗАРИЙ МАШФУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Тўқимачилик буюмларини ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялари.

Тўқувчилик техникаси ва технологиясининг ривожланиш йўналишлари. Хом ашёни тўқувчиликка тайёрлаш ва замонавий жихозлар. Замонавий тўқув дастгохлари. Тўқув ўрилишларининг таснифи. Танда илларини шодалардан ўтказиш.

2-мавзу: Тўқув ўрилишларининг таснифи.

Тўқувчиликда ўрилишнинг турлари. Тўқув ўрилишлари. Тўқима тузилиши. Танда илларини шодалардан ўтказиш тартиби. Тўқима тузилиши тўғрисида тушунча. Тўқиманинг тўлиқ тахтлаш дастури. Мураккаб қайтма ўтказиш. Илларни шодалардан қайтарма нақшга қараб ўтказиш тартиби. Узлуқли ўтказиш тартиби. Нақшга қараб ўтказиш.

3-мавзу: Тўқувчилик техникаси ва технологиясининг ривожланиш йўналишлари.

Мокисиз тўқувчиликнинг ривожланиш истиқболлари. Мокисиз тўқув дастгохларини ишлаб чиқариш унумдорлигини қиёсий кўрсатгичлари. Замонавий тўқув дастгохларини юритмаси. Дастгоҳ механизмларини харакатлантириш тизими. Sumo моторини бош валга уланиши. DORNIER тўқув дастгохи. DORNIER тўқув дастгохидаги харакат узатиш тизими. Тўқима ишлаб чиқариш истиқболлари. Мокисиз арқоқ ташлаш усуллари. Тўқув дастгохини технологик кўриниши.

4-мавзу: Кўп хомузали тўқув дастгохлари.

Кўп хомузали тўқув дастгохлари. Кўп фазали тўқув дастгохларини ишлаш принципи. Sulzer Textil M8300 кўп фазали тўқув дастгохи. Айлана тўқув дастгохлари. Бир ва кўп фазали тўқув дастгохларида хомуза ҳосил қилиш принципи. Тўқима шакллантирувчи барабан дискининг жипслаштирувчи ва хомуза ҳосил қилувчи элементлари. Бошқа турдаги кўп фазали тўқув дастгохлари. Арқоқ йўналишида кўп хомузани ҳосил қилиш. Айлана тўқув дастгохлари.

5-мавзу: Ҳалқа ҳосил қилиш жараёнлари

Илгаги бор игнали машиналарда ҳалқа ҳосил қилиш жараёни. Тилчали игналарда ҳалқа ҳосил қилиш жараёни. Танда тўқув машиналарида ҳалқа ҳосил қилиш жараёнининг ўзига хослиги. Ўйифи бор игнали танда тўқув машиналарида ҳалқа ҳосил қилиш жараёнининг моҳияти. Янги ипни игна илгаги остига киритиш. Янги ҳалқани шакллантириш. Трикотаж тўқимасини тортиш. Янги ипни игнанинг илгаги остига киритиш. Трикотаж тўқимасини тортиш.

6-мавзу: Икки игнадонли қўндалангига ва бўйламасига тўқийидиган машиналарда ҳалқа ҳосил қилиш жараёнларининг ўзига хос моҳияти

Ластик ҳалқа ҳосил қилиш жараёни. Ҳалқа ҳосил қилишнинг трикотаж-тўқув усули. Ҳалқа ҳосил қилишнинг тўқув усули. Тескари трикотаж тўқимаси ҳалқаларини ҳосил қилиш жараёни. Икки игнадонли танда тўқув машиналарида ҳалқа ҳосил қилиш жараёни. Трикотаж-тўқув усулида ҳалқа ҳосил қилиш жараёни. Тўқув усулида ҳалқа ҳосил қилиш жараёни. Икки бошли тилчали игналар ёрдамида тескари трикотаж тўқимасини тўқиши жараёни.

АЛИЙ МАШГУЛОТ МАЗМУНИ

1-амалий машғулот:

Мурата R7-II" қайта ўраш автоматида компьютерли бошқарув - назорат тизимини ўрганиш

Мурата R7-II қайта ўраш автомати компьютерли бошқарув -назорат тизими. Технологик омилларни қайта ўраш автомати компьютерига киритиш. "Uster" электрон назорат-тозалаш мосламаси ёрдамида ип нұқсонларини бартараф этиш учун компьютерли бошқарув тизимини. Classimat III бүйича нұқсонлар матрицаси ўрганиш ва унга назорат шартларини киритиш. Электрон назорат-тозалаш мосламасини ростлаш тизими. Тугунсиз боғлаш (Сплайсер) системаси.

2-Амалий машғулот:

"Бенингер" тандалаш машинасининг компьютерли бошқарув - назорат тизимини ўрганиш

Бенингер тандалаш машинасининг компьютерли бошқарув -назорат тизими. Пилталаб тандалаш технологик омилларини Бенингер машинасининг компьютерига киритиш. Электрон тарангловчи мослама ёрдамида ип таранглигини таъминлаш учун компьютерли бошқарув тизими. Тўқув ғалтагига қайта ўраш жараёнини компьютерли бошқариш тизими. Маълумотларни машина хотирасига сақлаш ва хотирадан чақариш. Машина тезлигини ўзгартириш системаси.

3-Амалий машғулот:

“ТАЙОТА” тўқув дастгоҳи ва уни компьютерли бошқариш тизимлари

Тойота тўқув дастгохининг компьютерли бошқарув -назорат тизими. Тойота тўқув дастгохида технологик омилларни бошқарув -назорат компьютерига киритиш. Тойота тўқув дастгохининг E-shed хомуза ҳосил қилиш механизмининг компьютерли бошқарув -назорат тизими. Тойота тўқув дастгохида арқоқ ипини ташлаш тезликларини ўзгартиришда кўлланилаётган инновацион технологиялар. Тойота тўқув дастгохида тўқима зичлигини ўзгартиришда компьютерли бошқарув -назорат тизими. Тойота тўқув дастгохида танда ипларини таранглигини таъминлашда компьютерли бошқарув -назорат тизими. Тойота тўқув дастгохида кўп рангли арқоқ иплари билан таъминлашда компьютерли бошқарув - назорат тизими. Тойота тўқув дастгохида арқоқ ипини ташлашда ҳаво босимини таъминлашда компьютерли бошқарув -назорат тизими. Тўқима ассортименти ўзгариши билан технологик омилларини компьютерига киритиш.

4-Амалий машғулот:

Сомет тўқув дастгохларида қўлланилаётган инновацион технологиялар

Сомет тўқув дастгохининг компьютерли бошқарув -назорат тизими. Сомет тўқув дастгохида технологик омилларни бошқарув -назорат

компьютерига киритиш. Сомет тўқув дастгохининг хомуза ҳосил қилиш механизмининг компьютерли бошқарув -назорат тизими. Сомет тўқув дастгохида арқоқ ипини ташлаш тезликларини ўзгартиришда қўлланилаётган инновацион технологиялар. Сомет тўқув дастгохида тўқима зичлигини ўзгартиришда компьютерли бошқарув -назорат тизими. Сомет тўқув дастгохида танда ипларини таранглигини таъминлашда компьютерли бошқарув -назорат тизими. Сомет тўқув дастгохида кўп рангли арқоқ иплари билан таъминлашда компьютерли бошқарув - назорат тизими. Тўқима ассортименти ўзгариши билан технологик омилларини компьютерига киритиш.

5-Амалий машғулот: Пиканол тўқув дастгохи ва уларда қўлланилаётган инновацион технологиялар

Пиканоль тўқув дастгохининг компьютерли бошқарув -назорат тизими. Пиканоль тўқув дастгохида технологик омилларни бошқарув - назорат компьютерига киритиш. Пиканоль тўқув дастгохининг хомуза ҳосил қилиш механизмининг компьютерли бошқарув -назорат тизими. Пиканоль тўқув дастгохида арқоқ ипини ташлаш тезликларини ўзгартиришда қўлланилаётган инновацион технологиялар. Пиканоль тўқув дастгохида тўқима зичлигини ўзгартиришда компьютерли бошқарув -назорат тизими. Пиканоль тўқув дастгохида танда ипларини таранглигини таъминлашда компьютерли бошқарув -назорат тизими. Пиканоль тўқув дастгохида кўп рангли арқоқ иплари билан таъминлашда компьютерли бошқарув - назорат тизими. Тўқима ассортименти ўзгариши билан технологик омилларини компьютерига киритиш.

6-Амалий машғулот: Икки қаватли кўндалангига тўқилган трикотаж тўқималарининг тузилиши ва хусусиятлари.

Кўндалангига тўқилган ластик тўқимасининг тузилиши ва хусусиятлари, тескари трикотаж тўқимаси тузилиши, хусусиятлари ва уларни лойиҳалаш, кўндалангига тўқилган интерлок тўқимасининг тузилиши, хусусиятлари ва лойиҳалаш, интерлок машиналарида интерлок матосини ишлаб чиқариш

7-Амалий машғулот: Бир қаватли бўйламасига тўқилган бош ва ҳосилали тўқималар тўқимасининг тузилиши, хусусиятлари ва лойиҳалаш усуллари

Бир қаватли бўйламасига тўқилган бош ва ҳосилали тўқималар тузилиши, хусусиятлари ва уларни лойиҳалаш. Бўйламасига тўқилган трикотаж ҳалқасининг тузилиши. тешикли игналар ўрнатилган мослама ҳаракати графигини тузиш ва бу ҳаракат графигини ракамли ёзувда ифодалаш. Цепочка тўқимасининг тузилиши ва хусусиятлари. Трико ва унинг хусусиятлари. Атлас ва унинг хусусиятлари. Ҳосилали трико, ҳосилали атлас ва уларнинг хусусиятлари

Кўчма машғулот мазмуни

“Тўқув ва тўқув трикотаж махсулотларини ишлаб чиқариш истиқболлари” модулида кўчма машғулотлар замонавий жихозлар билан жихозланган соҳанинг етакчи корхоналари ва лабораторияларида олиб борилади.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сұхбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хуносалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (loyiҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Изоҳ
1	Кейс топшириқлари	2.5	1.5 балл
2	Мустақил иш топшириқлари		1.0 балл

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

Нафис арра технологияси

Технологиянинг мақсади: Ушбу услубда дарсда ўрганиладиган мавзу номи ёзув тахтасига ёзилади ва қандай саволларга жавоб топилиши лозим эканлиги тушунтирилади. Гурух ўқувчилари 5-6 кичик гуруҳларга (бошлиғич гурух) бўлинади ва ҳар бир гурух ўрганиладиган материал бўйича алоҳида маълум мавзуларни олади. Нафис арра усули ёрдамида тингловчилар ўрганиладиган материал бўйича маълум билимга мустақил эга бўлиши, жамоа билан ишлаш малакасини олиши, ахборот билан алмашиш ҳамда жамоа бўлиб қарорқабул қилиш кўникмаларига эга бўлади.

Технологияни олиб бориш босқичлари:

Янги гуруҳларни шакллантириш: Кейинги босқичда ҳар бир гуруҳдаги иштирокчига маълум тартиб рақами берилади ва тартиб рақамлари бир хил бўлган тингловчилардан янги(экспертлар) гуруҳлари тузилади.

Берилган мавзу мазмунини ўрганиш: Кейинги босқичда ҳар бир гуруҳдаги иштирокчига маълум тартиб рақами берилади ва тартиб рақамлари бир хил бўлган тингловчилардан янги (экспертлар) гуруҳлари тузилади.

Мавзуни яхлитлигича ўзлаштириш: Мавзу муҳокамасининг 15-20 дақиқаси давомида янги экспертлар гуруҳини ҳар бир аъзоси олдинги гуруҳга берилган мавзу мазмунини тушунтириб беради. Натижада умумий мавзуни яхлитлиги бўйича ўзлаштириш таъминланади.

Муаммоли вазиятни яратиш: Экспертлар гуруҳининг ҳар бир аъзоси олинган ахборотни маълум бир вазиятда қўллай олишини таъминлаш учун мавзу бўйича бирор муаммоли вазият гуруҳларга берилади ва ҳар бир гурух ушбу муаммони тўғри ечимини топиши лозим.



Муаммоли вазиятни ҳал қилиш ва тўғри ечимини топиш: Муаммо ҳар бир эксперт гуруҳида муҳокамадан ўтказилгач гуруҳларнинг сардорлари муаммо билан гуруҳни таништиради ва унинг ечимини кўрсатиб беради.

Тингловчилар билимлари белгиланган баҳолаш мезонлари асосида рафбатлатирилади.

Гурухлар учун топшириклар

1-гурух учун топширик


Йигириш машинасининг таъминлаш
қурилмасини изоҳланг?



изоҳланг?

2-гурух учун топширик

Етакловчи
механизми
тузилмасини



3-гурух учун топширик

Zinser 350 ҳалқали йигириш машинасининг
технологик схемаси ни изоҳланг?

«ЎЙЛАНГ-ЖУФЛИКДА ИШЛАНГ-ФИКР АЛМАШИНГ»

Ушбу техника бирғаликдаги фаолият бўлиб, тингловчиларни матн устида фикрлаш, ўз ғояларини шакллантириш ва уларни ҳамкорлар ёрдамида муайян шаклда ифодалашга йўналтиради.

**«Ўйланг-Жуфтлиқда ишланг-Фикр алмашинг» техникасидан
фойдаланган ҳолда гурухларда ишни ташкил этиш жараёнининг
тузилиши**

Ўқитувчи савол ва топшириқ беради: олдин ўйлаб чиқиш, сўнг
қисқа жавоблар ёзиш тартибида.



Тингловчилар жуфтликларга бўлиниб, бир-бири билан фикр
алмашадилар ва иккала жавобни мужассам этган умумий жавобни
ишлаб чиқишига ҳаракат қиласидилар



Ўқитувчи бир неча жуфтликларга бир минут давомида
аудиторияга ўз ишининг қисқа якунини ифодалаб беришини таклиф
қиласиди.

1-гурух учун топшириқ Хом ашё турлари ва унга қўйиладиган талаблар	2-гурух учун топшириқ Селекцион навларини танлаш	3-гурух топшириқ Тараш машинаси турлари билан танишинг
Пахта толасидан таралган пилта ишлаб чиқариш	Пахта толасидан 70%- биринчи тип,30%- иккинчи тип пахта толасидан аралашма тайёрлаш	Шляяпкали тараш машинаси
Жун толасидан таралган пилта ишлаб чиқариш	Жун толасидан 60%- биринчи тип,40%- иккинчи тип жун толасидан аралашма тайёрлаш	Валикли тараш машинаси
Кимёвий толасидан таралган пилта ишлаб чиқариш	Кимёвий толалардан 50%- биринчи тип,20%- иккинчи тип кимиёвий толасидан аралашма тайёрлаш	Кимёвий толаларни тараш

«Портфолио» методини самарали амалга ошириши босқичлари

1. Хар бир иштирокчи эркин ишлаши учун кулай шароит яратилиши керак. Ўқитувчи тингловчиларга бир дарс олдин ушбу дарс учун ўтиладиган мавзу ва зарур буладиган материалларни эълон килади. Тингловчилар мустакил изланиб, материалларни тўплаган холда дарсга келишлари лозим. Дарснинг янги мавзу баёни қисмида ушбу методдан қуидагича қўлланилади: Зарурий материаллар: А1 форматли қозоз, қайчи, елим, газета, журнал, фотоальбом, китоб, фикр ва гояларни ёзиш учун керакли доска, юмшок доска, флефчатка, рангли маркерлар, постетлар, кадаскоп. турли форматдаги когозлар олдиндан тайёрланиши лозим. Бериладиган мавзу, муаммо ёки вазиятлар аниқланади.
2. Аудитория 4-5 кишидан иборат кичик групкаларга булинади. Хар бир груп учун алоҳида турлича мазмундаги топшириклар берилади. Хар бир груп тегишли топшириклар асосида барча керакли материалларни портфелга жамлайдилар. Сўнгра тўпланган материаллар асосида топширикда берилган вазифага жавобларини шархлайдилар.



“Ғоялар ғилдираги” методи

«Ғоялар ғилдираги» шундай принципга асосланадики, қаерда қандайдир муаммони ҳал қилиш учун ғояларнинг маълум сонининг рўйхатини келтириш зарурӣ шарт бўлади, камида саккизта ғояни келтириш лозим.

Фойдаланиши бўйича тавсиялар:

1. Ўртасига ҳал қилиниши зарур бўлган муаммони ёки масалани ёзасиз.
2. Саккиз – бу ўзаро келишув асосидаги вариант, умидсизликка тушиш учун унчалик катта сон эмас, агар сиз шунча ғояларни бирданига топишга эришаолмасангиз.

Бизнинг миямизнинг онгсиз қисми ўзининг ижодий имкониятлари чегарасини билмайди, шунинг учун (назарий жиҳатдан) сиз ғояларнинг берилган сонини осонгина ўйлаб чиқаришингиз мумкин.

3. «Ғоялар ғилдираги» Ҳар хил сондаги кегайлардан иборат бўлиши мумкин: 4;6;7; ёки 12 – ҳаммаси юзага келган мuaамони ҳал қилишга бўлган қатъиятингизга боғлиқ.



“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олучилар ёки

қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниклаш, ўз билимларини мустақил равиша да текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчилар мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки грухли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Тугаллаш	Халқа игна илгагидан пастга, яъни асос қисмига туширилади	
Ип қўйиш	Янги ип игна илгаги остига ёки асос қисмига қўйилади	
Шакллантириш	Янги ип халқа кўринишида шакллантирилади	
Сиқиши	Игна илгаги сиқилади ёки тилчasi ёпилади	
Ташлаш	Эски халқа игна илгагидан янги ип устига ташланади	


Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

“Балиқ скелети” методини самарали амалга ошириш қоидалари:

- А) берилган ғоялар баҳоланмайди;
- Б) фикрлашга тўлиқ эркинлик берилади;
- В) берилаётган ғоялар миқдори қанча кўп бўлса, шунча яхши;
- Г) мавзу асосидаберилган ғояларни ёзиб, кўринадиган жойга осиб қўйиш зарур;
- Д) берилган янги ғояларни яна тўлдириб, қатнашчилар рағбатлантирилиши лозим;
- Е) қатнашчилар ғоялари устидан кулиш, кинояли шарҳлар ва майна қилишларга йўл қўйилмаслиги шарт;

Ж) янги-янги ғоялар туғилаётган экан, демак ишни давом эттириш керак.

«Балиқ скелети” методи



III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР

1-мавзу: Тўқимачилик буюмларини ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялари.

Режа:

- 1.1. Тўқувчилик техникаси ва технологиясининг ривожланиш йўналишлари
- 1.2. Хом ашёни тўқувчиликка тайёрлаш ва замонавий жихозлар
- 1.3. Замонавий тўқув дастгоҳлари
- 1.4. Тўқув ўрилишларининг таснифи. Танда илларини шодалардан ўтқазиш

Таянч иборалар: пахта тўқувчилик, зигир тўқувчилик, жунли тўқувчилик, ипак тўқувчилик, техник тўқима ишлаб чиқариши, атторлик тўқималарини ишлаб чиқариши, тўқима (газлама), йигириши, пиллакашлик, ипшишиши, шойи газлама, трикотаж, нотўқима мато.

1.1. Тўқувчилик техникаси ва технологиясининг ривожланиш йўналишлари

Маълумки, енгил саноат мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал ривожланаётган етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Мустақиллик йилларида, айниқса, Президентимиз томонидан мазкур тармоқ қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли Ўзбекистон нафакат пахта хом ашёси етиштирувчи, балки уни қайта ишлаш салоҳияти юксалиб бораётган давлатлар қаторидан жой олди.

Дарҳақиқат, Истиқлол йилларида енгил саноат ва тўқимачилик корхоналари техник ҳамда технологик жиҳатдан модернизация қилинаётгани, янги қувватлар мунтазам ишга туширилаётгани заминимизда етиштирилган пахтани ўзимизда қайта ишлаш ҳажмининг ошишига хизмат қиласяпти. Эътибор қилинг, "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси тизимидағи корхоналарда 1995 йилда 35,1 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, 2006 йилда бу кўрсаткич 526,1 миллиард сўмликка, 2007 йилда 655,9 миллиард сўмликка етказилди. 2008 йилда эса ишлаб чиқариш суръати янада ошибб, жами 729 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Бундан ташқари, жорий йилда яна 23 та янги корхона ишга туширилиши мўлжалланган бўлиб, ҳозирда уларнинг 15 тасида маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Натижада қўшимча равишда йилига 44 минг тонна калава ип, 18 миллион погон метр газлама, 1,5 минг тонна трикотаж мато, 6 миллион жуфт пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкони яратилди. Қарийб 3200 та янги иш ўрни очилди.

Айтиш жоизки, бундай кенг кўламли ўзгаришларда мустақиллик йилларида тизимга жалб этилган 1 миллиард 200 миллион АҚШ доллари микдоридаги хориж инвестицияси қўл келди. Мазкур маблағлар эвазига ишлаб чиқаришга замонавий технологиялар жорий этилгани туфайли импорт

ўрнини босувчи, рақобатбардош маҳсулот тайёрлаш ҳажми йил сайин ортишига замин яратилди. Пировардидаги жорий йилнинг саккиз ойида умумий қиймати 425,2 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эришилди. Тайёрланган жами халқ истеъмоли моллари ҳажми эса 81,4 миллиард сўмликдан ортди. Унинг салмоқли қисми, яъни 237,4 миллион АҚШ доллари миқдоридагиси экспорт қилиниб, бу борадаги режа 117 фоиздан ошириб бажарилгани, айниқса, қувонарлидир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, чет эл сармояси ўз-ўзидан келавермайди. У инвесторлар учун қулай муҳит яратилган давлатларгагина йўналтирилди. Ўзбекистонда ана шундай шарт-шароитларнинг мавжудлиги боис кўплаб хорижий давлатлар инвесторлари ўз фаолиятини шу ерда йўлга қўйишга интилмоқдалар. Анъанавий ўтказиб келинаётган кўргазмалар, ўз навбатида, ички бозорда ҳамкорлар топишга кўмаклашмоқда.

"Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари" кўргазмаси ташкил этилганига хали кўп бўлгани йўқ. У дастлаб 2004 йилда "Текстиль ва Мода—Textile Expo Uzbekistan" кўргазмаси доирасида ўтказилган эди. Аммо қисқа давр ичидаги мазкур кўргазма соҳа мутахассислари орзиқиб кутадиган тадбирга айланди. Унинг нуфузи йил сайин ошиб, иштирокчи компаниялар сафи қарийб тўрт баробарга кенгайди. Шу билан бирга, ташриф буюрувчи мамлакатлар географияси ҳам кенгайиб бораётир. Бу галги тадбирда Австрия, Бельгия, Беларусь, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Италия, ХХР, Нидерландия, Польша, Жанубий Корея, Россия, АҚШ, Туркия, Франция ва Швейцария сингари жаҳоннинг кўплаб давлатларидан 180 га яқин компаниялар ўз маҳсулотлари билан қатнашгани бунинг исботидир. Бу ерда пахта хом ашёси ва толасини қайта ишлаш ускуналаридан ташқари, эҳтиёт қисм ҳамда бутловчи буюмлар, турли кимёвий воситалар ва бўёқлар, тайёр ва яримтайёр маҳсулотлар кенг ҳажмда намойиш этилди.

Ўзаро бир-бирини тўлдирувчи кўргазмалар жорий йилда ҳам бир пайтда ўтказилди. Бу эса мамлакатимиз енгил саноати ютуқларини янада кенг намойиш қилиш, айни пайтда тизимга замонавий технологияларни танлаб татбиқ этиш имконини берди.

1.2.Хом ашёни тўқувчиликка тайёрлаш ва замонавий жихозлар

Тўқувчилик ишлаб чиқариш технология ускуналари ва назарияси дейилганда тўқима, галантерия буюмлари, техник темалар ва конструкцион материаллар ишлаб чиқарадиган билимлар йигиндиси тушунилди. Тўқувчилик технологияси бўйича хар хил гиламлар, гобеленлар, мебелбоп ва каштали тўқималар ишлаб чиқарилади. Тўқув дастгоҳлари конструкцияси ва ишлатиладиган ип турига қараб тўқувчилик қўйидагиларга бўлинади:

Пахта тўқувчилик- якка ва эшилган пахта ипларидан ҳамда пахта ва кимёвий толалар аралашмасидан тўқима ишлаб чиқарилади.

Зигир тўқувчилик - якка ва эшилган зигир ипларидан зигир ва ярим зигир тўқималарининг ишлаб чиқарилади.

Жунли тўқувчилик - аппаратли ёки ингичка йигириш системалари бўйича олинган якка ва эшилган жун ипларидан жунли ва ярим жунли тўқималар ишлаб чиқарилади.

Ипак тўқувчилик - эшилган табийи ипак хамда кимёвий иплардан тўқима олиш.

Техник тўқима ишлаб чиқариши - эшилган кимёвий иплардан транспорт пилталари, филтрлар, парашют тўқималари, ёнгин қўлқоплари, тормоз пилталари ва конструкцион материаллар ишлаб чиқаради. Шишли углеродли, металли хамда асбестли иплардан тўқимала ишлаб чиқарилади.

Атторлик тўқималарини ишлаб чиқариши - тасма пилта ва тайёр буюмлар олиш.

Тўкув дастгоҳлари эрамиздан 4 минг йил олдин пайдо бўлган. Биринчи тўкув дастгоҳларида, танда иплари вертикал ҳолатда жойлаштирилиб, таранглик ҳосил қилиш учун уларнинг пастки учига юклар осиб қўйилган. Арқоқ иплари эса моки ёрдамида ташланган. Танда иплари горизонтал ҳолатда жойлашган биринчи тўкув дастгоҳи Шарқда пайдо бўлган, лекин бу дастгоҳлардаги барча амаллар қўлда бажарилганлиги сабабли уларнинг шартли равишда тўкув дастгоҳи дейиш мумкин.

Янги эрани III юз йилликларида Хитойда ҳомуза ҳосил қилувчи механизми ихтиро этилган. Унда танда иплари ёҚоч рамкали шодага терилган гула кузчаларидан ўтказилган. Арқоқ ипининг жиспластириш учун тебранма тароқдан (ҳозирги тифга ўхшаш) фойдаланилган.

Бироқ арқоқ ташлаш жараёнини механизациялаштирмасдан туриб, меҳнат унумдорлигини ошириб бўлмас эди, сабаби иккита ишчи арқоқ ташлаш учун дастгоҳни икки ён томонида туриб ишлар эди.

Фақат XVIII асрга келиб, тўкув дастгоҳи такомииллаштирила борилиб, 1733 йилда Англиялик Кей арқоқ ташлаш учун “учар” моки яратиб, унга оддий узатма ёрдамида ҳаракат беришга эришди.

Ҳомуза ҳосил қилиш, зарб ва жиспластириш механизмларини ихтиро этилиши тўкув машинасини яратишга имкон берди. Қўл кучи билан ҳаракат узатиш, механик ҳаракат узатиш билан алмаштирилди. Шуниси ажабланарлики, биринчи бундай машиналарни ҳаракатга келтириш учун 1500 йилларда Леонардо Да Винчи яратган сув двигателидан фойдаланилган.

Шунга ўхшаш ихтиrolар кейинчалик 1678 йилда француз денгиз офицери Женн, 1745 йили эса француз механизми Веконсонлар томонидан яратилган, лекин уларнинг бирортаси ҳам амалиётда қўлланилмаган.

Фақат 1784 йилга келиб англиялик тақвадор Картратай ишлаб чиқаришда қўллаш мумкин бўлган ўзининг тўкув дастгоҳини яратди. XVIII аср охирларида англиялик Миллер қулф, яъни моки бир томондан иккинчи томонга етиб боролмай қолганда дастгоҳни тўхтатувчи механизмини яратди ва буни натижасида дастгоҳ унумдорлиги ҳамда тўқима сифати бир мунча ошди. 1889 йилга келиб американлик Нортроп дастгоҳда арқоқ найчасининг автомат алмаштириш механизмини яратди. Бироқ мокили дастгоҳлар устида қанчалик ихтиrolар, такомииллаштиришлар қилинмасин, арқоқ ташлаш усулинни ўзгартирмасдан туриб, тўкувчиликни унумдорликни ошириб бўлмас эди. Шуни эътиборга олиб мокисиз арқоқ ташлаш усули пайдо бўла бошлади.

Илк бор арқоқ ипини ташлашда рапирали усули пайдо бўлди. 1898 йили рапирали тўқув дастгоҳига патент берилди. 1911 йили Пастор томонидан металли митти моки ёрдамида арқоқ ташлаш усули яратилди. Кейинчалик арқоқ ипини сув томчиси ва ҳаво ёрдамида ташлаш усуллари пайдо бўлди.

1950 йилда “Зулцер” (Щвецария) фирмасида мокисиз тўқув дастгоҳи ишлаб чиқарила бошланди. Бу дастгоҳда арқоқ ипи митти моки ёрдамида (Россмон патенти бўйича) ташланар эди. Қадимдан инсонлар турли ҳил нақшли (гулли) тўқималар олишни ҳохлаганлар, албатта бунинг учун ҳомуза ҳосил қилувчи турли конструкцияли ҳомуза ҳосил қилиш механизмлари керак эди.

1725 йили Бушон томонидан тирқишли қофоз пилталар билан бошқариладиган шода кўтариш кареткаси, 1805 йили жаккард машинаси, 1835 йили эса Райд ва Джонлар томонидан кўпмокили механизмлар яратилди.

130 йил олдин 100 метр тўқима ишлаб чиқариш учун 20 соат сарфланадиган бўлса, ҳозирга келиб шунча тўқимани 18 минутда ишлаб чиқариладиган бўлинди. Айниқса охирги 10-15 йилда бу вақт яна 80%га камайди ва тўқувчилик соҳасидаги ихтиrolар оралиғи кескин камаймоқда. Масалан фотография соҳасидаги ихтиrolар оралиғи 112 йилни, электродвигателда 57 йилни телефонда 56 йилни радиода 35 йилни, ядро реакторида 10 йилни, транзисторда 5 йилни, телевидениеда 12 йилни, қуёшли батареяда 2 йилни ташкил этган бўлса, АТПР-дастгоҳи 2 йилда яратилган.

Илмий техника ютуқларини тўқувчиликка кенг жорий этиш, дастгоҳ унумдорлигини ошириб, ишлаб чиқарилаётган тўқима сифатини яхшилаш имкониятини беради.

Тўқима (газлама), тўқув дастгоҳида икки система ипларнинг ўзаро ўрилиши натижасида ҳосил бўлади. Тўқима узунлиги бўйлаб жойлашган ипларни танда ёки танда иплари, уларга тик яъни тўқима эни бўйлаб жойлашган ипларни арқоқ ёки арқоқ иплари дейилади¹.



**2.1-расм Пиканол тўқув дастгохи
Ипларни тўқимачилик матолар ишлаб чиқаришга тайёрлаш**

¹ Sabit Adanur. Handbuk of weaving. Boca Raton London New York Washivgton/ D.C.(19 pg)

Тұқувчиликка келтириладиган иплар ва улар ўралған ўрамалар тури. Ипларни Тұқувчиликка тайёрлашда қатнашадиган жараёнлар. Уларни турлари ва сонини аникловчи асосий омиллар.

Ипларни қайта ўраш. Мақсад ва моҳияти. қайта ўрашга қўйиладиган асосий технологик талаблар. қайта ўраш машинасини технологик чизмаси асосида асосий қисм ва механизмларини вазифалари ва турларини ўрганиш.

Қайта ўраш машиналари ва автоматлари. Бобинага йигирилган ип ва ғалтакларга табиий ипак ипларини қайта ўраш. Қайта ўраш машиналарида ишчининг бажарадиган амаллари ва автоматлаштириш босқичлари. Қайта ўраш жараёнини назарий ва амалий унумдорлигини аниклаш. Жараёндаги чиқиндилар.

Йигирув, пиллакашлик, ип пишитиш ва кимёвий заводларда ишлаб чиқарилган иплар мато чиқариш корхоналарига турли ўрамаларда келтирилади. Йигирилган иплар қофоз найчаларда ёки бобиналарда, табиий ипак калавада, пишитилган иплар бобина ёки гардишли ғалтакларда, кимёвий иплар бобиналарда келтирилади. Бу ўрамларни мато ишлаб чиқарувчи машина ва дастгоҳларда ҳамма вақт ҳам бевосита ўрнатиб бўлмайди. Кўп ҳолларда мато ишлаб чиқаришда, уни энига қараб катта гуруҳ иплар жамланиб битта ўрама тўқув, танда ғалтакларга ўралади. Бундан ташқари ипларни тайёрлаш жараёнларида сифат назоратдан ўтиб, яхшиланиди. Айрим ҳолларда тайёрлаш жараённида ипларга махсус ишлов берилиб – тўқувчиликда охорлаш, трикотаж ва нотўқима матолар ишлаб чиқаришда парафинлаш ва бошқалар кейинги жараёнларни иқтисодий самарадорлигини оширишга эришилади.

Тўқувчилик танда ва арқоқ ипларни тайёрлаш жараёнлари, ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва хом ашё тури, келтириладиган ўрама ва мавжуд тўқув дастгоҳига боғлиқ. Ип газламалар ишлаб чиқаришга, танда иплари қайта ўраш тандалаш - охорлаш ва шода териш ёки тугун улаш жараёнлардан ўтса, арқоқ или дастгоҳни турига қараб мокили дастгоҳ учун, йигирув найчасидан бобинага, сўнгра яна бобинадан ёғоч найчаларга қайта ўралади. Мокисиз дастгоҳларга эса бобиналарда ўрнатилади.

Шойи газламалар ишлаб чиқаришга иплар калаваларда (хом ипак) ёки гардишли ғалтакларда (пишитилган ипак) келтирилади. Танда иплари тўқувчиликка тайёрланганда хом ипак таркибида серицин (елим модда) бўлганлиги учун табиий ипак охорлаш жараёнидан ўтмайди.

Айрим газламалар ишлаб чиқариш технологияси кўп ўтимли бўлиб, у танда ипларига бадиий безак бериш билан боғлиқ. Қуйида хон атлас матосини ишлаб чиқариш технологиясида қатнашадиган жараёнлар келтирилган.

Пишитилган ипак омбори (ипак калаваларда)	
Танда	арқоқ
Елимсизлантириш, сиқиш, қофиш, қуритиш	Елимсизлантириш сиқиш, бўяш, қофиш, қуритиш
Бобинага қайта ўраш	Бобинага қайта ўраш

Либитлаш
Нақш изини тушуриш либитларни боғлаш аврбанд жараёни
Либитларни ивитиш бўяш, сиқиш, қоғиши, қуритиш
Бўялган либитларни тандага жамлаш
Танда либитларни нақш бўйича тўғрилаб тўқув
Ғалтагига ўраш
Тақоват қилиш ва тифдан ўтказиш
Абрли тандаларни тароқлаш
Шода териш, тифдан ўтказиш ёки улаш
Тўқувчилик
Хом газламани саралаш, тахлаш ва тозалаш

Келтирилган технологик жараёнлар занжиридан кўриниб турибдики хон атлас матосини ишлаб чиқаришда танда ипларига бадий безак бериш билан боғлиқ маҳсус жараёнлар мавжуд. Катта креп гурух (крепдешин, крепжоржет ва шунга ўхшаш) газламаларни ишлаб чиқаришда ипак таркибидаги елим-серицин моддасидан фойдаланиб, у газламани пардозлаш жараёнидан кейин ювилади (елимсизлаштирилади). Хон атлас ишлаб чиқаришда эса ип елемсизлаштирилиб бўяшга тайёрланади. Елемсизлантириш калаваларда бажарилади, шунинг учун кейинги жараёнда иплар калавадан бобиналарга қайта ўралади. Либитлаш, тандалаш жараёнини бир тури бўлиб унда 40-60 гача иплар қўшилиб периметри катта калава либит олинади. Сўнгра либитларга олдиндан тайёрланган нақш изи туширилади. Нақш олиш учун либитлар аврбанд усулида боғланади, натижада либит бўялганда боғланмаган жойлар асосий ранга бўялиб, боғланганлар бўялмай қолади. Қолган ранглар “Коса бўёқ” усулида бўялади. Буларни такрорланиши хон атлас нақшидаги ранглар сонига қараб қайтарилади. Қолган жараёнлар ҳам асосан танда ипларида мўлжалланган нақшни тўғри тушириш билан боғлиқ.

Трикотаж ва нотўқима матолар ишлаб чиқаришда ипларни тайёрлаш жараёнлари тўқувчиликка нисбатан анча кам.

Трикотаж матолари ишлаб чиқарувчи корхоналарга пахта ва жун толаларидан йигирилган иплар, қофоз найчаларда, калава ва бобиналарда келтирилади. Вискоза ва ацетат иплар конуссимон ёки цилиндр бобиналарда, синтетик иплар уч конусли бобиналарда келтирилади. Уларни трикотаж матоси ишлаб чиқаришга тайёрлашда асосан қайта ўраш ва тандалаш жараёнлари қатнашади.

Нотўқима мато ишлаб чиқаришда хом ашё тайёрлаш, уни ишлаб чиқариш усули билан боғлиқ бўлиб, улар тола тайёрлаш ва ип тайёрлашга бўлинадилар. Масалан, тикиб тўқиши усулида нотўқима матолар ишлаб чиқаришда хом ашё тайёрлаш толалардан ҳолст ҳосил қилиш ва тикиб тўқиши учун ипларни тайёрлаш босқичлардан иборат.


Тўқимачилик матоларини ишлаб чиқаришда ипларни тайёрлаш жараёнларини тўғри танлаш уларни ишини сифатли ва юқори унумли ташкил этиш, маҳсулот ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини асосий омили ҳисобланади.

Ипларни қайта ўрашдан асосий мақсад тўқимачилик матолари ишлаб чиқаришни иқтисодий самарадорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш. Қайта ўраш жараёнида ип назоратидан ўтиб нуқсонлари (йўғон ва ингичка жойлари) бартараф этилади ва турли хас чўплардан тозаланади. Қайта ўраш натижасида ип сифати яхшиланиб, улардан сифатли трикотаж ва тўқима матолар ишлаб чиқарилади.

Тўқимачилик матолар ишлаб чиқаришни юқори унумли усул ва дастгоҳларини яратилиши қайта ўраш жараёни аҳамиятини янада оширади.

Жараён сер унумли ва кам меҳнат талаб этилиши мақсадга мувофиқ. 2.2-расмда қайта ўраш жараёнларининг умумий технологик схемаси кўрсатилган.

Йигирув машинасидан келтирилган найча 1, Кўзғалмас найча тутгичга ўрнатилган. Найчадан чуваланиб чиқаётган ип йўналтирувчи чивик 2 ни эгиб ўтиб, тарангловчи асбоб 3, тозаловчи - назоратчи асбоб 6, ўзи тўхтатгувчи механизм чивики 7 ни эгиб ўтади. Сўнгра ип юргизгич орқали ўтиб, айланма ҳаракатдаги патрон 9 га ўралади (2.2.-расм).



2.2-расм. қайта ўраш жараёнларининг умумий технологик чизмаси

Ип ўраш автоматлари. Сўнгги 20-30 йилда чет эл фирмаларида бир неча турдаги қайта ўраш автоматлари яратилган бўлиб, уларнинг ҳар бирини ўзига таалуқли авфзалликлари ва камчиликлари мавжуд.

ўраш автоматларини ишлатиш битта киравчи ўрамани ўрашга сарф бўладиган вактни, оддий қайта ўраш машинасига қараганда 2-3 марта камайишига олиб келади. Шунинг билан бирга автоматлар ишчининг меҳнат шароитини ҳам анча яхшилади.

Ҳозирги пайтда бобина ўровчи автоматларни жуда кўп турлари яратилган. Уларда ип ўровчи қисм билан тугун боғловчи - қайта тахтовчи станцияларнинг мулоқотига қараб олинган шарт 4 гурухга бўлинади.

1. Ўровчи механизмлар қўзғалувчан (ҳаракатда) бўлиб, тугун боғловчи қайта тахтовчи станция қўзғалмас. Битта станция бир нечта ўровчи (барабанлар) механизмларга ишлайди. АМК - автомат мотальный карусельный.

2. Қўзғалмас ўровчи механизмлар ва ҳаракатланувчан тугун боғловчи қайтма тахтовчи станцияли автоматлар. Битта станция ўровчи механизмлар атрофида ҳаракатда бўлиб, станциядан келган маълумотга қараб керакли (тугун боғлаш ёки найча алмаштириш) ишларини бажаради. Бундай автоматларни АЖШда Барбер-Колнан фирмаси ишлаб чиқсан.

3. Бир нечта (60-80) ўровчи механизмларга 2-4 тугун боғловчи - қайта тахтовчи ҳаракатдаги станцияли автоматлар. Бундай турдаги автоматларни “Шлафгорст” (ГФР), “Савио” (Италия), “Махаконер” (Япония) фирмалар ишлаб чиқсан.

4. Ҳар бир ўровчи механизм ўзини тугун боғловчи - қайта тахтовчи станциясига эга бўлган автоматлар(2.3.-расм). Бундай автоматлар турига Аутосук, Лиссен (АЖШ), Мурата (Япония), Шлафгорст (ГФР)².

² Sabit Adanur. Handbuk of weaving. Boca Raton London New York Washivgton/ D.C. (48 pg)



2.3-расм Қайта ўраш автомати

1.3.Тандалаш. Жараён мақсади ва моҳияти.

Тандалаш жихози, унинг асосий қисмларининг вазифалари. Тандалаш жараёни мақсади ва моҳияти асосида технологик чизмасини тузиш. Тандалаш роми ва унинг асосий функционал қисмлари.

Гурухлаб тандалаш, унинг ҳисоби ва моҳияти. Гурухлаб тандалаш машиналари, уларнинг қўлланилиш кўлами. Гурухлаб тандалаш машинасининг унумдорлигини аниқлашда ўртacha ҳақиқий тезлик катталигидан фойдаланишни аҳамияти (2.4.-расм).

Пилталаб тандалаш ва унинг ҳисоби. Пилталаб тандалаш машиналари ва уларни қўллаш кўлами. Пилталаб тандалаш машиналарни унумдорлигини ҳисоблаш. Секциялаб, либитлаб тандалаш ва тўла тандалаш турлари ҳақида умумий маълумотлар. Тандалашдаги чиқиндилар. Тўқималарни тўқишида хом иплар кўпинча танда ғалтагида бўялади. Бўяшни таъминлаш учун танда ғалтакларини гардишида шахмат тартибида жойлашган тешиклар бўлади, бу тешиклардан бўяш жараёнида бўёқ ўтади. Бўёқ ўрам қатламларига осон кириши учун ўрам зичлиги кам бўлади – $0,38 \text{ г}/\text{см}^3$. Бундай ўрам юмшоқ ўрам деб аталади. Юмшоқ ўрам ҳосил қилиш учун СМ-140, СМ-165 русумли маҳсус тандалаш машиналари қўлланилади. Бу машиналарда ўртacha тандалаш тезлиги 200м/мин ташкил этади. Оддий тандалаш машиналарида бу кўрсаткич 800 м/мин ва ундан ортиқ бўлади. Тандалаш жараёнини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири электрон назорат

мосламалари ва микропроцессор техникасини қўллаш, асосий жараённи автоматлашириш ҳисобланади³.



2.4.-расм Гурухлаб тандалаш машинаси

«Элетекс» (ЧСФР) концерни билан ҳамкорлиқда 2207 – Ш1-МПУ русумли янги юқори унумдорли тандалаш машинаси яратилмоқда. Бу машина кимёвий комплекс ва турли чизиқли зичликдаги хом иплардан танда тайёрлаш учун мўлжалланган.



2.5.-расм SDB91-300 русумли гурухлаб тандалаш машинаси

Машинанинг таркибига 672, 874 ва 1056 бобинага мўлжалланган танда роми киради. Танда роми қўзғалувчан бўлаклардан иборат бўлиб, бу ромларни тахтлаш жараёни механизациялаш имконини беради. Танда ромининг юритмаси ва бошқариш станцияси ипларни кесиш ва бобина билан тарангловчи мослама орасидаги масофасини ўзгартириш жараёнини механизациялаш имконини беради. Ипларнинг таранглигини автоматик равишда бошқариш танда ромида жойлашган ва ип узилишини назорат

³ Sabit Adanur. Handbuk of weaving. Boca Raton London New York Washivgton/ D.C. (59 pg)

қилувчи мослама билан бирга бажарилган электромагнит тарангловчи мосламалар ёрдамида амалга оширилади. Датчикларнинг жойлашиши узилган маҳсулотни тез аниқлашни таъминлайди. Ромнинг вертикал устунида жойлашган хабар берувчи чироқлар эса узилган ип учини топишни осонлаштиради. Ромнинг тароқлари электростатик зарядларни нейтралловчи мослама билан жиҳозланган.


Ромдан чиқкан иплар тақсимловчи тахтадан ўтказилади, ундан сўнг умумий тарангликни аниқловчи датчик, оптик нуқсон назоратчиси, электрон гуруҳ назоратчиси ва эмульсияловчи мосламадан ўтади ва ундан машинанинг ўраш қисмига етказиб берилади. Машинанинг бу қисмида реглаж механизми, ипларни ёпишқоқ тасмага ёпишириш механизми, ўлчовчи ва зичловчи валлар, танда ғалтагини механик равишда қўйиш ва ечиш механизми, асосий юритма, тормоз системаси ва машинани бошқариш станцияси жойлашган.

Микропроцессор тизими бажарувчи механизм ва мосламалар ёрдамида ипнинг таранглигини, тандалаш тезлигини, ўрам зичлигини, белгиланган ўрам узунлигини автоматик ростлашни амалга оширади. Чет элда «Барбер-Кольман» (АҚШ), «Шляфгорст» (Германия), «Бенингер» (Швейцария) фирмаларининг тандалаш машиналари кенг тарқалган. Бу машиналарда қатор омиллар автоматлаштирилган бўлиб юқори сифатли танда ғалтаклари шаклланади.

Пилталаб тандалаш

Пилталаб тандалаш усули одатда ипак ва жун иплар, турли синтетик иплар учун ва тандадаги иплар сони жуда кўп бўлганда ишлатилади. Бошқа соҳаларда пилталаб тандалаш фақат танда бўйича мураккаб ранг рапортли тўқималар учун қўлланилади. Лекин қайси ҳолларда гурухлаб ёки пилталаб тандалаш самаралироқ эканлигини аниқ баҳолаш қийин. А. Ормироднинг ҳисобларига кўра, мураккаб ранг рапорти бўлган (бир неча ранг бўлган) тандаларни тайёрлашда тўқув ғалтагидаги ипнинг узунлиги 1000-2500 м бўлганда пилталаб тандалаш қўпроқ самара беради.

Пилталаб тандалаш усули қўлланилганда, рангли иплар заҳираси анча камаяди. Бундан ташқари ипларни ранглар бўйича тақсимлаш ва нах чивиқларини ўтказиш соддалашади. Кўп ҳолларда пилталаб тандалаш усули танда иплари охорланмаган ҳолда тайёр тўқув ғалтаги олиш учун қўлланилади. Агар тўқув ғалтаги тандалаш барабанидан амалга оширилса, барабанда саккиз ёки ўнта нах иплари ҳар бир пилтанинг бошида, битта нах ипи эса пилталарнинг охирида жойлашади. Бу барабандан охорлаш жараёнида нах ипларининг тандада жойлашиш тартиби ўзгаради, яъни саккизта-ўнта нах иплари танданинг ичida жойлашиб, охиргиси тўқув ғалтагининг юзасига чиқади. Пилталаб тандалаш кўпинча иплар охорланмаганда бевосита тўқув ғалтаги ҳосил қилиш учун қўлланилади. Мисол тариқасида икки рангли сочиқлар, рангли тўқималар ва жун ипларидан танда тайёрлашни келтириш мумкин.



Замонавий тандалаш машиналарида барабанга ўралган пилтанинг кесими параллелограмм шаклида бўлади. Биринчи пилтанинг бурамлари барабаннинг конусига таянади.

Пилталар барабанга тўғри шаклда ўралиши учун суппортнинг силжиши барабаннинг конусига мос равишда танланиши керак. Супортнинг силжиши ипларнинг чизиқли зичлиги, уларнинг тури ва ўрам зичлигига боғлик бўлади.

Саноатимизда ШЛ-288-Ш ромлари билан жиҳозланган СЛ-250-Ш ва Текстима пилталаб тандалаш машиналари кенг тарқалган ва бу машиналар асосан пахта ва жун ипларини крестсимон ўрамли конус бобиналаридан тандалаш учун мўлжалланган.



2.6.-расм "'SIMPLETRONIC' пилталаб тандалаш машинаси

Чет элда Швейцариянинг «Бенингер» фирмаси ишлаб чиқараётган пилталаб тандалаш машиналари кенг тарқалган(2.6-расм). Бу фирманинг машиналари алмашувчи барабан билан жиҳозланган бўлиб. асосан кимёвий ипларни тандалаш учун мўлжалланган. Бу машиналарда конус бурчаги ўзгартирилади. Унда кўп ҳолларда фақат тандалаш жараёни амалга оширилади, ипларни тўкув ғалтагига ўраш эса охорлаш жараёнида бажарилади. Бунинг учун тандалаш барабани машинадан ажратилади ва охорлаш машинасига келтирилади.

Унумдорликни ошириш мақсадида тандалаш барабанига бир нечта тўкув ғалтагига етадиган узунликдаги ип ўралади. Охорлаш машинасидаги маҳсус мослама пилталар бўшаб чиқиши жараёнида барабанни силжитиб


боради. Бу мосламани тандалаш тезлиги кам ва барабандаги ипнинг узунлиги катта бўлганда қўллаш мақсадга мувофиқ. Алмаштириувчи танда барабанини қўллаш тандалаш жараёнини такомиллаштиришни талаф этади, чунки бу ҳолда барабандаги узилган ипни учини топишнинг иложи бўлмайди.

«Хакоба» (Насоба) пилталаб тандалаш машинаси (Model UST E 1000) (Пахтали, полистер, жун иплари учун), **(Насоба) пилталаб тандалаш машинаси** (Model USK T 1000), (Вискоза, ингичка полистер иплари (2,2-8,2 текс) учун) (Германия) фирмасининг электрон бошқариш тизими билан жиҳозланган USK пилталаб тандалаш машинаси ҳам кўп чет эл корхоналарида самарали ишламоқда. Машинанинг конус бурчаги бир хил бўлганлиги учун фақат суппортнинг силжиши ўзгартирилади. Бу машинанинг роми нах ва суппорт тиғлари қўзғалмас бўлиб, пилта ўралаётган пайтда барабан силжийди. Пилталар тўқув ғалтагига ўралаётганда барабан тескари томонга силжийди.

Бўлаклаб тандалаш

Бўлаклаб тандалаш усулида тандадаги иплар тенг бўлакларга бўлинади. Ҳар бир бўлак алоҳида энсиз танда ғалтагига ўралади. Ўралган бўлаклардаги танда ипининг зичлиги тўқув дастгоҳидаги иплар зичлигига тенг бўлади. Ўрам ўралган энсиз вал бўлак деб аталади. Белгиланган т бўлак ўраб бўлингандан сўнг улар ҳаммаси тўқув ғалтагига ўралади(2.6-расм). Моҳияти бўйича бўлаклаб тандалаш гуруҳлаб ва пилталаб тандалашга ўхшаш. Бу усул рангли ипларни тандалаш учун қулай, лекин унинг унумдорлиги паст. Саноатимизда бўлаклаб тандалаш қарийб қўлланилмайди. Бу усул «Метап» машиналари учун танда иплари тайёрлаш учун қулайдир.

Кичик ҳажмли танда ғалтаклари тайёрловчи юқори тезликли тандалаш машинаси (Модел KD-450)



2.7.-расм Бўлаклаб тандалаш машинаси

Тандалаш тезлиги-0-200 м/мин

Ром сифими- 60, 120, 180, 240

1.3.Замонавий тандалаш ромлари

Тандалаш жараёнига одатда цилиндрисимон ёки конуссимон бобиналар келтирилади. Танда ромининг сифими катта аҳамиятга эга, чунки у танда

галтаклари ёки пилталар сонига таъсир этади. Галтаклар ва пилталар сони эса тандалаш ва оҳорлаш жараёнидаги чиқиндиларга бевосита таъсир этади.

Саноатда сифими 1000 та бобинагача бўлган ромлар ишлатилади, махсус ромларга эса 2000 тагача галтак сифдириш мумкин. Тузилиши бўйича ромлар узлукли ва узлуксиз тандалашга мўлжалланган бўлади. Ромлар темир асосдан иборат бўлиб, уларда бобина тутқичлари, ип йўналтирувчилар, тарангловчи мосламалар ва ип узилганда машинани автоматик тарзда тўхтатиш узун мўлжалланган контакт илгаклари ва хабар берувчи мосламалар жойлаширилган.

Танда ромидаги иплар сони кўпроқ бўлганда узлуксиз тандалашнинг истиқболи яхшироқ бўлади. Бунда ускуна ва меҳнат унумдорлиги ортади, тандалаш сифати яхшиланади. Замонавий тўкув корхоналарида узлукли тандалаш усули кенгроқ тарқалган. Ипларни тақсимловчи тароққа ўtkазиш турли хил бўлиши мумкин. Лекин корхоналарда асосан ипларни эгилишини камайтирувчи ва узилган ипларнинг ўтишини осонлаширувчи усул қўлланилади.



2.8-расм “Шляфгорст” фирмасининг 3-Z-25 танда роми

Чет элда турли хил автоматлаширилган танда ромлари ишлатилади. “Шляфгорст” фирмасининг 3-Z-25 танда роми ҳозирги кундаги энг мукаммал танда ромларидан ҳисобланади. Амалда у танда ромидан ва автоматик тарзда ҳаракатланадиган аравачалардан иборат. Бу аравачалар бобиналарни алмаштириш вақтини камайтириш учун хизмат қиласи. Аравачаларда вертикал устунлар бўлиб, бобиналар бу устунларда икки томонлама жойлашган. Бу танда ромининг бошқа такомиллашган томонлари ҳам бор, масалан: ромнинг охирги устунидаги устки ва пастки бобиналарнинг тарангловчи мосламаларида дифференциаллаширилган таранглик берилади.

Ипнинг таранглиги ромнинг олдинги устунида назорат қилинади. Ҳаракатланувчи чанг тозаловчи тарангловчи мослама ва бобинадаги чангларни тозалайди.

Танда ромининг пастида чанг сўрувчи мослама жойлаштирилган. Кимёвий толаларни тандалаш жараёнида статик электрланиш ҳосил бўлади.

Баъзи тандалаш машиналарида статик электрланишни бартараф этиш учун тандалаш машинасига ўрнатилган мосламалардан ташқари ромнинг олдинги устунини ҳар бир қаватида маҳсус нейтралловчи мосламалар ўрнатилган.

Кўп рангли тандаларни тайёрлаш

Кўп рангли тандаларни тайёрлашда тандалаш ҳисоби анча мураккаб бўлади. Кўп рангли тандалашни ҳисоблашда асосий вазифалардан бири ҳар бир ғалтакка рангли ипларни бир текис тақсимланишини энг осон усулини ва ғалтакдаги иплар сонини аниқлашдан иборат.

Берилган ранг раппортини тайёрлаш жараёнида гуруҳдаги ғалтаклар сонини камайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Рангли иплар тандаланганда ғалтаклар ва ғалтакдаги иплар юқорида келтирилган усул билан аниқланади, фақат умумий ранг раппорти ва ғалтакдаги ранг раппорти ҳисобга олинади. Танда ғалтагидаги ранг раппортини (хусусий рапортни) тузиш учун тўқимадаги танда бўйича ранг раппортини билиш керак. Рангли тандаларни тайёрлашда хусусий рапортларни танда ғалтагида жойлашининг камида 4 ҳолати учрайди.

Биринчи ҳолат барча ранг иплари танда ғалтагида бир текис жойлашади. Бу энг оддий ҳолат бўлиб, барча танда ғалтаклардаги хусусий рапортлар бир хил бўлади. Барча ғалтак учун тандалаш шароити бир хил бўлади, демак жараён соддалашади. Иккинчи ҳолат турли ранг иплари ғалтакларда бир текис тақсимланмаган, лекин ҳар бир ғалтакда ҳамма ранг иплари мавжуд. Бунда барча ғалтакдаги хусусий ранг рапортлари teng бўлиш керак. Бу ҳолда бутун гуруҳ ғалтакларни тайёрлаш жараёнида ромга ғалтак териш холларини камайтириш учун асосий рангларни тўғри жойлаштириш керак бўлади. Учинчи ҳолат турли ранглар танда ғалтакларида бир текис тақсимланмайди ва баъзи ғалтакларда ҳамма ранглар бўлмайди. Лекин барча ғалтаклардаги хусусий рапорт ипларининг сони teng бўлади. Бундай хусусий ранг раппорти тузилганда ромга бобина ўрнатишлар сони камроқ бўлишига харакат килиш керак. Тўртинчи ҳолат ҳар бир ранг иплари алоҳида ғалтакка ўралади. Яъни танда ғалтакларини сони рапортдаги ранглар сонига teng бўлади. Бу усул ранг раппорти содда бўлганда ёки рапортдаги ранглар сони кам бўлганда кўлланилади.

Мисол. Тўқув ғалтагида 2760 ип бўлган рангли танда тайёрлансин. Милкдаги иплар сони 60. Ранг раппорти 135 га teng. Гуруҳдаги танда ғалтаклари сони 5, ғалтакдаги иплар сони 552 қуйида рангли ипларининг ғалтаклар бўйича тақсимлашиши келтирилган.

Тўқимадаги ранг раппорти	Ҳар бир ранг ипларининг сони	Танда ғалтагидаги иплар сони				
		1	2	3	4	5
Оқ	24	5	5	5	5	4
Қизил	10	2	2	2	2	2
Оқ	12	3	2	2	2	3

Кўк	20	4	4	4	4	4
Оқ	14	2	3	3	3	3
Яшил	30	6	6	6	6	6
Оқ	8	2	2	2	1	1
Қизил	17	3	3	3	4	4
Жами	135	27	27	27	27	27
20 маротаба қайтариш керак	2700	540	540	540	540	540
Милк иплари	60	12	12	12	12	12
Ҳаммаси	2760	552	552	552	552	552

Охорлаш

Тўқув дасгоҳларида тўқима шаклланиш жараёнида танда иплари турли таъсиrlарга учрайди. Ҳомузга ҳосил қилиш натижасида ипларнинг таранглиги ошади, скалога, ламелга, гулалар ва тиф ҳаракати таъсирида ишқаланади, чўзилади, эгилади. Бу таъсиrlар натижасида ипни ташкил этган толалар титилади, айрим толалар тушиб қолади, натижада танда ипнинг ейилишга чидамлиги пасаяди, унинг узилиш эҳтимоли ошади. Танда ипларни охорлашдан мақсад, уларнинг кўплаб механик таъсиrlарга чидамлигини оширишdir. Бунинг учун ипга махсус тайёрланган елимловчи таркиб-охор шимдирилиб, ип сиртини юпқа парда билан қоплаш. Охор уйидаги хоссаларга эга бўлиши: толаларни ёпиштириш ва ипнинг ишқаланишга чидамлигини ошириш учун ёпишқоқ бўлиши, етарлича пишиқ ҳамда қайишқоқ парда ҳосил қилиши, тўқув дасгоҳида иплар осон тўқилиб, шодалар ва тиф тишлари орасида тўпланиб қолмаслиги, газламанинг бадиий безагига салбий таъсиr этмаслиги керак.

Охор тайёрлаш учун турли кимёвий моддалар ишлатилиб, унинг асосий қисмини елимловчи материаллар ташкил этади. Елим сифатида кўп ҳолларда табиий ва кимёвий полимерлардан фойдаланилади. Охирги пайтларгача охор табиий полимерлар - озиқ овқатларда фойдаланиладиган крахмаллар (картошка, буғдой) ун (буғдой, гуруч, макка жўхори в.б.), хайвонот елим (желатин, казеин, гўштларда в.б.)лари ишлатилган. Кейинги вақтларда синтетик материаллар: карбоксиметилцеллюлоза (КМЦ), поливенилспирт (ПВС) ва бошқалар ҳам ишлатилмоқда. Бу эса озиқ-овқат маҳсулотларининг техник эҳтиёжларга сарфланишини камайтиришга ва охорнинг сифатини бирмунча яхшилашга имкон беради.

Крахмал ва ун заррачаларини парчалаш учун юувучи натрий эритмаси, хлоромин в.б. ишлатилади. Бу препаратлар таъсирида елимловчи модданинг йирик заррачалари юмшайди, охор суюқ ҳолатга айланади ва у ипнинг ичига сингиш қобилиятига эга бўлади. Охор тайёрлашда елимловчи модда донлари механик таъсири туфайли ҳам парчаланиши мумкин.

Охорланган ип қайишқоқ (эгилувчан) бўлиши, охор пардасининг синиб тўқилиб кетмаслиги учун, охор таркибига юмшатгич модда қўшилади. Юмшатгичлар сифатида пахта мойи, омина кислата, глицерин ва бошқа ёғли моддалар ишлатилади. Танда иплари зарур намликни сақлаш учун охорга

атроф мухитдан нам шимадиган гигроскопик моддалар қўшилади. Гигроскопик материал сифатида кўпинча калий хлор, глецерин ишлатилади.

Охор таркибида оқсил моддаси бўлганлиги учун, унда чиришга мойиллик мавжуд. Охорлаш машинасининг охор билан мулоқотдаги қисмлари ва танда иплари мақсадида, унинг таркибига антисептик модда қўшилади. Чиришга қаршилик кўрсатувчи модда сифатида мис купороси (кукуни), техник формалин, фенол ишлатилади.

Охор тайёрлашда эритма сиртида кўпик пайдо бўлмаслиги учун, охорга сувда эримайдиган спирт, сквидар, пахта ёғи в.х. қўшилади.

Кимёвий ипларни охорлашда, унинг таркибига, шунингдек антистатик сифатида стеарокс ишлатилади.

Охорда эритувчи модда сифатида юмшатилган сувдан фойдаланилади.

Охор рецептини танлашда кўп омиллар тўқима тури, танда ва арқоқ ипларини чизиқий зичлиги, 10 см даги танда ва арқоқ ипларини сони, тўқув ўрилиши, корхонадаги кимёвий моддаларни мавжудлиги ҳисобга олинади. Қуйидаги жадвалда баъзи бир пахта толасидан йигирилган ипларни охорлашда ишлатилиши мумкин бўлган рецептлар келтирилган.

Моддалар	Пахта толасидан йигирилган ип		
	29-42 текс	18,5-25 текс	11,8-15,4 текс
1-рецепт			
Картошка крахмали, кг	50-60	65-75	75-80
Хлорамин, гр	110-150	130-190	150-200
Пахта ёғи, гр	200-300	200-300	200-300
2-рецепт			
Макка жўхори крахмали, кг	55-80	60-75	75-80
Хлорамин, гр	385-480	455-600	525-600
пахта ёғи, гр	250-300	250-300	250-300
ўювчи натрий (35 %ли), гр	100-150	100-150	100-150
3-рецепт			
Жавтар бўғдой уни, кг	65-70	65-70	65-70
Хлоромин, г	520-630	500-630	500-630
пахта ёғи, г	300	300	300
ўювчи натрий, (100%ли) г	495-500	495-500	495-500
4 рецепт			
Буғдой уни, кг	75-90	75-90	75-90
Хлоромин, г	600-810	600-810	600-810
пахта ёғи, г	300	300	300
ўювчи натрий, (100%ли) г	525-720	525-720	525-720

Охор охорлаш машиналари ёнида жойлашган маҳсус хонада тайёрланади. Хонада елим баклари, кислота эритиладиган ва совун тайёрланадаган идишлар, кимёвий моддалар сақланадиган идишлар, крахмал ёки ун сақланадиган идишлар ҳамда ҳар хил идишлар турадиган шкаф бўлади.




2.9- расм Барабанли охорлаш машинаси

Танда ипларини шодалардан ўтказиш.

Танда ипларини ўтказиш ва боғлаш жараёни мақсади ва моҳияти.

Танда иплари ўралган тўкув ғалтаги дасгоҳда ишлатилишидан аввал, ундаги иплар ламел, шода гуллари кўзчалари ва тиф тишлари орасидан ўтказишлари лозим. Кўп ҳолларда тўкув дасгоҳида ўрнатилган тўкув Ғалтагидаги ип тугашида, бу ипларнинг учи, яъни келтирилган танда иплари учлари билан уланадилар.



2.10- расм ПСМ ўтказиш машинасининг технологик чизмаси

а) дастгоҳ, б) ипларни тиф тишларидан ўтказувчи асбоб, в) ипларни гула ва ламеллардан ўтказувчи илгаклар.

Ипларни улаш, айниқса ўтказиш сермехнат талаб этади. Замонавий тўкув корхоналарида кўпроқ (80-85 %) тандаларни улаш қўлланилади. Дасгоҳда ишлаб чиқарилаётган газламани тури ўзгариши натижасида, шодаларни сони шодадаги гулалар сони, улардан ипларни ўтказиш тартиби,

тиф номерини ўзгариши, албатта ипларни бу анжомлардан қайта ўтказишни талаб қиласы. ўтказиш шунингдек анжомларни ишдан чиқиши, улар орасига майда толалар ва охор заррачаларини тиғилиб қолишида ҳам қўлланилади.

Шода тўқув дасгоҳининг муҳим асбоби бўлиб, у ҳомуза тузиш ва тўқимада маълум ўрилиш ҳосил қилиш учун ишлатилади. Шодалар ром ва гулалардан иборат. Тўқув дасгоҳига ўрнатиладиган шодалар сони танда ипларини ўрилиш раппортига, ипларни шодалардан ўтказиш тартибига ва шодага терилган гулалар зичлигига боғлик. Шодаларга ип гулалар ёки метал гулалар терилган бўлиши мумкин(2.10 –расм).

Ип гулани шода бир-бири билан икки қатор тасмага боғланган ип гулалардан ташкил топган. Ҳар бир гурӯҳда йигирматадан гула бўлиб, уларнинг ўртасида танда ипларни ўтказиш учун бир текис қаторда жойлашган қўзчалар бўлади. Дасгоҳга ўрнатиладиган гулалар сони, шодалар сони ва тандадаги иплар сонига боғлик. Шоданинг эни тўқилаётган тўқимани тиф бўйича тахтлаш энига боғлик.



2.11- расм Танда ипларини ўтказиш дастгохи

Фойдаланилган адабиётлар:

1. David Y. Spenser. Comprahansive handbook of knitting technology. 2001.
2. Ryszard M. Kozlowski “Handbook of natural fibres” Volume 2: Processing and applications. Woodhead Publishing Series in Textiles: Number 119. © Woodhead Publishing Limited, 2012
3. M.Muqimov. Trikotaj texnologiyasi T:2012

2-Маруза. Тўқув ўрилишларининг таснифи.

Режа:

- 2.1.Тўқувчиликда ўрилишнинг турлари.
- 2.2.Тўқув ўрилишлари.
- 2.3.Тўқима тузилиши.
- 2.4.Танда ипларини шодалардан ўтказиш тартиби.

Таянч сўзлар: *синф, кичик синф, грух, кичик грух, бош (асос) ўрилишлар, майда нақшли ўрилишлар, мураккаб тўқималар ўрилиши, йирик нақшли.*

2.1.Тўқувчиликда ўрилишнинг турлари.

Тўқувчиликда ўрилишнинг турлари кўп. Улар бир - бирларидан кўп аломатлари билан фарқ қиласди. Кўп турли ўрилишларни тахлил қилиш ва ишлаб чиқаришда улардан фойдаланишни осонлаштириш мақсадида улар синф, кичик синф, грух, кичик грух ва турларга бўлинади. Бунда, аввало тўқима таркибий тамойили асос бўлиб, иккинчи томондан шу ўрилишни дастгоҳда ишлаб чиқариш шарт - шароитлари, яъни технология тамойили ҳисобга олинади.

Мавжуд бўлган тўқув ўрилишлари тўртта синфга бўлинади.

- Бош (асос) ўрилишлар;
- Майда нақшли ўрилишлар;
- Мураккаб тўқималар ўрилиши;
- Йирик нақшли ўрилишлар.

Бош (асос) ўрилишлар билан ишлаб чиқарилган тўқималар сидирға бўлиб, уларда нақшлар бўлмайди. Бош ўрилишни ташкил қилувчи кичик синфлар қуйидагилар:

- Полотно ўрилиши;
- Саржа (силон) ўрилиши;
- Атлас (сатин) ўрилиши.

Майда нақшли ўрилишлар иккита кичик синфга бўлинади- ҳосила ва аралаш ўрилишлар.

Ҳар бир кичик синф ўрилишлар ўз навбатида грух ва кичик груухларга бўлинади.

Ҳосила ўрилиши груухига қуйидаги кичик груух ўрилишлари-полотно ҳосиласи, саржа ҳосилалари, ва атлас (сатин) ҳосилалари киради. Ўз навбатида полотно ҳосиласига танда репси, арқоқ репси ва рогожка каби ўрилишлар киради. Саржа ҳосиласига кучайтирилган мураккаб саржа, синик (қайтма) саржа, хочсимон саржа, ромбасимон саржа, соявий саржа ташкил этади. Бу кичик груухга шунингдек янги яратилган саржанинг иккинчи ҳосиласи ҳам киради.

Атлас (сатин) ҳосиласига кучайтирилган атлас, нотўғри атласлар, соявий атлас ва ярим кучайтирилган атласлар киради. Иккинчи синф - майда

нақшли ўрилишларни иккинчи кичик синфи аралаш ўрилишлар қуидагилардан иборат: Геометрик нақшли, креп (жилва)ли, тирқишли тўқима, тўшамаси маҳкамланган, диагонал, вафел ва нақши шаклланишида рангли иплар қатнашган тўқималар киради. Бу гурух ўрилишлар ҳам ўзларини кичик гурухларига эга.

Учинчи синф мураккаб тўқималар ўрилишини қуидаги кичик синфлар ташкил этади:

1,5 қатламли тўқималар, 2 қатламли тўқималар, 2,5 қатламли тўқималар, кўп қатламли тўқималар, тукли тўқималар, “Пике” тўқималари, ўрамали “Ажур” тўқималар ўрилиши киради. Бу кичик синф ўрилишлари ҳам ўзларини гурух ва кичик гурухларига эга. Жумладан 1,5 қатламли тўқималар қўшимча тандали ёки қўшимча арқоқли 1,5 қатламли тўқималар гурухига, улар ўз навбатида икки юзли ва икки томонли кичик гурухларга бўлинади.

Икки қатламли тўқималар кичик синфида қатламлари милкда боғланган ёки полотно бўйлаб боғланган кичик гурухларга бўлинади.

Кўп қаватли тўқималар кичик синфи 3 қатламли; 3,5; 4; 4,5; ва ҳоказо қатламли тўқималар ўрилишлари гурухларини ташкил этади. Бу ерда кичик гуруҳар қатламларни бир-бири билан боғлаш, уларни зичликларини бир-бирига нисбати, ўрилиш турларига бўлинади.

Тукли тўқималар ўрилиш кичик синфи танда тукли ва арқоқ тукли тўқималар ўрилиши гурухига бўлинади. ўз навбатида бу гурух ўрилишлар масалан танда туклилар - қирқма тукли ёки ҳалқасимон тукли кичик гурухларга бўлинади. Арқоқ тукли тўқималар ўрилиши гурухи сидирға тукли ёки йўл-йўл тукли кичик гурухларга бўлинади.

“Пике” тўқимасининг кичик синфи оддий “пике” ва мураккаб “Пике” гурухи бўлади.

Ўрамали “ажур” тўқималар кичик синфи сидирға ўрамали ва нақш ўрамали гурухларга бўлинади. Бу ўрилишларни ҳар бирини қўллашда қатнашаётган танда иларини зичлик нисбатлари, уларни оддий ва маҳсус шодалардан ўтказиш тартибларига қараб, бир неча турларга бўлинади.

Йирик нақшли тўқималар ўрилиши синфи иккита кичик синф оддий йирик нақшли ва мураккаб йирик нақшли тўқималар ўрилишига бўлинади. Оддий йирик нақшли тўқималар ўрилишига уларни ишлаб чиқариш учун керак бўлган жаккард машинасини қуввати, қўлланилган аркат иларини тақсимловчи тахтадан ўтказиш тартибига ва бошқаларга қараб бир неча гурух, кичик гурух ва турларга бўлинади.


Газламани сиртқи безакларни хилма-хил олишда мураккаб йирик нақшли тўқималар ўрилишларининг имкониятлари жуда ҳам катта. Бу ўрилишларни бир неча гуруҳдан мавжуд. 1,5 қатламли йирик нақшли тўқималар, 2 қатламли йирик нақшли тўқималар ва бошқа ўрилишли тўқималар шу кичик синфи гурухларини ташкил этиб, гурухлар эса кичик гурухлар ва турларини ташкил этади.

2.2. Тўқув ўрилишлари.

Тўқима – танда ва арқоқ ипларидан ташкил топиб , танда ипи бўйламасига, арқоқ ипи эса кўндалангига жойлашган ипларнинг ўзаро ўрилиши натижасида ташкил топган маҳсулот.

Ўрилиш- танда иплари билан арқоқ ипларини маълум тартибда бир-бирига нисбатан кесишиб жойлашишига айтилади.

Ўрилиш раппорти- ўрилиш нақшидаги ипларнинг қайтарилиш сонига айтилади. Ўрилиш нақшида танда иплари бўйича ва арқоқ иплари бўйича рапорт аниқланади. Кўйидаги (3-расм) расмда тўқимада танда ва арқоқ ипларининг жойлашиши полотно ўрилиши мисолида келтирилган.



2.12-расм. Тўқима ўрилишида танда ва арқоқ ипларининг жойлашиши чизмаси

Расмда : R_T – танда иплар раппорти; R_A – арқоқ иплар раппорти; Q_T – танда бўйича қопланиши; Q_A – арқоқ бўйича қопланиши. Келтирилган кўрсаткичлар бўйича барча ўрилишлар бир-биридан фарқ қилади.


Тўқиманинг тузилиши унинг сирт кўриниши (безаги) ва физик-механик хусусиятларини аниқлайди. Тўқиманинг тузилиши бир қатор омилларга боғлиқ: танда ва арқоқ ипининг тури, чизиқий зичлиги ва уларнинг нисбатларига; тўқимани танда ва арқоқ бўйича зичлиги ва уларнинг нисбатларига; тўқимада ипларни ўзаро ўрилиш турига; тўқиманинг тўқув дастгохида тўқилиш ва технологик тахтлаш шарт шароитларига.

Тўқиманинг тўлиқ тахтлаш дастури

Тўқув дастгохини тахтлаш ва унда берилган ўрилишли тўқима ишлаб чиқаришдан аввал уни тахтлаш расми тузилади.

Мисол: Саржа 2/2 ўрилишининг тўлиқ тахтлаш дастури тузилсин(5-расм). Тўқимани тахтлаш расмидаги биринчи элементи, ўрилишни шартли тасвири бўлиб, унда вертикал жойлашган чизиқлар танда ипларини ифодалаб улар маълум тартибда рақамлар билан белгиланган.

Тўқимани тахтлаш расмидаги тўртинчи элементда берилган ўрилишни ҳосил қилиш учун керак бўлган шодаларнинг кўтарилиш тартиби кўрсатилади.



2.1- расм. Саржа 2/2 ўрилишининг тўлиқ тахтлаш дастури

Танда ипларини шодалардан ўтқазиш тартиби

Танда ипларини ўрилиш турига қараб, шодалардан ўтқазиш тартибини тўғри танлаш, ипларни кам узилишига, тўқима сифатининг ўсишига, ўрилишда иштирок этадиган шодалар сонининг камайишига, узилган ипларни бартараф этишни тезроқ амалга ошириб, дастгоҳни юргизишга таъсири каттадир. Ипларни шодалардан ўтқазиш тартиби қўйидаги усулларда бажарилади: қатор, қайтма, нақш бўйича ва тўп-тўп ва хоказо.

Танда ипларини шодалардан ўтқазишнинг асосий омиллари:

1. Ўрилишнинг танда бўйига раппорти R_t - (кўпинча шодалар сони рапортга тенг бўлади.)

2. Танда ипларининг зичлиги R_t

3. Танда ипларининг шодалардан ўтқазиш раппорти R_y - ва шодалар сони – $K_{ш}$

Шу кўрсатгичларнинг ўзаро нисбатига қараб ўтқазиш 3 та гурухга бўлинади.

1. $R_t \geq K_{ш} \geq R_y$ - қаторли ўтқазиш

2. $R_t < K_{ш} \geq R_y$ - сочма ёки шода оралаб ўтқазиш

3. $R_t \leq R_y > K_{ш}$ - қисқартириб ўтқазиш, нақш бўйича ўтқазиш қайтма ўтқазиш ва χ к.з.

Шодалардан ип ўтқазиш R ти деб нечта танда ипидан кейин ўтқазиш тартибининг қайтарилишига айтилади.

1. Қатор ўтқазиш

5				о
4			о	
3		о		
2	о			
1	о			

2.2- Расм. Қатор ўтқазиш тури

$$R_T = 5; R_{o'} = 5; K_{SH} = 5; R_T = K_{SH} = R_{o'},$$

Бу ерда: R_T -танда иплар раппорти; $R_{y'}$ - шодалардан ўтқазиш раппорти; $K_{ш}$ – шодалар сони.

Бундай ўтқазиш тури саржа, сатин ва уларнинг хосилаларини ишлаб чиқаришда қўлланилади. Танда иплари раппорти, ип ўтқазиш раппорти ва шодалар сони бир-бирига тенг бўлади.

2.Сочма ўтқазиш .

4				о
3		о		
2			о	
1	о			

a)

$$R_T < K_{SH} = R_{o'}; \quad R_{T\text{к}2}; \quad R_{o'\text{к}4}; \quad K_{SH\text{к}4}.$$

6			о			
5		о				
4						о
3		о				
2					о	
1	о					

b)

2.3-расм. 6 шодали сочма ўтқазиш.

Бундай ўтқазиш тури полотно ўрилишли тўқималарни ишлаб чиқариш учун қўлланилади. Танда или зичлиги ошган сари шодалар сони ҳам ортиб боради. Бунда танда раппорти, шодалар сони ва ип ўтқазиш раппортидан кичик бўлади. Сочма ўтқазиш тўқув дастгохларида шодаларнинг бир-бирига ишқаланишини, демак танда ипларининг узилишини камайтиради.

Оддий қайтма

6					о			
5				о		о		
4			о				о	
3		о						о
2	о							о
1	о							

2.4-Расм 6 шодали оддий қайтма ўтқазиш

$$R_T = R_{o'} > K_{sh}; \quad R_{T\text{к}10}; \quad R_{o'\text{к}10}; \quad K_{sh\text{к}6}.$$

.

Мураккаб Қайтма ўтқазиши

7						о	о						
6					о			о					
5			о						о				
4			о							о			
3		о									о		
2	о										о		
1	о											о	

2.5 -Расм.Мураккаб қайтма ўтқазиши.

$$R_T = 2K_{sh}; \quad R_{T'k} 14; \quad R_{o'k} 14; \quad K_{sh} k 7.$$

Қайтма ўтқазиши түқимада симметрик нақш бўлган холларда қўлланилади.

		о			о								
	о			о		о		о			о		
	о			о				о			о		
о		о						о			о		

2.6 -расм. Ипларни шодалардан қайтарма нақшга қараб ўтқазиши тартиби.

Узлукли ўтқазиши йўл-йўл ва катак нақшли ўрилишларни тўқишида қўлланилади⁴.

									о			о	
									о			о	
								о			о		
							о			о			
о		о		о									
о		о		о		о							
о		о		о									

2.19 -расм. Узлукли ўтқазиши тартиби.

					о	о							
				о			о						Расмга
	о	о											қараб
о		о											

2.7-расм. Нақшга қараб ўтқазиши.

Назорат саволлари:

- Шодалар сонини ўрилишга боғлиқлигини қандай изоҳлаш мумкин?

⁴ Sabit Adanur. Handbuk of weaving. Boca Raton London New York Washivgton/ D.C. (23 pg)

2. Шодалардан ип ўтказишнинг қайси усулини бош ўрилишлар учун қўллаш мақсадга мувофиқ?
3. Ип ўтказишнинг қайси усулини ҳосила ўрилишларда қўллаш мумкин?
4. Икки қатламли ўрилишларда қандай ўтказиш турини қўллаш мумкин сабаби изоҳлансин.
5. Тўқув дастгохи тури қайси омилларга боғлиқ холда танланади?
6. Замонавий тўқув дастгохлари турлари ва уларнинг авзаликлари?
7. Тўқима матолари ассортиментлари ва уларнинг янги турларини яратиш тенденцияси?
8. Охорлаш машиналарида бажариладиган вазифалар?

3- Маъруза

Тўқувчилик техникаси ва технологиясининг ривожланиш йўналишлари.

Режа:

- 3.1.Мокисиз тўқувчиликнинг ривожланиш истиқболлари.
- 3.2.Мокисиз тўқув дастгохларини ишлаб чиқариш унумдорлигини қиёсий кўрсатгичлари.
- 3.3.Замонавий тўқув дастгохларини юритмаси

Таянч иборалар: *тўқима, сифатли тўқима, арқоқ, рапира, хомузга, шода, узатма, SUMO, Dornier, танда или, арқоқ или*

3.1.Мокисиз тўқувчиликнинг ривожланиш истиқболлари.

Тўқима ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантиришнинг асосий йўналиши бу- ишлаб чиқариш вақти, энергия сарфи ва таннархни камайтиришдир. Хозирда оғир механикавий қисмлар ўрнини электронли ёки микро просессорли бошқарув тизимлари эгалламоқда. Охирги 2 ўн йилликларда тўқувчилик технологияси жараёнидаги самарали ўсишлар деб, мокили тўқув дастгохлари ўрнини мокисиз тўқув дастгохлари эгаллаши ва улар ёрдамида тўқима ишлаб чиқариш унумдорлигини ва сифат кўрсатгичларини ошириш бўлган дейиш мумкин.

Мокисиз тўқувчилик тўқимачилик саноати ривожланишига катта таъсир этади. Мокили тўқув дастгохларини мокисиз дастгохларига алмашиши янги технологиялар ва оғир қўл меҳнатидан замонавий бошқариш тизимиға ўтишни таъқоза этиб, ишлаб чиқриш усулини ҳам ўзгартиришга олиб келди. Бозор ишлаб чиқарувчилардан тўқимани узунлиги бўйича нуқсонларни бўлмаслигини талаб эта бошлади ва бундай тўқимани фақатгина мокисиз тўқув дастгохларида ишлаб чиқариш имконияти мавжуд бўлган. Иқтисодий нуқтаъий назардан ишлаб чиқариш унумдорлигини оширмай туриб, меҳнат харажатларини (ишчилар маоши ва ҳ.к.з) кўпайтириш фойдани камайишига олиб келади. Шунинг учун бугунги кунда ишлаб чиқарувчиларга шундай мокисиз тўқув дастгохлари керакки, у дастгохлар юқори сифатни таъминлаган ҳолда энг нафис тўқималардан тортиб, энг оғир тўқималаргача ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлиши ва бу жараёнда пахтали, зигир, жун, метал, шишали, моно ва кўп филаментли ва ҳ.к.з иплардан фойдаланишини таъқоза қилди.

Тўқувчилардан доимо "Сифатли тўқима" етказиб бериш талаб этилади. Сифатли тўқима дейилганда нима тушунилади. Қуйида сифатли тўқима учун техник шартлар келтирилган:

- тўқима бўлагининг эни ва узунлиги рухсат этилган чегарада бўлиши керак;
- тўқиманинг тузилиши, яъни бўйича зичликлари, танда ва арқоқ ипларини чизиқли зичлиги, иплар аралашмасини фоиз кўрсатгичлари узунлиги рухсат этилган чегарада бўлиши керак;

- 100 метр тўқимада рангли, тукли ва бошқа нуқсонлар, белгиланган чегарада бўлиши керак;
- тўқимани узилиш кучи белгиланган чегарада бўлиши керак;
- асосий нуқсонлардан танда етишмаслик, арқоқ ипини иккинчи томонга етиб бормаслиги, ип ўтказиш жараёнидаги хатолик, қўшалоқ танда ёки арқоқ иплари каби нуқсонлар кўз билан кўра олиш даражасида бўлмаслиги керак.

Мокисиз тўқув дастгохларидан фойдаланиш қуйидаги афзалликларни беради:

1. Яхши ва сифатли тўқима ишлаб чиқарилади.
2. Ишлабчиқариш унумдорлигини юқорилиги.
3. Доимий ва ишончли ишлашни таъминланади.
4. Дастгохларни универсаллиги.
5. Дастгохни ассортимент имкониятларини юқорилиги.
6. Энли ва техник тўқималар ишлаб чиқариш имкониятига эгалиги ва х.к.з.

3.2. Мокисиз тўқув дастгохларини ишлаб чиқариш унумдорлигини қиёсий кўрсатгичлари

Турли хил мокисиз тўқув дастгохларини ишлаб чиқариш унумдорлигини қиёсий кўрсатгичлари 3.1- жадвалда келтирилган⁵.

3.1-жадвал

Мокисиз тўқув дастгохларини тезлик кўрсатгичлари

Дастгох русуми	Дастгох энини чегараси, см	Дастгох тезлиги, айл/мин	Арқоқ ташлаш тезлиги, арқ·мин
1	2	3	4
Митти мокили SulzerRuti			
P7100	190-540	320	1100-1200
P7200	190-540	430	1500
STB Rossiya	180-330	300	750
Қаттиқ рапирали			
SACM	150	550	1100
Dornier	150-400	460	1000
GUNNE	230	330	1200
Эгилувчан рапирали			
Somet	165-410	550	1300
Vamatex	160-380	510	1300
Sulzer Ruti	110-280	325	1200

⁵E. Önder/Ö.B. Berkalp, "Weaving Technology II- Course Notes", İstanbul. 2008. 50-62 pp.

Nuovo Pignone	220-420	440	1000
Гидравлик			
Metor SPA	230	1000	1600
Nisson	150-210	1000	2000
Tsudakoma	150-210	1000	2000
Пневматик			
1	2	3	4
Sulzer Ruti	300 гача	750	1600
Picanol Omni	190-380	800	1800
Picanol Delta	190	1100	2000
Toyoda	150-330	850	2000
Tsudakoma	150-340	1000	2200
Lakshmi Ruti	190	500	1200
Dornier	430	600	2520
Ясси кўп фазали			
Elitex	≈190	1100-1600	2000-3000
Айлана кўп фазали			
Sulzer M8300	190	3230	6088(Полотно)
	170	2430	4118(Саржа)

Барчамокисиз тўқувдастгохлариқуидаги умумий хусусиятларга эга:

- юқори тезлик;
- ишчи энини катталиги;
- электронли бошқарилувчи танда ипини таранглаш ва бўшатиш, тўқима тортиш ва уни ўраш механизмлари;
- хомуза ҳосил қилиш системаси-кулачокли, кареткали, жаккардли (механикавий ва электронли);
- арқоқ или харакатини электронли назорати;
- танда или узилганда электронли назорати;
- узилган арқоқ ипини жойини (хомузасини) автоматик топиш;
- тез алмаштириш тизими (QSC);
- сонли (digital) дисплей орқали микропроцессорли назорат тизими;
- дастгоҳда шовқин ва титрашни камлиги;
- арқоқ тўплагич орқали арқоқ или таранглигини эркин узатилишини таъминлаш;
- мойлаш тизимини микро процессорли назорат тизими.

Мокисиз арқоқ ташлаш усулига митти мокили, рапирали, пневматик ва гидравлик, кўп хомузали турларга бўлинади (2.1-расм). Арқоқ ташлаш усули дастгоҳларни белгиловчи асосий кўрсатгичdir.

Тўқувчилик жараёнининг дастлабки кунлариданоқ хомузага арқоқ ипини ташлаш катта муаммолардан бири бўлиб келган. Шунинг билан бирга арқоқ ташловчи элементга харакат бериш яна бир муаммолардан бири

бўлган. Муаммони ечими анъанавий бўлиб, арқоқ ташловчини ўлчамига боғлик бўлган, у элемент қаттиқ ёки суюқлик бўлиши мумкин.



3.1-расм. Мокисизарқоқташлашусуллари⁶

Тўқима ҳосил қилиш жараёнида арқоқ ипини хомузага ташлаш жараёнини ривожлантира борилиб, мокисиз усулда арқоқташлашни бир неча усуллари яратилди.

3.3. Замонавий тўқув дастгохларини юритмаси


Замонавий тўқув дастгохлари микропроцессор ёкиМДН (Мантиқий дастурланган назорат) (PLC- Programmable Logic Controller) билан жиҳозланиб, барча технологик омиллар ва харакат узатиш тизимлари узлуксиз назорат қилиниб борилади.

Турли хил электрон курилмалар ва датчиклар маҳсулот ишлаб чиқаришнинг реал вақти ва сифатини таъминлашга хизмат қиласи. Барча муқобил технологик омиллар дастгох хотира картасига ёзилиб, йигилади ва бошқа дастгохларга тўғридан-тўғри узатилади ва хотирада сақланади (2.2-расм).


Замонавий тўқув дастгохларида тўқима ҳосил қилиш технологик жараёнларини амалга оширувчи механизмлар алоҳида элекротдвигателлар (сервомотор) орқали харакатга келтирилмоқда (2.3-расм). Мокили тўқув дастгохларида битта элекротдвигател ўрнатилган бўлса, замонавий дастгохларида бир неча турли қувватдаги элекротдвигателлар ўрнатилган бўлиб, улар марказий бошқарув тизимидан мос равишда ишга туширилади. Технологик жараёнларни алоҳида элекротдвигателлар орқали бошқариш дастгоҳда тўқима ишлаб чиқариш имкониятини (ассортимент имконияти) кенгайтириш билан бирга унинг сифатини ҳам юқори бўлишини таъминлаб,

⁶E. Önder/Ö.B. Berkalp "Weaving Technology II- Course Notes", İstanbul. 2008. 71-88pp

технологик омилларни тез ўзгартириш, алмаштириш, ростлаш каби амалларини бошқарув марказидан амалга ошириш, узлуксиз назорат қилиш имкониятими беради. 1999 йилда Picanol компанияси (Бельгия) Picanol Gamma түқув дастгохларига биринчи бўлиб **SUMO** моторини (**SUMO -Super motor** сўзларини биринчи икки харфларидан олинган) ўрната бошлади⁷.



3.2-расм. Сомет а) ваDornier б) тўқув дастгохларини электрон назорат панели*




3.3-расм. Дастгоҳ механизмларини харакатлантириш тизими

Sumo мотори (тўқув дастгохи бош валига тўғридан-тўғри уланади, яъни тасмали, тишли ва бошқа узатмаларсиз харакат узатилади (3.4-расм). Дастгоҳ

⁷ S Adanur.Handbook of weaving. Edited by, Department of Textile Engineering, Auburn University, USA,2000 265-291. pages

тезлигини ўзгартириш ва ўрнатиш Sumo моторида электрон тизим орқали амалга оширилади. Йўқолган арқоқ ипи хомузасини топиш ва дастгохни секин юргизишлар ҳам дастгохга ўрнатилган битта Sumo мотори ёрдамида бажарилади. Sumo мотори 380-460 Volt, 50/60 Hz кучланишда ишлайди. Sumo моторини ҳар қандай тўкув дастгохларига ўрнатиш имконияти мавжуд бўлиб, Picanol компанияси ўзининг OMNIplus, TERRYplus va GamMax русумли тўкув дастгохларига ўрнатиб, муваффақиятли фойдаланилмоқда. Sumo мотори ёрдамида дастгоҳда керакли тезликни олиш (ўзгарувчан тезлик), уни ўзгартириш амаллари электрон назорат қилиниб, бошқарилади⁸.



3.4-расм. Sumo моторини бош валга уланиши
1- Sumo мотори, 2-бош вал, 3-батан остки вали, 4-тиғ.


Дастгох тезлиги компьютер орқали ўзгартирилиб, ростлаш вақтини кескин камайишига олиб келади. Sumo моторини электрон бошқариш тизими билан бирга ишлаши, тўқима ишлаб чиқариш жараёнида ипларни сифати, шодалар сони, тўқима ўрилиши ва тўқима омилларига қараб керакли дастгох тезлигини тез ўрнатиш имкониятини беради. Шунингдек турли хил арқоқ ипларидан фойдаланилганда дастгох тезлигини ҳар бир арқоқ ипи учун мос равишида ростланади. Sumo мотори мой ёрдамида совитиш тизимига эга. Бу эса уни узоқ муддат ишлатиш имконини беради. Sumo моторини бош валга ва хомуза хосил қилиш механизмларига тўғридан-тўғри уланиши оддий дастгохларга нисбатан энергия сарфини 10 %га иктисад қилиниши таъминлайди. Шунингдек Sumo моторини қизиб кетмаслиги натижасида улар ўрнатилган тўкув цехларини совутиш тизимига сарфланадиган харажатлар ҳам кам бўлади.

DORNIER компанияси (Германия) "DORNIER SyncroDrive" электродвигателига патент олган бўлиб, у ҳам тўкув дастгохи

⁸ S Adanur.Handbook of weaving. Edited by, Department of Textile Engineering, Auburn University, USA,2000, 265-291. pages


бош валига түғридан-түғри уланади (тасмали, тишли ва бошқа узатмаларсиз) (3.5-3.6-расмлар).

Юқоридаги замонавий түқув дастгохларига ўрнатилган электродвигателларни барчаси электрон бошқарув тизимиға эга бўлиб, тўқимада юргизиш нуқсонини пайдо бўлмайди⁹.



3.5-расм. DORNIER тўқув дастгохи

1- DORNIER SyncroDrivemotori, 2-бошқарув панели, 3-электроқути.*



3.6-расм. DORNIER тўқув дастгохида харакат узатиш тизими

1-асосий мотор (DORNIER SyncroDrive), 2-танда узатиш механизмининг мотори, 3-тўқима ўраш механизмининг мотори.*

⁹S Adanur.Handbook of weaving. Edited by, Department of Textile Engineering, Auburn University, USA,2000, 179-309. pages.

Тўқима ишлаб чиқариш истиқболлари

Биринчи тўқув дастгохлардаги тўқима ҳосил қилиш учун бажариладиган 5та асосий жараёндан 4таси (хомуза ҳосил қилиш, жипслаштириш, тўқимани тортиш ва ўраш, танда бўшатиш ва таранглаш) ҳозирги замонавий дастгохларда ҳам сақланиб қолган, фақатгина у жараённи амалга оширувчи механизмлар такомиллаштирилган, автоматлаштиришган бўлсада, лекин асосий моҳияти сақланиб қолган. Хозиргача бўлган давр ичидаги энг катта ўзгариш бўлган механизм - бу арқоқ ипини хомузага ташлаш жараёнидир.


Арқоқ ташлаш усулини такомиллаштирилиши ва автоматлаштирилиши натижасида тўқув дастгохларини тезлиги ва иш унумдорлиги бир неча бор ортишига эришилди.

Тўқув дастгохларини қўйидаги белгилар бўйича таснифлаш мумкин:

Арқоқ ипини хомузага ташлаш усуллари бўйича:

- 1. Мокили (анъанавий усул)**
- 2. Мокисиз (ноанъанавий усул)**

Арқоқ ташлаш усуллари бўйича тўқув дастгохлари **мокили ва мокисиз** турларга бўлинади (2.1-расм).



2.1-расм. Тўқув дастгохларини тури

Мокисиз арқоқ ташлаш усулига митти мокили, рапирави, ҳаво ва гидравлик, кўп хомузали турларга бўлинади (2.2-расм). Арқоқ ташлаш усули дастгохларни белгиловчи асосий кўрсатгичdir.



2.2-расм. Мокисиз арқоқ ташлаш усуллари

Арқоқ ипи билан таъминланиш бўйича дастгохлар икки турга бўлинади: **узлукли ва узлуксиз**(2.3-расм). Узлукли усулда арқоқ ипи хомузага дастгоҳ ишчи циклини маълум қисмидагина ташланади. Иккинчи усулда арқоқ ипи хомузага узлуксиз ташланади. Узлуксиз усул ҳозирда

ривожланиш, такомиллаштириш босқичида бўлиб, ундан дастгоҳларини (кўп ҳомузали) муқобил конструкциялари изланмоқда. Бунда ҳомуза бўйлама ва кўндаланг йўналишларда бўлиши мумкин¹⁰.



2.3-расм. Арқоқ ипини ҳомузага ташлаш турлари

Арқоқ ипи билан таъминлашнинг тури бўйича дастгоҳлар механик, автоматик арқоқ алмаштириш механизми билан жиҳозланмаган ва автоматик дастгоҳларда бўлинади.

Ҳомуза ҳосил қилувчи механизмларни тузилишига қараб, тўкув дастгоҳлари **кулачокли, кареткали ва жаккардли** дастгоҳларга бўлинади. Кулачокли ҳомуза ҳосил қилувчи механизмли дастгоҳларда асосан оддий ўрилишли (полотно, саржа, сатин ва х.к.з) тўқималар тўқиши мумкин. Кареткали дастгоҳларда эса 12-48 тагача шодалар мавжуд бўлиб, шуларга мос тўқималар ишлаб чиқариш мумкин. Жаккард машинали дастгоҳларда эса ҳар қандай нақшли (гулли) тўқималар олиш мумкин.

Батан механизмининг тузулишига қараб дастгоҳлар **умумий, секцияли, нуқтали, ротацион ва тебранма арқоқ жисплаштириш** механизмили дастгоҳларга бўлинади.

Зарб механизмининг тузилишига қараб дастгоҳлар **кетма-кет ва ихтиёрий зарбли** дастгоҳларга бўлинади.

Бир вақтда ишлатиладиган арқоқларга қараб дастгоҳлар **бир рангли ва кўп рангли** дастгоҳларга бўлинади. Кўп рангли арқоқ алмаштириш механизмини қўллаш, тўқима турларини кўпайтиришга имкон беради.

Тўқимадаги ипларни турига қараб **пахта, жун, ипак, зифир, метал, шиша ва бошқа** тўқималарни ишлаб чиқаришга мослашган тўкув дастгоҳлари ишлаб чиқарилади. Айрим ривожланган фирмалар кўплаб барча турдаги иплардан тўқима олиш имкониятига эга универсал тўкув дастгоҳларини ишлаб чиқармоқда.

Ишлаб чиқарилган тўқимадан фойдаланишга қараб дастгоҳлар **оддий ва маҳсус тўқима** ишлаб чиқарувчи дастгоҳларга бўлинади.

Ишлаб чиқарилаётган тўқимани энига қараб дастгоҳлар **энсиж ва энли** дастгоҳларга бўлинади, лекин бу шартли кўрсаткич бўлиб, ҳозирда максимал тахтлаш эни 2 метрдан ортиқ бўлган дастгоҳлар энли дастгоҳлар деб қабул қилинган.

Тўқима қандай тўкув дастгоҳида иҳлаб чиқарилишидан қатъий назар, унда қуйидаги бешта амал бажарилади:

- танда ипини узатиш ва уни тахтлаш таранглигини ҳосил қилиш;


¹⁰ Sabit Adanur. Handbuk of weaving. Boca Raton London New York Washigton/ D.C. 2001 (6-7 pg)

- ипларнинг икки қисмга ажратиб, биринчи қисмини юқорига кўтариш, иккинчи қисмини пастга тушириш билан ҳомузда ҳосил қилиш;
- ҳосил қилинган ҳомузага арқоқ ипини ташлаш;
- ҳомузадаги арқоқ ипини тўқима четига жипслаштириш ва тўқима элементини ҳосил қилиш;
- тўқимани тортиш ва унда керакли арқоқ бўйича зичликни таъминлаш.

Юқоридаги бешта амални бажариш учун тўқув дастгоҳларига қўйидаги механизmlар ўрнатилган; ҳомузда ҳосил қилувчи механизmlар, зарб ва арқоқ ипи ташлаш механизmlари, батан ва арқоқ ипини жипслаштирувчи механизmlар, тўқима ростлагичлари, танды ростлагичлари (2.4-расм).

Бу механизmlарни ишлаши, уларнинг созлиги, ишлаб чиқарилаётган тўқимани тузилишига, сифатига, узуклар сонига, дастгоҳ ва меҳнат унумдорлигига бевосита таъсир этиб, уларни аниқловчи асосий шартлардан ҳисобланади. Шунинг учун механизmlар кўп ўрганилади ва дастгоҳлар устида тинимсиз ишлар олиб борилади.

Юқоридаги асосий механизmlардан ташқари тўқув дастгоҳларига огохлантирувчи, арқоқ ипини автомат алмаштирувчи ва бошқа ёрдамчи механизmlар ҳам ўрнатилади. Замонавий тўқув дастгоҳларида бу механизmlарни ишлашини бошқариш учун микропроцессорлардан фойдаланилиб, уларга хизмат кўрсатиш тобора камайиб бормоқда. Микропроцессорлардан тўқув дастгоҳларида фойдаланиш уларнинг аниқ ишлашини таъминлайди¹¹.



2.4-расм. Тўқув дастгохини технологик кўриниши

2.2. Тўқув дастгохларини ишлаб чиқарувчи хорижий фирмалар

Тўқув дастгохлари кўплаб давлатларда ишлаб чиқарилади. Қўйида замонавий тўқув дастгохларини ишлаб чиқарувчи етакчи фирмаларни айримлари келтирилган (2.1-жадвал).

2.1-жадвал

Замонавий тўқув дастгохларини ишлаб чиқарувчи етакчи фирмалар

¹¹Sabit Adanur. Handbuk of weaving. Boca Raton London New York Washivgton/ D.C. 2001 (122 pg)

Ишлаб чиқарувчи фирмалар	
Пневматик тўқув дастгохларини ишлаб чиқарувчилар	Рапирали тўқув дастгохларини ишлаб чиқарувчилар
Зульцер (Швейцария) Цудакома (Япония) Picanol (Бельгия) Тойота (Япония) Дорниер (Германия) Сомет (Италия) Trusrein (Чехия) Гунне (Германия) МюллерAG (Швейцария) Vauple (Германия)	Дорниер (Германия) Сомет (Италия) Picanol (Бельгия) Зульцер (Швейцария) Ваматес Рапирали (Италия) Ваматес Негатив Рапирали (Италия) Panter Негатив Рапирали (Италия) Якоб Мюллер (Швейцария) SapaTextil (Испания) Panter (Италия) ICBTVaupel (Германия) СТМ (Хитой)
Гидравлик тўқув дастгохларини ишлаб чиқарувчилар	Митти мокили тўқув дастгохларини ишлаб чиқарувчилар
Цудакома (Япония) Тойота (Япония)	Зульцер (Швейцария) СТБ (Россия)

Замонавийтўқувдастгоҳларининг юқорисифати қуидаги омиллар билан таъминланади:

- юқори универсаллиги,
- яънитурлихилтўқималари шлабчиқаришим кониятларини кенглиги;
- юқори тезликда ишончли ишлаши;
- ишлаб чиқарилган тўқима сифатининг юқорилиги;
- дастгоҳ тўхташлари сонининг камлиги ва бартараф этишдаги кам меҳнат сарфи;

Дастгоҳларнинг универсаллиги пахта, жун, ипак, сунъий ва синтетик ҳамда аралашмали иплардан тўқима ишлаб чиқариш имконини яратади.

Дастгоҳларда оғирлиги юқори бўлган қуидаги тўқималарни ишлаб чиқариш мумкин: кийимбоп жунли тўқималар, енгил ва зичлиги юқори ип газламалар, зифир, синтетик ва аралаш ипли ва бошқа тўқималар.

Дастгоҳларнинг кенг ассортимент имкониятлари қуидаги кўрсатгичлар билан таъминланади:

- оригинал кинематик ва динамикли тиф юритмаси;
- арқоқ ипини ташлаш механизмининг конструкцияси;
- ишчи эни қамровини катталиги;
- арқоқ ипини рангини эркин раппортида ажратувчи танлагич ва 12 шодали ҳомуза ҳосил қилиш механизмининг ўрнатилиши;
- 20 шодали позитив электрон шода қўтариш кареткаси;

– электрон ёки механик бошқарувчи жаккард машинаси.

Максимал тезликда ҳам дастгоҳлар ишининг юқори ишончилигини намоён этади.

Дастгоҳларнинг ишининг ишончлиги, унинг тезлигини ошиши билан қўйидагилар билан таъминланади.

- детал ва механизмларини юқори аниқликда тайёрланганлиги;
- энг янги технологиялар ва композицион материалларнинг қўлланиши;
- 4 бўғинли рапира юритмасини қўлланиши ва кулачок ва аксилкулачоклардан ҳаракат олувчи енгиллаштирилган батан механизми;
- дастгоҳ юритмаси ва тормози асосий механизмларини муккамал кинематика ва динамикаси;
- қисқичлар ўлчами ва конфигурациясини оптималлиги;
- ранг ажратиш танлагичида арқоқ иплари орасидаги масофанинг катталаштирилганлиги, дастгоҳнинг чўян асослардан иборатлиги.

Юқори сифатли тўқимани ишлаб чиқариш қўйидагилар билан таъминланади:

- ўзгарувчан токли двигателнинг юритмасини электро механик муфта ва дастгоҳни 0,1 секда тўхтатувчи ва тезлигини оширишни таъминловчи дастгоҳ тормозининг қўлланиши;
- танда узатувчи реверсив турдаги электрон ростлагичларнинг қўлланиши, бу ростлагичлар танда ипининг таранглигини бир ҳилда ушлаб туради;
- йўқолган арқоқ или ӯрнини ҳомузада топиш механизмлари;
- электрон тўқима ростлагичлари;
- соҳта милк ҳосил қилувчи механизмлар;
- оптимал конструкцияли арқоқ ипини жипслаш механизмлари;
- такомиллашган ҳомуза шакли ва скало ҳолатини ростлашнинг катта имкониятларининг мавжудлиги;

Дастгоҳ ишлаётганида ва қайта тахтланганида қисқа муддатга тўхтаб туриш қўйидагилар билан таъминланади:

- механизмлар омилларининг юқори барқарорлиги;
- дастгоҳларни тузатиш ва уни муқобиллаштириш омилларини назорат қилувчи электрон тизими;
- тўқима энининг осон ростлаш;
- берилган ўрилишили тўқиманинг ишлаб чиқариш ва арқоқ рангларини танлаб берувчи процессорда яхлитловчи электрон тизими;
- тўқима ўрамига қараб микропроцессорлар томонидан назорат қилувчи арқоқ или узилган ҳомузани автоматик топиш қурилмаси;
- тўқима рулони диаметри катталиги ва уни дастгоҳ ишлаб турганида ечиб олиш;
- рулонни жойловчи ромларини қўллаш имконияти;
- юқори такомиллашган, иплар узуқларни бартараф этиш вақтини камайтирувчи танда кузатиш қурилмаси;

- дастгоҳнинг ишчи тезлиги, ишлаб чиқариладиган тўқима, узуқлар ва бошқа кўрсаткичлар ҳақида маълумотлар берувчи микропроцессорлар ёрдамида электрон бошқариш марказини қўлланиши.

Тўқимачилик корхоналаридағи энсиз ва паст унумли тўкув дастгоҳлари ўрнини замонавий энли дастгоҳлар эгалламоқда.

Хозирда дунё буйича тўқимачилик машиналари янгиликлари 3 та асосий кўргазмаларда намойиш этилади:

ITMA (ХТМК-халқаро тўқимачилик машиналари кўргазмаси)-ҳар 4 йилда Европада ўтказилади.

ATME-I (Америка тўқимачилик машиналари кўргазмаси) - ҳар 4 йилда АҚШда ўтказилади.

ОТЕMAS (Осиё тўқимачилик машиналари кўргазмаси (шоуси) - ҳар 3 йилда Японияда ўтказилади.

Шунингдек ҳар йили Истанбулда турли ташкилотлар томонидан тўқимачилик машиналари кўргазмаси ташкил этилади.

3.3. Замонавий Жаккард машиналари

Танда ва арқоқ бўйича ўрилиш раппорти катта бўлган йирик нақшли тўқималар ишлаб чиқаришда **жаккард машиналари**дан фойдаланилади. Жаккард машиналарини шодали хомуза ҳосил қилиш механизмларидан асосий фарқи, уларда нафақатгина бир гуруҳ танда иплари, аксинча ҳар бир танда ипи индивидуал, яъни алоҳида қўтарилиб-туширилади ва бошқарилади.

Йирик нақшли тўқималар жаккард машиналари яратиласдан олдин ҳам ишлаб чиқарилган. Бироқ бундай йирик нақшли тўқималарни ишлаб чиқариш тўкув дастгоҳида жуда мураккаб кечган. Ҳар бир тўкув дастгоҳида - бта ишчи ишлаб, улар канвой қоғозидаги расм бўйича керакли аркат шнурларини қўтаришган. Ҳар бири 400-500 аркат шнурига хизмат қилган.

Жаккард машиналари 1805- йили Франциялик тўкувчи Жозеф Мари Жаккард (Joseph Marie Jacquard, 1752-1834) томонидан ихтиро этилганлиги учун унинг номи билан юритилади.

Жаккард машинасини ихтиро қилиниши тўкувчилик соҳасидаги катта эволюцион ютуқ бўлиб, нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш унумдорлигини ортиши билан балки ҳар бир дастгоҳдан 4-5 та ишчини озод этилиши биан ҳам катта иқтисодий самара берган.

Жаккард машиналари тузилиши бўйича кўп қисмлардан иборат ва анча мураккаб бўлганлиги учун кулачокли хомуза ҳосил қилиш механизми (ХХКМ) ва шода қўтариш кареткаларига (ШШК) нисбатан қиммат, тўқима юзасидаги хатоликлар бўлиш эҳтимоли эса кўпроқ бўлади.

Жаккард машиналари ёрдамида дастурхонлар, гобеленлар, гиламлар, кийимбоп ва мебельбоп тўқималар, ажурли чойшаблар, одеяллар, халқали сочиқлар, ҳар хил расмли тўқималар, ва бошқа тўқималар ишлаб чиқариш имконияти мавжуд бўлиб, машиналарни ушбу тўқималарни ишлаб чиқарувчи тўкув дастгохларга мослаб ишлаб чиқарилади.

Жаккард машиналарда танда ипларини назорат қилиш даражаси жуда юқори бўлишлиги талаб этилади. Бундай талаб қуилишига сабаб, ҳар бир танда ипини индивидуал, ёки тўкима эни бўйича ўрилиш раппорти ичидаги бир гурӯх танда ипларини бир хил нақш ҳосил қилишидадир. Бу эса жаккард машинаси ёрдамида мураккаб нақшли ўрилишлар олиш имкониятини беради, яни тўкима юзасида ҳар хил расмлар, портретлар ҳосил қилиш мумкин (2.5-расм).

Барча жаккард машиналари ишлаш принципи бўйича 2 турга бўлинади:

1. Анъянавий (традицион) жаккард машиналари
2. Ноанъянавий жаккард машиналари

Анъянавий жаккард машиналари қуидагига тавсифланади:

1. Механик ёки электронли
2. Кўтариш сони бўйича:
 - а) бир кўтаримли
 - б) икки кутаримли
3. Игналар орасидаги масофа бўйича:
 - а) йирик қадамли - 6,82x6,82 мм ёки 5,77x5,11 (Инглиз қадами)
 - б) ўрта қадамли - 4,0x4,0 мм
 - в) майда қадамли - 3,0x3,0 мм
4. Ҳосил қилинаётган хомузани тури бўйича:
 - а) очик
 - б) ёпиқ
 - в) ярим очик
5. Ҳосил қилинаётган хомузани шакли бўйича:
 - а) тўлик
 - б) юқори ярим тўлик



2.5-расм. Жаккард машинасида хомуза ва нақш ҳосил қилиш.

Ноанъанавий жаккард машиналари хозирда замонавий ҳисобланади, уларни тузилиши ва ишлаш принципи традицион машиналардан фарқ қилиб, қуидаги машиналар киради:

1. Штойбли фирмасининг "INIVAL 100"
2. Кросс фирмасининг "UNISHED" жаккард машиналари.

Биринчи бор бу янги турдаги жаккард машиналрини ITMA-99 күргазмасида намойиш этилган. Бу икки машиналар умумий йўналий машина қисмларини камайтириш ва дастгохга жаккард столисиз ўрнатиш. Традицион жаккард машиналарида жаккард машинаси тўкув дастгохидан 1,5-3 м юқорига махсус столга ўрнатилади. Танда ипларини эса узун аркат шнурлари орқали қўтариб туширилади (2.39-расм). Ноанъанавий жаккард машиналари эса дастгохга тўғридан-тўғри ўрнатилади (2.40-расм). Бу машиналарни эндиғина намуна варианти яратилган бўлсада, ихтиро муаллифларини таъкидлашича, янги авлод жаккард машиналари ва технологиясини ривожлантириш натижасида жаккард тўқималарини ишлаб чиқариш нархини оддий тўқималарни ишлаб чиқариш нархига яқинлаштириш ва тенглаштиришdir. Маълумки хозирда жаккард тўқималарини ишлаб чиқариш таннархи бошқа тўқималарга нисбатан анча юқори.


GrosseUnished жаккард машинасини ўлчами, танда ипларини индивидуал бошқариш тизими машинада гулаларни (галева) тўғридан-тўғри машинага боғланганлиги сабабли машина дастгохга ўрнатилади. Бундай ўрнатиш ҳисобига машинада аркат шнурлар, магнитлар, илгаклар, роликлар, пружиналар ишлатилмайди, яни улардан фойдаланилмайди, натижада машинани таҳтлашга, цехда микроклимат тизимиға бўлган харажатларни камайишига олиб келинади. Жаккард машинаси тўғри дастгохга ўрнатилиши эндиликда ассортимент ва ўрилиш турини ўзгартиришда "Тез алмаштириш усули"дан (QuickStyleChange (QSC)) фойдаланиш имкониятини беради.

Unished жаккард машинаси DornierLWV6/J пневматик тўкув дастгохига ўрнатилиб, дастгоҳда пахта/полистер ипларидан ғилофли тўқима ишлаб чиқаришда дастгоҳ 800 арқок/мин (1136 м/мин) тезлик билан эни 150 см бўлган тўқимани ишлаб чиқариши намойиш этилган (2.6-расм).




2.6-расм. GrosséUnished жаккард машинаси

GrosseUnished жаккард машинаси замонавий электрон ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, хомуза ҳосил қилиш принципи ҳам юқори тезликка мослашган янги усулда амалга оширилади (2.7-расм).



2.7-расм. Unished жаккард машинасида хомуза ҳосил қилиш принципи Staubli INIVAL 100 жаккард машинаси

INIVAL 100 жаккард машинасида ҳар бир танда ипини индивидуал қадамли электродвигатель билан бошқарилишига эришилган. Машинада аркат шнурларини бошқариш электронли бўлиб, тўқимага нақш бериш бошқа электронли жаккард машиналаридағи каби традицион усулда амалга оширилади. Машинани ўлчами(машина эни дастгохи тиф бўйича энига teng) ва ҳар бир танда ипини индивидуал қадамли электродвигатель билан бошқариш аркат шнурларини тик йўналишда ўрнатилишига эришилган. Яратилган INIVAL 100 жаккард машинасини бундай тузилиши илгаклар, пичоқлар, магнитлар, роликларни бўлмаслигини таъминлаб, ҳар бир аркат шнури ёки гула тўғридан-тўғри қадамли электродвигательга боғланган (2.8-расм).



2.8-расм. StaubliINIVAL 100 жаккард машинаси

INIVAL 100 жаккард машинаси PicanolOMNIplus-6-J 250 пневматик тўқув дастгохига ўрнатилиб, дастгохга зичлиги юқори бўлган матрас тўқимаси тахтланган. Тўқима эни 2,2 метр бўлиб, дастгох тезлиги 950

арқок/мин (2090 м/мин), танда ипларини сони 7100 та бўлган ва уларни 7100 та қадамли электродвигателлар бошқаради.

Жаккард машиналарини белгиловчи асосий қўрсатгичлардан бири бу уларнинг қувватидир. Қувват кўрсатгичи машинага ўрнатилган илгаклар ёки иғналар сони билан аниқланади. Мисол учун жаккард машинасини қуввати 600 бўлса, машинада горизонтал 12 игна қатори ва ҳар бир қаторда 50 тадан игна борлигини билдиради, яъни $600 \times 12 \times 50$ бўлади. Бундан ташқари яна бир нечта қўшимча иғналар ҳам бўлади. Одатда ҳар бир илгакка 150 грдан куч тўғри келади, лекин ишлаш жараёнидаги дастгох тезлиги ҳисобига илгакларга тушадиган куч 1,2кг гача етади. 2.2 ва 2.3-жадвалларда Англия ва Овропа стандартлари бўйича жаккард машиналарини қувватлари келтирилган¹².

2.2-жадвал

Йирик қадамли Жаккард машиналарини қуввати (Англия стандарти бўйича)

Машина қуввати	Илгаклар сони (калта қаторда)	Илгаклар сони (узун қаторда)	Умумий илгаклар сони
100	26	4	104
200	26	8	208
300	38	8	304
400	51	8	408
500	51	10	510
600	51	12	612
900	77	12	924

2.3-жадвал

Майда қадамли Жаккард машиналарини қуввати (Овропа стандарти бўйича)

Машина қуввати	Илгаклар сони (калта қаторда)	Илгаклар сони (узун қаторда)	Умумий илгаклар сони
448	16	28	448
896	16	56	896
1344	16	84	1344
1792	16	112	1792

Турли хил қувватдаги Жаккард машиналарини кўтариш қисмлари 2.9-расмда келтирилган.

Жаккард машиналарини ташкил этувчи асосий механизмлари

Барча жаккард машиналари асосан 3 та механизмдан ташкил топади.

1.Юритувчи

2. Бошқариш (танлаш) механизми

3. Кўтариш механизми.

Жаккард машинасини юритувчиси тўқув дастгохига боғланган бўлиб, харакатни ундан бевосита узатиш валлари, занжирли узатма (Ж-13


¹²Sabit Adanur. Handbuk of weaving. Boca Raton London New York Washivgton/ D.C. 2001 (165-180 pg)

машинасида) ва бошқа узатмалар ёрдамида харакатга келтирилади. Пичоқлар харакатланиши бутун системани ишлашини таъминлайди.

Бошқариш (танлаш) механизми игналар, пружиналар, картон барабани ва чексиз узунликдаги қофозли перфокарталардан ташкил топади.

Кўтариш механизми илгаклар, ром шнури, аркат шнури, гулалар, юклар пружина ёки эластомер). Штоубли жаккард машинасини асосий қисмларини кўриниши 2.10-расмда келтирилган.


Асосан жаккард машиналарида турли хил ричаглар ўрнатилиб, улар ёрдамида асосий валдан пичоқларга харакат узатилади. Назорат механизми орқали пичоқлар харакати бошқарилади. Пичоқлар эса тўқима ўрилишига мос равишда илгакларни кўтариб-тушириб керакли хомузани ҳосил қиласди.




2.9-расм. Ҳар хил қувватдаги жаккард машиналари

Бир қўтаримли, бир призмали механик жаккард машинаси

Машина бир қўтаримли, бир призмали бўлиб, ҳар бир игна биттадан илгак билан боғланган. Машинада 8 та игна қатори бўлиб, ҳар бир қаторда эса 50 тадан илгак ўрнатилган. Шундан келиб чиқиб машина қуввати 400га teng, яъни 400x8x50. Машинага 400 та игна ва 400 та илгаклар ўрнатилган (2.11-расм).




2.11-расм. Бир кўтаримли, бир призмали жаккард машинаси.



2.10-расм Штоубли жаккард машинасини кўриниши

2.12-расмда икки кўтаримли, бир цилиндрли жаккард машинасини кўриниши келтирилган. Бу машиналар тезлиги юқори бўлган рапириали, митти мокили ва пневматик тўкув дастгохларига ўрнатилади. Машинада арқоқ бўйича раппорти 9000 тагача бўлган нақшлар олиш имконияти мавжуд.



2.12-расм. Икки кўтаримли, бир цилиндрли жаккард машинасини кўриниши


Ҳозирда жаккард машиналарига бўлган талаб кундан-кунга ўсиб бормоқда. Шунинг учун кўплаб чет эл фирмаларида турли хил жаккард машиналари ишлаб чиқарилмоқда. Бельгиядаги машхур “Мишель Ванде Виль” фирмаси икки томонли гилам тўқиши дастгохи (рапириали ALD 62 тўқув дастгохи) учун шарқ гилам ва шолчаларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий ҳамда ўта юқори сифатли жаккард машинасини ишлаб чиқармоқда.

“Цанс” (Германия) фирмаси икки кўтаримли 1344 та илгакли, майдада тешикли жаккард машинасини, “Гросс” (Германия) фирмаси эса нақшларни электрон узатувчи ва бошқариш системаси электромагнитли бўлган (махсус ишланган магнитли кассета-диск илгакларни тўғри кўтарилишини бошқаради) жаккард машинасини, Франциянинг “Staubli-Berdol” фирмаси эса очик хомуза ҳосил қилувчи СК 520 моделли (тезлиги 450 мин^{-1} гача) жаккард машиналарини (2.13-расм) ишлаб чиқармоқда ва улар дунё тўқимачилик саноати корхоналарида кенг фойдаланилмоқда.



2.13-расм Staubli фирмасининг CX 870 жаккард машинаси

2.14-расмда икки кўтаримли Staubli жаккард машинасининг бошқариш механизми келтирилган.



a)

б)


2.14-расм. Икки күтаримли Staubli жаккард машинасининг бошқариш механизми

а)-бошқариш механизмини ишлаш ҳолатлари;

б- бошқариш механизмини умумий технологик чизмаси.


1-роликлар, 2,4- шнур, 3-күзча, 5,5ъ-юқориги илгак, 6,6ъ-пастки илгак, 7,8-пичоқ, 9,9ъ-илмоқ, 10,10ъ-электромагнит, 11,11ъ-пружина, 12-эластик резина, 13, 13ъ-контакт.

Машинани вазифаси танда ипларини күтариб-тушириш ҳисобига хомуза ҳосил қилишдир. Шунингдек танда ипларини белгиланган тартиб бўйича күтариб-тушириш билан эса керакли ўрилиш тури ҳосил қилинади. Электрон жаккард машиналарида керакли ўрилиш тури дастур бўйича бошқарилиб, ҳар бир ўрилиш учун алоҳида дастур тузилади. Механизмда асосий элемент электромагнит 10, 10ъ бўлиб, унга ўрилиш бўйича керакли сигнал берилади. Электромагнитларга тўқима ўрилиши бўйича керакли қопламаларни (танда ёки арқоқ) ҳосил қилиш бўйича сигнал келгач, улар контактларни 13, 13ъ тортиб, илмоқларни юқориги илгаклар 5, 5ъ йўлига тўғрилаб қўяди. Илгаклар 5, 5ъ пичоқлар 7, 8 ёрдамида тик йўналишда харакат қилишади. Агар электромагнитга ток берилса, у контактни тортади ва илмоқ илгак йўлинни бўшатиб, уни юқорига ўтказиб юборади, иккинчи пичноқ харакатида илмоқка илгак илиниб қолади ва танда ипи күтарилади ва юқори хомуза ҳосил қилинади. Юқорида келтирилган барча деталлар (14-расм) машинада модулига (2.15-расм) жойлаштирилган бўлади ва унга аркат шнурлари уланади.




2.15-расм. Жаккард машинасининг модули

2.16-расмда Жаккард машинасида модулларни жойланиши (уланиши) кўрсатилган. Модуллар сони машина қувватига боғлиқ бўлиб, улар тез ва осон алмаштирилади.




2.16-расм. Жаккард машинасида модулларни жойланиши

2.17-расмда жаккард машинасининг тақсимловчи тахтачалари кўрастилган. Тахталар жаккард машинасининг қадамига қараб ҳар хил бўлади.



2.17-расм. Жаккард машинасининг тақсимловчи тахтаси

Жаккард машиналарини турига, тўқилаётган тўқима ўрилишига қараб, аркат шнурлари 2000-38000 тагача бўлиши мумкин. Илгаклар эса 72-14336 тагача ўрнатилиши мумкин. 2.18-расмда жаккард машиналарида фойдаланиладиган гулаларни турлари кўрсатилган. Гулалар танда ипини чизиқли зичлиги, уларни сони каби омилларга қараб танланади.



2.18-расм. Гулалар турлари

Замонавий жаккард машиналарида танда ипларини пастга тушириш учун уч хил элементлардан фойдаланилади:


- юклар;
- эластик шнурлар;
- пружиналар (ҳар хил кучлар учун). 2.19-расмда танда ипларини пастга тушириш элементлари кўрсатилган.



2.19-расм. Танда ипларини пастга тусириш элементлари

Танда ипларини пастга тортиш кучи түқимани танда бүйича зичлиги, таранглик кучи, дастгох тезлиги каби омилларга боғлиқ бўлади ва уларга қараб танланади.

Жаккард машиналарида ишлаб чиқариладиган түқимани ўрилиши асосида картон тайёрланади. Картон тайёрлаш учун махсус картон тайёрлаш машиналаридан фойдаланилади. Куйида картон тайёрлаш босқичлари кўрсатилган (2.20-расм).



2.20-расм. Картон тайёрлаш босқичлари ва машинаси

Электрон бошқарувли жаккард машиналарида түқимани ўрилиши компьютер ёрдамида тайёрланади. Жаккард машинасини турига қараб турли дастурлардан фойдаланилади. Ҳозирда автоматик лойиҳалаш тизими (АЛТ) кенг қўлланилмоқда (2.21-расм).



2.21- расм. Автоматик лойиҳалаш тизими

Автоматик лойиҳалаш тизими лойиҳаланаётан тўқимани компьютер ёрдамида имитация қилиш (Моделлаштириш), тўқимани аввалдан кўриш, текшириш, хатоларини тўғрилаш каби амалларни бажариш имкониятини беради. Бунинг учун жаккард машинаси ва тўқув дастгохи турига қараб, маҳсус дастур (CAD/JWin, JacqCADmaster, Weave, ArahPaint ва х.к.з) билан таъминланади.

Лойиҳаланаётан тўқимани компьютер ёрдамида имитация қилиш қуйидаги афзаликларни беради:

- тўқимани дастгоҳда тўқихдан олдин кўриш мумкин;
- тўқима тузилиши, ипларни чизиқли зичлиги ва тури каби турли кўрсатгичларни дархол ўзгартириш мумкин;
- тўқимани имитацион кўринишини қофозга тушириб, харидорга маъқуллаш учун жўннатиш мумкин;
- амалдаги тўқувчиликка хос эмас;
- моделлаштирилган тўқима нақшини сақлаб қуиши мумкин.

Замонавий электрон бошқарувли жаккард машиналари механик машиналарга нисбатан бир неча афзаликларга эга.

- қўлланиши- мокисиз тўқув дастгоҳларида;
- тезлиги юқори;
- нақш турини тез ва осон ўзгартириш;
- нақшни тузатиш (корректировка) қилиш имконияти мавжуд;
- машина хотирасида кўплаб нақшларни сақлаш имконияти мавжуд;
- машина қуввати – 15000 ингнагача (максимум).

Замонавий жаккард машиналари нисбатан қиммат. Хозирда дунё тўқувчилигига Staubli, Bonas, Muller, Fimtextile, VanDeVille, Витеқ, Текстима каби жаккард машиналари кенг кўламда ишлатилмоқда.

2.5-жадвалда кўлда ва автоматик лойиҳалаш тизими орқали тўқима нақшини тайёрлашдаги қиёсий тавсифи келтирилган.

2.5-жадвал

Лойиҳалаш тизимларини қиёсий тавсифи

ҚҰЛДА (Традицион)	АЛТ (САПР)
<p>Малакали ишчи кучи талаб этилади.</p> <p>Кам маблағ сарфланади.</p> <p>Күп вақт талаб этилади.</p> <p>Тайёрланган нақш хатосини тұғрилаб бўлмайди.</p> <p>Тайёр нақшни саклаш қийин ва кўп жой олади.</p> <p>Кўп хато бўлиш эхтимоли бор.</p> <p>Нақш эффекти тўқувчилик жараёнидан кейингина билинади.</p>	<p>Малакали ишчи кучи талаб этилмайди.</p> <p>Кўп маблағ сарфланади .</p> <p>Кўп вақт талаб этилмайди.</p> <p>Тайёрланаётган нақш хатосини жойида тўғрилаш мумкин .</p> <p>Тайёр нақшни саклаш осон ва кўп жой олмайди.</p> <p>Хато бўлмайди .</p> <p>7. Нақш эффекти тўқувчилик жараёнидан олдин билинади(моделлаштириш хисобига).</p>

Фойдаланилган адабиётлар:

1. David Y. Spenser. Comprahansive handbook of knitting technology. 2001.
2. Ryszard M. Kozlowski “Handbook of natural fibres” Volume 2: Processing and applications. Woodhead Publishing Series in Textiles: Number 119. © Woodhead Publishing Limited, 2012
3. М.Muqimov. Trikotaj texnologiyasi T:2012

4-Маъруза:Кўп хомузали тўқув дастгохлари

Режа:

4.1.Кўп хомузали тўқув дастгохлари

4.2.Кўп фазали тўқув дастгохларини ишлаш принципи

4.3.Sulzer Textil M8300 кўп фазали тўқув дастгоҳи

4.4.Айланы тўқув дастгохлари

Таянч ибоаралар: Тўқима шакллантирувчи барабан, хомуза, мокили дастгохлари, мокисиз тўқув дастгохлари, Кўпфазали тўқув дастгохлари, арқоқ, рапира, митти мокили.

4.1.Кўп хомузали тўқув дастгохлари

Кўп хомузали тўқув дастгохлари тўқувчилик технологиясидаги илмий техникавий ютуқларнинг натижаларидан бири ҳисобланади. Ҳозирда кўп хомузали тўқув дастгохлари ишлаб чиқариш синовларидан ўтмоқда. Дастгоҳ жуда юқори унумдорликка эга бўлиб, эксплуатацион сарф-харажатлари юқори, хизмат кўрсатувчи персоналлар камлиги билан ажралиб туради. Ҳозирча дастгоҳда фақат полотно ўрилишидаги оддий тўқималар ишлаб чиқарилмоқда. Sulzer Textil компанияси кўп хомузали тўқув дастгохлари ишлаб чиқаришда ягона ишлаб чиқарувчи ҳисобланади.


Мокили тўқув дастгохлари тўқув дастгохларининг биринчи авлоди ҳисобланади. Мокили тўқув дастгохлари ҳам бир неча этапларда ривожлана борди, яъни кўл дастгоҳи, механик дастгоҳи ва автоматик тўқув дастгохлари яратилиб борилди. Кўл дастгоҳида барча технологик амаллар қўлда бажарилган, фақат хомуза ҳосил қилиш оёқ ёрдамида бажарилган. Механик тўқув дастгохларида арқоқ туфтаги қўлда алмаштирилган бўлса, автоматик дастгохлар яратилгандан сўнг асосий технологик амаллар автоматик равишда бажарила борилди.

Ишлаб чиқариш унумдорлиги нормасини чегаралангандиги мокили дастгохларни ўрнини мокисиз дастгохлар эгаллай бошлади. Мокисиз тўқув дастгохлари иккинчи авлод дастгохлари ҳисобланади. Эндиликда иккинчи авлод дастгохлари митти мокили, пневматик, рапирали, гидравлик тўқув дастгохларида арқоқ ташлаш тезлиги ўзининг турғунлик нуқтаси бўлган 2000 м/мин атрофига етди. Тезликда янада қўпроқ ошира олмасликнинг асосий сабаби иккинчи авлод дастгохларининг барчаси бир фазали эканлигидадир. Маълумки тўқима ҳосил бўлиш жараённада дастгохнинг бир ишчи циклида бир марта ҳомуза ҳосил бўлади, бир марта арқоқ ипни ташланади ва бир марта жипслаштириш жараёни амалга оширилади. Ҳар бир жараён амалга ошгунга қадар бошқа тенологик жараёнлар турғунлик даврида (тўхтаб туради) бўлади, шунинг учун ҳам бу дастгохлар бир фазали дейилади. Бир фазали дастгохларда (мокили ва мокисиз дастгохларда) ҳомуза ҳосил қилиш ва арқоқ ипни ташлаш учун нисбатан катта массали механизмнинг харакатланиши туфайли дастгоҳда титраш пайдо бўлади ва бу эса ипларни ортиқча зўриқишига олиб келади, бальзи ҳолларда эса физиковий жиҳатдан чегаралангандиги ипга

бериладиган кескин тезланиш ва сўнгра уни тормозлаб тўхтатиш жараёнларида арқоқ ипига катта чи таъсир этади. Арқоқ ташлаш тезлиги қарайиб 70 м/с (250 км/с) ни ташкил этиши арқоқ ташловчи (митти моки, рапира, ҳаво ёки сув босими) элементларни ҳам тормозлаб тўхтатиш учун катта куч сарфланади ва бу ўз ўрнида тезликни янада ошириш имкониятини чегаралаб қўяди.

Тўқима ишлаб чиқариш унумдорлигини янада ошириш янги технологияларни талаб этиб, кўпфазали тўқув дастгохларини яратишни тақоза қилди. Кўпфазали тўқув дастгохларида дастгохнинг ишчи циклида бир неча хомуза ҳосил қилиниб, бир неча арқоқ ипи бир вақтда хомузага ташланади (2.22-расм). Кўпфазали тўқув дастгохларида бир неча хомуза бир вақтда ҳосил бўлганлиги сабабли уларни **кўп хомузали тўқув дастгохлари** ҳам деб аталади.

Кўп фазали тўқув дастгохларини ишлаш принципи бир фазали тўқув дастгохларидан тубдан фарқ қиласди, чунки бир фазали дастгохларда тўқима ҳосил бўлишидаги 5та жараён кетма-кет бажарилади (2.22а-расм). Шунинг учун кўпфазали тўқув дастгохларини тўқув дастгохларини учинчи авлоди дейиш мумкин.



2.22-расм. Бир (а) ва кўп (б) фазали тўқув дастгохларида хомуза ҳосил қилиши принципи

4.2.Кўп фазали тўқув дастгохларини ишлаш принципи

Кўпфазали тўқув дастгохларида тўқима икки йўналишда ҳосил бўлади:

1. Танда йўналиши бўйича. Бунда хомуза ҳосил қилиш, арқоқ ташлаш ва жипслаштириш жараёнлари дастгох бўйламаси (танда или йўналиши) буйича амалга оширилади.

2. Арқоқ йўналиши бўйича. Бунда хомуза ҳосил қилиш, арқоқ ташлаш ва жипслаштириш жараёнлари дастгохнинг кўндаланги (танда или йўналиши) буйича амалга оширилади.

Кўп хомузали тўқув дастгохларида хомузага арқоқ ипи ичидаги эркин айланувчи ғалтакка ўрнатилган моки ёрдамида ташланади. Моки ичидаги ғалтакчага тўқима энига етарли бўлган битта арқоқ узунлигидаги ип ўралган бўлади. Моки ичидаги шунингдек, қўзғалувчан ва қўзғалмас қисқичлардан ташкил топган ип таранглагич ўрнатилган. Бир неча арқоқ ташловчилар

бирин-кетин тиғ йўналтирувчиси орқали тўқима энига етарли бўлган битта арқоқ узунлигидаги ипни бир вақтда ҳомузага ташлайди. Арқоқ или арқоқ ташлагичга доимий равишда битта арқоқ узунлигига ўраб борилади. Арқоқ ташлагичларни тезлиги ва сони ақоқ ташлаш нормасидан келиб чиқиб аниқланади. Ҳар бирарқоқ ташлагич маълум масофадан ўтгандан сўнг, ўша жой маҳсус тиғ ёрдамида жипслаштирилади ва кейингиси учун яна ҳомуза очилиб, арқоқ ташланиб, жараён узлуксиз давом этаверади.

4.3.Sulzer Textil M8300 кўп фазали тўқув дастгохи

Охирги ўн йил ичида Sulzer Textil компанияси янги кўп фазали тўқув дастгоҳини ривожлантира бориб, M8300 кўп фазали тўқув дастгоҳини яратди. M8300 кўп фазали тўқув дастгоҳида ҳаво ёрдамида 4 та арқоқ или ҳомузага бирданига ташланади. M8300 кўп фазали тўқув дастгоҳида арқоқ ташлаш тезлиги 5000 м/миндан юқори бўлиб, бир фазали пневматик тўқув дастгоҳларидағи 2000 м/минга нисбатан анчагина юқоридир (2.6-жадвал).

2.6-жадвал

Турли хил арқоқ ташлаш усулларида арқоқ ташлаш тезлиги

Арқоқ ташлаш тури	Арқоқ ташлаш тезлиги, м/мин
Мокили	150-200
Мокили (юқори тезликли)	350-500
Митти мокили	700-1500
Рапирави	700-1400
Пневматик	1500-2000
Кўп фазали	2500-5000

Парижда ўтказилган ҲТМКда (ITMA-99) SulzerTextil компанияси M8300 кўп фазали тўқув дастгоҳи тезлиги 3230 айл/мин, арқоқ ташлаш тезлиги эса 6088 м/мин билан ишлашини кўргазмада намойиш этган. Дастгохни саноатдаги ишлаш тезлиги 2800 айл/мин.

Бир фазали тўқув дастгоҳларини ичида пневматик тўқув дастгоҳларини тезлиги энг юқориси ҳисобланади. Хозирги кунгача пневматик тўқув дастгоҳларини тезлигини ошириш устида кўплаб ишланмоқда. Бугунги кунда бир фазали пневматик тўқув дастгоҳида эни 190 см бўлган оддий тўқимадан бир соатда 23 метр ишлаб чиқаради. M8300 кўп фазали тўқув дастгоҳидаги тўқима ишлаб чиқариш технологияси ҳар қандай бир фазали тўқув дастгоҳларидан, шунингдек пневматик тўқув дастгоҳлари билан солиширганда ҳам юқори кўрсатгичларга эгадир. M8300 кўп фазали тўқув дастгоҳида эни 190 см бўлган оддий тўқимадан бир соатда 69 метр ишлаб чиқаради. Узлуксиз арқоқ ташлашда тезликни 20-25 м/с (72-90 км/соат) атрофида бўлиши, ипларни қучланишини анча камайтиради. Замонавий бир фазали тўқув дастгоҳларида ҳалигача илгариланма-қайтма харакатланувчи механизмларидан фойдаланишга тўлиқ барҳам берилмаган. M8300 кўп фазали тўқув дастгоҳини ютукларидан бири дастгоҳ қисмларини

барчаси айланма харакатланувчи механизмлардан ташкил топғанлиги натижасыда дастгох унумдорлигининг юқорилигидир.

M8300 кўп фазали тўқув дастгоҳида дунё бўйича 65%гача бўлган стандарт тўқималар ишлаб чиқарилмоқда. M8300 кўп фазали тўқув дастгоҳи технологияси билан тўқима ишлаб чиқариш жараёнида арқоқ ипини йўқотиш ва тўқимада юзасида пайдо бўладиган айрим нуқсонларни бўлиши бартараф этилган. 2.23-расмда M8300 кўп фазали тўқув дастгоҳи кўрсатилган.




2.23-расм.SulzerRutiM8300 кўп фазали тўқув дастгоҳи

M8300 кўп фазали тўқув дастгоҳида хомуза қўпзвеноли схема принципида ҳосил қилинади. Хомуза ҳосил қилувчи элементлар танда ипларини юқорига ажратиб юқориги хомузани ҳосил қиласи. Эгри шакли ва айланма харакатланадиган барабанга (ротор) хомуза ҳосил қилувчи элементлар ўрнатилган бўлиб, улар хомуза ҳосил қиласи (2.24-расм). Бир неча хомуза танда ипи йўналишида бирин-кетин параллел равишда тўқимани эни бўйича очилиб, ҳар бирига бир вақтда арқоқ ипи ташланади. 4та арқоқ ипи 1250 м/мин тезлик билан бир вақтда хомузага ташланиб, умумий арқоқ ташлаш тезлиги 5000 м/мин ни ташкил этади.




2.24-расм. Тўқима шакллантирувчи барабан дискининг жипслаштирувчи ва хомузга ҳосил қилувчи элементлари



2.25-расм. Тўқима шакллантирувчи барабан

1-хомуза ҳосил қилувчи элемент, 2- жипслаштирувчи гребенка, 3-арқоқ ташлаш канали, 4-танда йўналтирувчи, 5-юқори хомуза учун танда ипи, 6-пастки хомуза учун танда ипи.

Тўқима шакллантирувчи барабан икки хил дискдан: жипслаштирувчи ва хомуза ҳосил қилувчи ва арқоқ ташлаш канали бор элементлардан ташкил топган(2.24-расм). Дисклар навбатма-навбат маълум масофада умумий валга ўрнатилиб чиқилади (2.25-расм).



2.26-расм. Пневматик арқоқ ташлаш элементини кўриниши

1-Арқоқ бобиналари, 2-арқоқ ипини ўлчаш механизми, 3-арқоқ назоратчиси, 4-тўқима шакллантирувчи барабан.

Тўқима шакллантирувчи барабандада кўйидаги элементлар мавжуд:

- хомуза ҳосил қилувчи элемент;
- жипслаштирувчи гребенка;
- арқоқ ташлаш канали;
- танда йўналтирувчи;
- юқори хомуза учун танда ипи;

– пастки хомузда учун танда ипи.

Түкүв ғалтаги ва түқима шакллантирувчи барабан орасига 2тадан 4 тагача бўлган ажратуви чивиқлар (пруток) ўрнатилган бўлиб, улардаги тешикчалардан барча танда иплари ўтказилади (2.26-расм). Чивиқлар сони түқима ўрилишини раппортига боғлиқ равишда ўрнатилади. Агар түқима полотно ўрилишида бўлса, у ҳолда 2 та чивиқ ўрнатилиб танда иплари навбатма-навбат 1-чи ва 2-чи чивиқлардан ўтказилади. Агар ўрилиш тури саржа 2/1 бўлса-3та чивиқ, саржа 3/1 бўлса-4та чивиқ ўрнатилади. Чивиқлар танда иплари йўналишига кўндаланг ўрнатилади ва илгариланма-қайтма харакатланади. Агар чивиқлар ўнг томонга силжиса, ундан ўтказилган танда иплари ҳам бирга ўша томонга силжийди ва түқима шакллантирувчи барабан соат стрелкасига қарши томонга айланиши натижасида танда иларини хомузда ҳосил қилувчи элементни 1 (26-расм) қабариқ қисми илиб олади ва харакат давомида хомузани юқориги қисми ҳосил бўлади. Агар танда чивиғи чап томонга силжиса, унда хомузда ҳосил қилувчи элементни 1 (26-расм) қабариқ қисми танда ипини илиб олмайди ва харакат давомида хомузани пастки қисми ҳосил бўлади. Арқоқ иплари ҳаво пуркагич ёрдамида хомузда ҳосил қилувчи элементни қабариқ қисмидан жойлашган каналга 3 (26-расм) ташланади. Түқима шакллантирувчи барабан харакати давомида арқоқ ипини жипслаштирувчи элемент ёрдамида түқима четига жипслаштирилади ва шунинг билан түқимани битта элементи ҳосил бўлади. Юқоридаги жараён битта арқоқ ипини ташлаш кетма-кетлиги ёритилди. Дастроҳда бирданига 4 та арқоқ ипи бир вақтда хомузага ташланади ва жараён узлуксиз давом этади.

Қуйида M8300 кўп фазали түкүв дастроҳини асосий техник характеристикаси келтирилган.

2.7-жадвал

M8300 кўп фазали түкүв дастроҳини асосий техник характеристикаси

№	Кўрсатгичлар	Бирлик	Микдор
1	Арқоқ ташлаш тезлиги	м/мин	5400 гача
		айл/мин	2800
2	Компрессордаги ҳаво босими	бар	3
3	Дастгох эни	см	190
4	Танда бўйича зичлик	ип/см	32 гача
5	Арқоқ бўйича зичлик	Танда зичлигига мос равища	
6	Ипни қайта ишлаш имконияти	Ne	10-40
7	Тўқима милки		Стандарт ўрамали
8	Тўқув ғалтагини алмаштириш вақти	мин	45
9	Тўқув ғалтаги гардиш диаметри	мм	1600
10	Тўқимани ўраш диаметри	мм	2000

Қуйида пневматик (Р7100) ва M8300 кўп фазали тўқув дастроҳлари томонидан ишлаб чиқарилган тўқимани қиёсий тавсифи келтирилган (2.8-жадвал). Жадвал тахлили шуни кўрсатадики, бир фазали ва ва кўп фазали

тўқув дастгоҳлари томонидан ишлаб чиқарилган тўқимани хусусиятлари бири-бирига яқин, бир хил деб хисоблаш мумкин. Бундан кўп фазали кўп фазали тўқув дастгоҳларида тўқима ҳосил принципи истиқболли йўналиш эканлигини кўрсатади.

Кўп фазали тўқув дастгоҳларини **афзалликлари**:

- тўқима ишлаб чиқариш нархини 30-40 % га камайтириш;
- бир фазали тўқув дастгоҳларига нисбатан унумдорликни 3-4 марта юқорилиги;
- 30-40% энергияни кам сарф этиши;
- бир фазали пневматик тўқув дастгоҳига нисбатан 60 % га кам майдон эгаллаши;
- бир фазали тўқув дастгоҳларига нисбатан шовқин даражасини камлиги, 10 db атрофида эканлиги;
- майдн бирлигига тўғри келадиган тўқима микдорини кўплиги;
- арқоқ или тезлигини 2-3 баробар камлиги;
- дастгоҳ механизмларига тушадиган динамик кучланишни камлиги (айланма харакат туфайли);

2.8-жадвал

Тўқима кўрсатгичлари

Синов кўрсатгичлари	Йўналиш	Дастгоҳ тури	
		P7100	M8300
Узилиш кучи, (N)	Танда	320	317
	Арқоқ	264	268
Узилишдаги чўзилиш, (%)	Танда	10.3	9.7
	Арқоқ	22.2	22.3
Узилишдаги қаршилик	Танда	9.9	10.7
	Арқоқ	6.4	8.0
Чоқдан узилиш кучи (N)	Танда	113	118
	Арқоқ	101	80
Ювишдаги киришиши,(%)	Танда	-1.0	-1.5
	Арқоқ	-1.2	-0.8

Камчиликлари:

- ассортимент имкониятини камлиги;
- танда или узукларини бартараф этишдаги ноқулайликлар.

Танда или узукларини камайтириш мақсадида кўп фазали тўқув дастгоҳларини ишлаб чиқарувчилари томонидан дастгоҳ ўрнатилаётган фабрикаларга замонавий тайёрлов бўлими ускуналарини (тандалаш, охорлаш машиналари) ўрнатиш тавсия этилади. Охорлаш машинаси тўқув ғалтагини

гардиш диаметри 1600 мм бўлган ғалтакка ўраш имконитига эга бўлиши керак¹³.

4.4.Бошқа турдаги кўп фазали тўқув дастгохлари

Биринчи кўп фазали тўқув дастгохи 1926 йилда Карл Муттер (Karl Mutter) томонидан яратилган бўлиб, уни саноат даражасида синовдан ўтказгунча 30 йил вақт сарфланган. Ясси кўп фазали тўқув дастгохлари пайдо бўлмасидан 25 йил олдин айлана кўп фазали тўқув дастгохлари пайдо бўлган.

1971 йили Парижда ўтказилган ХТМКда (ITMA-71) Рюти (Ruti) компанияси биринчи марта кўп фазали тўқув дастгохини намойиш этган. 1960 йиллардан бошлаб Czechs кўп фазали тўқув дастгохлари устида ишлаб, ўзининг "Контис" кўп фазали тўқув дастгохини 1975 йили Милан (Италия) шахрида ўтказилган ITMA-75 кўргазмасида, аввалроқ эса ITMA-72 (собиқ Ленинград шахри), ATME-73 (Greenville) кўргазмаларида намойиш этган. Хозиргача кўп фазали тўқув дастгохларида тўқима ҳосил бўлиш принципини икки хил йўналиш бўйича ривожлантириб, такомиллаштирилиб борилмоқда:

1. Арқоқ йўналиши бўйича хомузда шакллантириш;
- б) танда йўналиши бўйича хомузда шакллантириш.

Бу машиналарда бир нечта ҳомузага бир вақтда бир неча арқоқ иплари кетма-кет бирданига ташланади (2.27-расм).



2.27-расм. Арқоқ йўналишида кўп ҳомузани ҳосил қилиш

Ҳомузалар кетма-кет тўлқинсимон шаклида ҳосил бўлиб, ҳар бир ҳомузани ичидаги арқоқ ташлагич харакатланади. Арқоқ ташлагич ҳар бир ҳомузадан ичидан ўтгандан сўнг, ҳомузда кейинги арқоқ учун яна очилади. Натижада тўқима эни бўйича бир неча ҳомузда ҳосил бўлади ва бир нечта арқоқ ташлагич (бта) ҳар хил арқоқ ипларини ҳомузага ташлайди. Бундай ҳомузда ҳосил бўлишини тўлқинсимон ҳомузда ҳосил бўлиши принципи дейилади. Кўп ҳомузали дастгохлар икки турга бўлинади:

1. Ясси кўп ҳомузали тўқув дастгохлари.
2. Айлана кўп ҳомузали тўқув дастгохлари.

Кўп ҳомузали тўқув дастгохларида арқоқ ташлашнинг янги турини қўллш ҳисобига арқоқ ташлаш тезлиги камаяди ва натижада ип таранглиги кам ва доимий бўлиб, ингичка иплардан ҳам фойдаланиш микониятини беради. Ҳомузда баландлиги кичик бўлганлиги ҳисобига танда ипи таранглиги ҳам кам бўлади ва жипслаштириш учун маҳсус тиф

¹³Sabit Adanur. Handbuk of weaving. Boca Raton London New York Washivgton/ D.C. 2001 (295 pg)

ишлатилмайди. Арқоқ или айланувчи тиф ёрдамида түқима четига жипслаштирилади (2.28-расм).




2.28-расм. Айланиб жипслаштирувчи дискли тиф

Айлана түқув дастгохлари

Айлана түқув дастгохлари түқимачилик ишлаб чиқаришида күп қўлланилмайди. Бунинг асосий сабаби дастгохнинг эни ва айрим кўрсатгичларини ўзgartириш имкониятини чекланганлигидадир. Бу дастгохларда фақа айлана ва трубкасимон түқималар ишлаб чиқрилади (2.29-расмлар).



a)



б)

2.29-расм. Айлана түқув дастгохлари

Айлана түқув дастгохларида танда иплари айлана бўйлаб жойлашиб, дастгох айланаси бўйичатўлқинсимон хомуза ҳосил қилинади ва моки тўлқинсимон хомузага арқоқ ипини ташлайди. Айлана ёки трубкасимон

тўқималар ҳар хил диаметрларда ишлаб чиқарилиб, тўқималарда милк бўлмайди, яъни чоксиз бўлади.

Айлана тўқув дастгохлари бир фазали ва кўп фазали тўқув дастгохларидан фарқ қиласди. Дастгох айланаси бўйлаб ҳосил қилинаётган хомуза ичига узлуксиз равишда маҳсус моки ёрдамида арқоқ ипи ташланади. Мокилар механикавий ёки электромагнит ёрдамида харакатга келтирилади. Мокиларни механикавий харакатлантиришни бир неча турлари мавжуд. Электромагнитли усулда эса харакатлантирувчи элемент ва моки орасида механикавий боғланиш бўлмайди. Электромагнитли харакатлантирувчи усулни икки тури мавжуд:

- 1) моки электромагнит майдони ҳисобига харакатга келтирилади;
- 2) моки айланувчи электромагнит тутқичи ёрдамида танда иплари орқали ҳосил қилинган хомузага ташланади.

Айлана тўқув дастгохларида ҳар бир моки ўзининг хомузаси ичида харакатланади. Бунинг учун дастгохда танда ипилари бир неча сегментларга (бўлимларга) бўлинади ва кичик шодалар гулаларидан ёки маҳсус чивиклардан ўтказилади. Кулачок ёрдамида кичик шодалар ёки маҳсус чивиклар харакати бошқарилади. Одатда дастгохда фақат полотно ёки саржа ўрилишидаги тўқималар ишлаб чиқарилади. Мокилар бир нечта бўлиб, мокидаги ип тугагандан сўнг захира мокига автомматик тарзда алмаштирилади. Жипслаштирувчи механизм игнали ғилдирак ёки тебранувчи чивиклардан иборат бўлади. Игнали ғилдирак моки орқасидан харакатланиб, ташланган арқопини жипслаштириб боради. Чивиклар эса ҳар бир моки хомуздан ўтгандан сўнг, ўша масофадаги арқоқ ипини жипслаштиради¹⁴.

Назорат саволлари:

1. Ўзбекистонда тўқимачилик саноатининг ривожланиши.
2. Тўқувчилик ишлаб чиқариш турлари.
3. Тандалаш турлари.
4. Тандалаш ромлари уларнинг тавсифлари
5. Бенингер (Швецария) фирмасини ранглаш-охорлаш агрегати унингтахлили

¹⁴Sabit Adanur. Handbuk of weaving. Boca Raton London New York Washivgton/ D.C. 2001 (304 pg)

5- мавзу: Ҳалқа ҳосил қилиш жараёнлари.

Режа:

- 5.1.Илгаги бор игнали машиналарда ҳалқа ҳосил қилиш жараёни.
- 5.2.Тилчали игналарда ҳалқа ҳосил қилиш жараёни.
- 5.3.Танда тўқув машиналарида ҳалқа ҳосил қилиш жараёнининг ўзига хослиги.
- 5.4.Ўйифи бор игнали танда тўқув машиналарида ҳалқа ҳосил қилиш жараёнининг моҳияти.

Таянч иборалар: *трикотаж, машина, ҳалқа, игна, юргизгич, нитевод, ипни эшиш, трикотаж тўқимаси, танда тўқув машиналари, илгакни сиқииш, горбинка.*

5.1. Илгаги бор игнали машиналарда ҳалқа ҳосил қилиш жараёни

Илгаги бор игнали трикотаж тўқув машиналарида ҳалқа ҳосил қилишнинг зарурий шартларидан бири - ҳар бир игна ёки бир игна оралаб бошланғич ҳалқага эга бўлишидир. Бошланғич ҳалқасиз янги ҳалқани ҳосил қилиб бўлмайди.

Бунда Эски (бошланғич) ҳалқа игна бўйлаб силжийди, янги ип эса игнага қўйилади ва эгилади, сўнгра Эски ҳалқа орасидан тортиб олинади. Буларнинг ҳаммасини ҳалқа ҳосил қилувчи ишчи аъзолар бажаради. Ҳалқа ҳосил қилишнинг барча жараёни 10 та операцияга бўлинади:

1. Ҳалқа ҳосил қилишини тугаллаш.

Тугаллаш операцияси бажарилиши жараёнида Эски ҳалқа илгак остидан игна ўзаги бўйлаб пастга силжитилади. Силжитилган масофа игна илгаги учи билан Эски ҳалқа оралиғига янги ипни қўйиш имконини бериши керак (2.1-расм). Янги ҳалқа ҳосил қилиш учун Эски ҳалқани 1 ҳолатдан ИИ ҳолатга силжитиш зарур.

2. Ипнинг игнага қўйилиши.

Бунда ип юргизгич (*нитевод*)нинг игналарга нисбатан силжиши натижасида янги ип игналарнинг ўзагига кетма-кет қўйилади. Ипни тўғри чизик шаклида игна ўзагида қўйилгани кўрсатилган.

3. Ипни эшиш.

Бунда игнага қўйилган ип игна ўзагида эгилади. Ҳалқа ҳосил қилиш жараёнининг трикотаж усулида ҳалқанинг катта-кичиклиги шу операцияга боғлиқ бўлади.

4. Янги ипни игна илгаги остига киритиш.

Бунда янги эгилган ип игнанинг илгаги остига киритилади.

5. Игна илгагини сиқиши.

Игна илгагини сиқиши операциясининг асосий моҳияти шундан иборатки, бунда сиқувчи мослама ёрдамида илгакнинг учи игна ўйифига тўла кирадиган қилиб сиқилади.



6. Эски ҳалқани илгак устига сурши.

Эски ҳалқани илгак устига сурыш операциясини бажариш учун Эски ҳалқа аввал игна ўзаги бўйлаб, сўнгра сиқилган илгак бўйлаб суриласди.

7. Ҳалқаларнинг бирлашиши.

Бунда Эски ҳалқа илгак бўйлаб ҳаракатланиб, янги ҳалқа билан учрашади ва бирлашиш операцияси бажарилади.

8. Ҳалқани ташлаши.

Ҳалқа ҳосил қилиш жараёнининг кетма-кетлиги бўйича Эски ҳалқа янги ҳалқа устига ташланиши зарур, лекин бунга, игна илгаги остида жойлашган янги эгилган ип қаршилик кўрсатади. Эски ҳалқани янги ҳалқа устига ташлаш учун, уни янги ҳалқани ҳосил қилувчи ипнинг икки қалинлигига кенгайтириш зарур. Демак, илгак остидаги янги ип қанчалик яхши эгилган бўлса ва иплар орасидаги ишқаланиш коэффициентлари қанча кам бўлса, Эски ҳалқани янги ҳалқа устига ташлаш шунчалик енгил бажарилади. Кам эшилган (*крутка*) ип Эски ҳалқани янги ҳалқа устига ташлаш операциясини енгиллаштиради.

9. Янги ҳалқани шакллантириши.

Янги ипдан Эски ҳалқага тенг келадиган янги ҳалқа ҳосил қилиш, Эски ҳалқаларга тортиш кучи таъсири остида амалга ошириласди, бунинг ҳисобига янги ҳалқа шаклланади. Операциянинг бажарилиши жараёнида янги ҳалқалар ипларининг узунлиги ўзаро тенглашади.


10. Трикотаж тўқимасини тортиши.

Янги ҳалқалар шаклланганидан кейин улар игналар билан бир текислиқда ётадилар. Агар ҳалқалар шундай ҳолатда қолдирилса, янгидан ҳалқа ҳосил қилишни тугаллаш операцияси бажарилишида Эски ҳалқа яна игнага тушиб қолиши мумкин, шунинг учун ҳалқалар текислигини игналар текислигига нисбатан перпендикуляр ҳолатга келгунча оғдириш керак бўлади. Бу жараён тортиш операцияси деб аталади. Трикотаж усулида тўқишининг ўзига хос хусусиятларидан бири - ҳалқа ҳосил қилиш учун ипни олдиндан тайёрлаш зарурлигидир.

5.2. Тилчали игналарда ҳалқа ҳосил қилиш жараёни

Тилчаси бор, игнали, бир игнадонли трикотаж-тўкув машиналари платиналар билан таъминланган бўлади. Одатда платиналар сони игналар сонига тенгдир. Платинанинг вазифаси ҳалқа ҳосил қилиш жараёнинг тугаллаш операцияси бажарилаётганида Эски ҳалқаларни бир сатҳда ушлаб туриш, янги ҳалқанинг эгилишига имкон яратиш ва янги ҳалқалар устига ташланган Эски ҳалқаларни тортишдан иборатdir. Тилчаси бор игнали машиналарда игналар кўзгалувчан бўлиб, улар игнадон ўйифи бўйича ҳаракатланадилар. Бунда игна тилчаси, тилчанинг айланишига қараб очик ёки ёпиқ бўлиши мумкин.

Тилчаси бор игнали машиналарда ҳам ҳалқа ҳосил қилиш жараёни 10 та операцияга бўлинади.¹⁵



3.1-расм. Тилчали игналарда ҳалқа ҳосил қилиш жараёни

1. Ҳалқа ҳосил қилишини тугаллаш.

Бунда Эски ҳалқа игна I тилчаси бўйлаб ҳаракат қилиб, игна ўзагига сирпаниб ўтади. Агар тилча ёпиқ ҳолатда бўлса, Эски ҳалқа таъсирида тилча очилади. Тилча очилганда унинг учи Эски ҳалқадан юқорида бўлади.

Платина P бурунчаси Эски ҳалқани игна билан юқорига кўтарилишидан ушлаб туради, бу жараён ҳалқа ҳосил қилишини тугаллаш операцияси деб аталади.

2. Ипни игнага қўйилиши.

3. Янги ипни игнанинг илгаги остига киритиш.

4. Игна илгаги остига кириши йўлини бекитиш ёки сиқиши операцияси. Ҳалқа ҳосил қилишини тугаллаш операцияси бажарилгандан сўнг игна пастга туша бошлайди, бунда игнага янги ип қўйилади. Игнанинг кейинги пастга тушишида янги қўйилган ип илгак остига киритилади. Игна

¹⁵ David Y. Spenser. Comprehansive handbook of knitting technology. 2001

стрелка е бўйлаб яна ҳам пастга тушади. Эски ҳалқа тилчага таъсир этиб, уни ёпа бошлади, бу сиқиш операцияси дейилади.

5. Эски ҳалқани игнанинг ёпиқ тилчаси устига сурини.

6. Ҳалқаларнинг бирлашиши.

Игна ўз ҳаракатини пастга давом эттиради. Эски ҳалқа ёпиқ тилча бўйлаб игнанинг бош қисмига сурилади. Эски ҳалқанинг игна бош қисмига сурилиши натижасида унинг янги ип *H* билан бирлашуви содир бўлади. Платина эса орқага машина марказига сурилган ҳолатда қолади. Янги ип эгилмагунча ҳалқани ташлаш операцияси амалга ошмайди, яъни Эски ҳалқани янги ҳалқа устига ташлашдан олдин игна илгаги остидаги янги ипни эгиб олиш зарур.

7. Ипни эгиши.

8. Ҳалқани ташлаши.

Игна пастга ҳаракатланишда давом этади. Янги ип платина билан игна таъсирида эгилади ва Эски ҳалқа янги ҳалқа устига ташланади. Эски ҳалқани янги ҳалқа устига ташлаш операциясини енгиллаштириш учун кам эшилган (*крутка*) калава ип қўлланилиши ва иплар орасидаги ишқаланиш коэффициенти камайтирилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

9. Ҳалқани шакллантириши.

Ҳалқани шакллантириш операциясида эгилган янги ҳалқа Эски ҳалқа орасидан тортиб олинади. Тортилиш янги ҳалқанинг ип узунлигини Эски ҳалқа или узунлигига тенглашгунча давом этади.

10. Трикотаж тўқимасини тортиши. Тортиш операциясини бажаришдан мақсад Эски ҳалқани игна орқасига ўтказишдан иборатdir. Тортиш операцияси бажарилганида янги ҳалқа-вертикал ҳолатдан горизонтал ҳолатга ўтади. Янги ҳалқаларнинг тортиш операцияси платинанинг бўйин қисми ёрдамида бажарилади. Тортиш операциясининг бажарилишида тортиш механизми ҳам қатнашади. Платиналари бор машиналарда олинадиган трикотаж тўқималари ҳалқа ипларининг узунлиги платиналари бўлмаган машиналардагига қараганда анча текис бўлади.

Тилчали игналарда ҳалқа ҳосил қилиш жараёнини ўрганиш шуни кўрсатдики, тилчаси бор игнали машиналарда ҳалқа ҳосил қилиш жараёни ҳам 10 та операциядан иборат:

- | | |
|-----------------------|--|
| 1. Тугаллаш | 6. Ҳалқаларни бирлашиши |
| 2. Ипни қўйиш | 7. Ипни эгиш |
| 3. Ипни киритиш | 8. Эски ҳалқани янги ҳалқа устига ташлаш |
| 4. Илгакни сиқиши | 9. Шакллантириш |
| 5. Эски ҳалқани суриш | 10. Тортиш |

Агар ҳалқа ҳосил қилиш жараёнида ипни қўйиш операциясидан кейин эгиш операцияси бажарилса, у ҳолда бу усул трикотаж усули дейилади. Ипни қўйиш операциясидан кейин эгиш операцияси келмасдан эгиш операцияси ташлаш операцияси билан бирга бажарилса, бундай ҳалқа ҳосил қилиш усули тўкув усули деб аталади.

Тўқув усулининг трикотаж усулидан асосий фарқи шундаки, тўқув усулида ипни олдиндан тайёрламасдан ҳалқа ҳосил қилинади. Тўқув усулида олинган ҳалқаларнинг бир текисдалиги трикотаж усулидагидан камроқдир.

Тўқув усулида бажарилган ҳалқа ҳосил қилиш жараёнини бир игнадонли кўндалангига тўқийдиган машиналарда кўриб чиқдик. Трикотаж ва тўқув усуллари, шунингдек, икки игнадонли кўндалангига ва бўйламасига тўқийдиган машиналарда ҳам қўлланилади. Тўқувнинг трикотаж усули М.Т. Малезали, К.Т. Котон ва бошқа машиналарда қўлланилади. Тўқув усули эса айлана игнадонли трикотаж машиналарида, ясси ва айлана игнадонли машиналарида ва айлана игнадонли пайпок тўқув автоматларида, ясси игнадонли танда тўқув машиналарида қўлланилади.

5.3. Танда тўқув машиналарида ҳалқа ҳосил қилиш жараёнининг ўзига хослиги

Танда тўқув машиналарида юқорида кўрилган ҳалқа ҳосил қилиш аъзоларидан ташқари тешикли игналар деб аталувчи якка ип юргизгичлар мавжуддир. Тешикли игналар сони тўқув игналари сонига мос келади. Агар тешикли игна бир қаторда битта ҳалқа ҳосил қиласа, кейинги қаторда эса бошқа игнада ҳалқа ҳосил қиласи. Илгаги бор игнали танда тўқув машиналарида ҳалқа ҳосил қилиш жараёни, бизга маълум бўлган 10 та операциядан ташкил топади. Операциялар кетма-кетлиги ҳар қандай тўқув усулида ишлайдиган машиналардаги тартибда бўлади:

1. Тугаллаш 6. Ҳалқаларнинг бирлашиши
2. Ипни қўйиш 7. Ипни эгиш
3. Ипни киритиш 8. Ҳалқани ташлаш
4. Илгакни сиқиши 9. Шакллантириш
5. Эски ҳалқани суриш 10. Тортиш.

1. Тугаллаш. Ҳалқа ҳосил қилишнинг тугаллаш операцияси игнанинг кўтарилиши натижасида амалга оширилади, бунда Эски ҳалқа игна ўзагига тушади. Эски ҳалқанинг игна билан бирга кўтарилмаслигини платина бўйни (*горловина*) таъминлайди. Игна тугаллаш операциясига кўтарилганидан кейин, платина бироз орқага қайтади ва Эски ҳалқани катта тарангликдан бўшатади.

2. Ипни қўйиш. Танда тўқув машиналарида ипни игнага қўйиш операцияси кўндалангига тўқийдиган машиналардан анча фарқ қиласи ва шу билан бирга мураккаброқ бажарилади. Танда тўқув машиналарида трикотаж матосини тўқиши учун, алоҳида игналарда танда ипидан ҳосил қилинган ҳалқалар ўзаро бирлашишлари зарур. Бунинг учун ҳалқа ҳосил қилиш жараёнида танда ипи ҳар доим бир хил игнада ҳалқа ҳосил қилмасдан, кейинги қаторда қўшни игнада ҳалқа ҳосил қилиши зарур. Бунинг учун тешикли игна, ипни тўқув игнасига қўйишдан олдин битта ёки бир неча игна қадамига силжиши ва бошланғич ҳолатни эгаллаши лозим. Илгаги бор игнали танда тўқув машиналарда ипни игнага қўйиш жараёни икки босқичда амалга оширилади. Танда ипи аввал игна илгаги устига қўйилади, шу

мақсадда тешикли игна, игна ўзаклари орасида уларнинг илгаклари йўналиши бўйлаб биринчи тебранма ҳаракат қиласи. Кейин тешикли игна игнадон бўйлаб битта игна қадамига у ёки бу томонга силжийди, шундан кейин, тешикли игналар тўкувига орқаси томон иккинчи тебранма ҳаракатни бажарадилар. Натижада танда ипи игна илгаги устига қўйилади (I босқич). Қўйилган ипига устидан игна ўзагига тушиши учун игна қўшимча энг юқори ҳолатга қўтарилиши, бунинг натижасида танда ипи игна ўзагига тушади ва илгакдан пастда жойлашади (II босқич).


3. Ипни киритиши. Бу жараёнда игна ўзагида жойлашган янги танда ипи иғнани илгаги остига киритилади, бунга иғналарнинг пастга ҳаракатланиши ҳисобига эришилади. Янги ипни иғнанинг илгаги остига киритиш операциясини тўғри бажариш учун танда ипини таранг ҳолда ушлаб туриш зарур, акс ҳолда у игна илгаги остига кирмаслиги ёки илгакнинг ўткир учига илашиб қолиши мумкин. Платина бурунчаси янги ипни игна билан бирга пастга тушишдан сақлайди.

4. Илгакни сиқии. Эски ҳалқани илгак устига суриш учун сиқиш операциясини бажариш, яъни илгак учи билан игна ўзаги орасидаги оралиқни ёпиш зарур. Бу эса сиқувчи мослама ёрдамида амалга оширилади. Сиқувчи мослама илгак учини, игна ўйифига кирадиган қилиб сиқади. Сиқиш операцияси машинанинг ҳамма иғналарида бир вақтда бажарилади. Бундай сиқиш ёппасига ёки фронтал сиқиш дейилади, кетма-кет сиқишида эса иғналар, сиқувчи мосламанинг сиқувчи қиррасига бирин-кетин келтирилади. Танда тўкув машинасида игна илгагини сиқиш тўғридан-тўғри бажарилади, чунки прессига илгагига перпендикуляр текисликда таъсири қиласи.

5. Эски ҳалқани суриши. Игна илгаги сиқилгандан кейин, платина орқага ҳаракат қилиб ўзининг дўнгалак қисми қоринчаси билан Эски ҳалқани иғнани илгаги устига суради. Эски ҳалқа игна илгагининг дўнгалак (*горбинка*) қисмига сурилганда, сиқиш мосламасининг иғнага таъсири тугалланади, игна пастга тушишни давом эттиради.

6. Ҳалқаларнинг бирлашиши. Платина орқага сурилиши натижасида Эски ҳалқа янги ҳалқа билан бирлашади (3.2-расм, ВИИ). Бунга ҳалқаларнинг бирлашиш операцияси дейилади¹⁶.

¹⁶David Y. Spenser. Comprehensive handbook of knitting technology. 2001



3.2-расм. Танда тўқув машиналарида ҳалқа ҳосил қилиш жараёни

7. Ипни эгиш. Танда тўқув машиналарида янги ипни эгиш операцияси кўндалангига тўқийдиган машиналарда бу операциянинг бажарилишидан фарқ қиласди. Танда тўқув машиналарида эгиш деганда, игна илгаги остида жойлашган танда ипи, бу ипни устига ташланган Эски ҳалқа ва платина таъсирида эгила бошлайдиган ҳолати тушинилади ва ипнинг бу эгилишини Эски ҳалқа ичидан тортиб

олишда ва игнанинг пастга қараб қилган ҳаракатини давом эттираётган даврида тугалланади.

8. Ҳалқани ташлаш. Янги ҳалқа ипи игнанинг илгаги остида шунчалик эгиладики, бунда Эски ҳалқа кэнгаяди ва у янги ҳалқа протяжкалари устига ташланади.

9. Янги ҳалқани шакллантириш. Янги ҳалқанинг Эски ҳалқа ичидан тортиб олиниши янги ҳалқани шакллантириш операцияси дейилади. Бу операцияни бажаришда игна пастга қараб қилаётган ҳаракатини давом эттиради. Шаклланиш даврида ҳалқанинг бир учи Эски ҳалқа билан, иккинчи учи эса, тешикли игна билан боғланган бўлади. Янги ҳалқадаги ип узунлиги танда ипнинг таранглигига, тортиш кучи ва платинанинг игна орқаси томон қанчалик сурилганлигига боғлиқ бўлади. Танда тўқув машинасида

түқилаётган трикотаж түқимаси ҳалқа ипи узунлиги ҳалқани шакллантириш операцияси таъсирида ўзгартирилиши мумкин.

10. Трикотаж түқимасини тортиши. Эски ҳалқалар игналар орқасига матога ўраладиган вал томон тортилади ва игналар кейинги ҳалқа қаторини ҳосил қилиш учун тайёргарлик кўрадилар. Эски ҳалқаларни игналар орқасига тортиш, тортиш механизми таъсирида амалга оширилади. Эски ҳалқалар таранглигини бўшаштираслик учун платиналар игна орқаси томон сурилади, игналар эса энг пастки ҳолатдан озгина юқорига қараб кўтариладилар. Бунинг натижасида Эски ҳалқалар игналар текислигига нисбатан 90° га бураладилар. Тортиш операцияси тугалланиши билан ҳалқалар қаторининг ҳосил қилиш жараёни тугалланади, шундан кейин ҳалқа ҳосил қилиш жараёни яна шу тартибда такрорланади.

5.4. Ўиғи бор игнали танда тўқув машиналарида ҳалқа ҳосил қилиш жараёнининг моҳияти

1980 йилларда трикотаж ишлаб чиқариш корхоналари кўплаб бир игнадонли катта тезликда ишлайдиган “Kokett” русумидаги танда тўқув машиналари билан жиҳозлана бошлади. Бу машиналар бизда қўлланиладиган танда тўқув машиналари турлари ичida энг такомиллаштирилганидир. Уларнинг бошқа машиналарга нисбатан асосий афзаллиги тўқув тезлигининг юқорилиги бўлиб, бу машиналарда минутига 1600-1800 та ҳалқалар қатори ҳосил қилинади. Бундай юқори тезликка, танда тўқув машинасининг ҳалқа ҳосил қилувчи аъзоларини ва бу аъзоларни ҳаракатга келтирувчи механизмлар конструкцияларини тубдан ўзгартириш туфайли эришилган. Илгакли игналар, ўйиқли игналар билан алмаштирилгани ҳисобига, игна ҳаракати йўли 23% қисқартирилган. Ўйиқли игналарнинг тузилиши, сиқиши операциясини, сиқиши мосламасини қўлламай бажаришга имкон беради, бу эса машинанинг ишлаш жараёнини бир мунча енгиллаштиради. Машинанинг ҳалқа ҳосил қилувчи аъзоларини ҳаракатга келтирувчи кулачокли механизмлар, ўиғи бор игнали танда тўқув машиналарида машина ишчи аъзоларининг равон ҳаракатини таъминлайдиган ва энг кам динамик кучли кривошип – шатунли механизмлар билан алмаштирилган. Машинада марказлаштирилган автоматик мойлаш тизимини қўлланилиши, унинг тезлигини кескин оширишга ва иш унумини купайтиришга имкон беради.

Ҳалқа ҳосил қилувчи аъзолар. Ўиғи бор игнали танда тўқув машиналари, илгаги бор игнали машиналардан фарқ қилиб, уларда қуйидаги ҳалқа ҳосил қилувчи аъзолар мавжуд: движок-замикателли ўйиқли игна, платина ва тешикли игна. Замикателъ борлиги туфайли, игнанинг илгаги остида ёпиқ оралиқ ҳосил бўлади, шунинг учун сиқувчи мосламага зарурат бўлмайди.

Ўйиқли игна. Игна-ўзак 1 ва замикател 3 дан тузилган. Ўзак 1 юқори томондан илгак 2 билан тугалланади. Ўзакда илгакдан бошлаб, то игнанинг товонигача ўйиқ-4 ўйилган.

Замикатель эгилган пўлат симдан иборатдир. Замикательнинг юқори қисмида ўйик б жойлашган бўлиб, унга сиқиш жараёни бажарилиш даврида игна илгагининг учи кириб туради.



Тешикли игна. “Kokett” русумидаги танда тўкув машинасида ҳам худди илгаги бор игнали машиналардагидек тешикли игналар қўлланилади. Лекин, уларга кўпроқ бикирлик бериш мақсадида уларнинг барча ўлчамлари бирмунча катталаштирилган.

Платиналар. “Kokett” русумидаги машина платиналарининг шакли илгаги бор игнали машиналардаги платиналар шаклидан фарқ қилмайди, фарқи шундаки, “Kokett” машинасида платиналарнинг ишчи ўлчамлари (тумшуғининг узунлиги ва дўнгалак қисмининг баландлиги) бирмунча катталигидир, бу эса машинада ҳалқа ҳосил қилиш жараёнининг ўзига хос хосликлари ва тўкув тезлигининг юқорилиги билан изоҳланади.

“Kokett” русумидаги машинада ҳалқа ҳосил қилиш жараёни. “Kokett” машинасида ҳалқа ҳосил қилиш жараёни бир вақтнинг ўзида тўкув усули билан, худди илгакли игнали машиналарда бажарилганидек ўнта операцияга бўлинади. Бироқ игна қурилмаси ўзига хос тузилишга эга бўлганлиги сабабли, ҳалқа ҳосил қилиш жараёни бироз бошқача бажарилади¹⁷.

1. Тугаллаш. (3.4, а, б, д-расм). Ҳалқа ҳосил қилишнинг тугалланишида платина бурунчаси билан ушлаб турилган Эски ҳалқа игна илгаги остидан сирпаниб тушади ва унинг ўзагига силжиб ўтади. Бунинг учун игна ўзининг энг пастки ҳолатидан шундай баландликка кўтариладики, унда игнанинг бош қисми, тешикли игналар тешикларининг юқори чеккалари билан тенглашади (3.4, д-расм). Тугаллаш операцияси машина бош валининг 40° га бурилиши натижасида бажарилади.


¹⁷¹⁷ David Y. Spenser. Comprahansive handbook of knitting technology. 2001




3.3-расм. Ўиқли игна тузилиши

2. Ипни игнага қўйиш (3.4, е, ф, г-расм). Танда ипи ўиқли игна ўзагига тешикли игна ёрдамида қўйилади (3.4, е-расм). Ипни қўйиш операцияси, тешикли игнани ўиқли игна илгаги билан учрашган вақтида тугайди (3.4, е-расм).

Ип қўйилгандан кейин игна пастга туша бошлайди, замикатель эса аста юқорига қўтарилади. Ипни игнага қўйиш операцияси машина бош валининг 40° дан 200° гача бурилишида бажарилади.



3.4-расм. Ўиғи бор игнали танда түқув машинасида ҳалқа хосил қилиш жараёни (а-г)



3.4-расм. Ўиғи бор игнали танда тўқув машинасида ҳалқа ҳосил қилиш жараёни (х-к)

3. Ипни киритиш (3.4, ҳ-расм). Танда ипини ўйиқли игна илгаги остига киритиш игнани пастга тушишида амалга оширилади. Бу операцияни бажариш даврида тешикли игна тўқув игналари орасида тебранма ҳаракат қилиб игналарнинг орқа томонига ўтади. Платина игна ўзагидан орқага, яъни машина маркази томон ҳаракатланади, замикатель юқорига кўтарилишни давом эттиради. Ипни киритиш операцияси машина бош валининг 200° дан 220° гача бурилиш ҳисобига амалга оширилади.

4. Сиқиши операцияси (3.4, и-расм). Бу операцияни бажаришда ўйиқли игна илгагининг учи замикательнинг устки қисмидаги ўйифига киради. Бунинг учун замикателнинг энг юқори ҳолатга кўтарилиб, игна илгаги билан замикательни юқори қисми орасида ёпиқ бўшлиқ ҳосил қиласи, бу ерда эса янги қўйилган танда ипи жойлашади. Платина орқага йўналган ҳаракатини давом эттиради (стрелка йўналишида) ва ўзининг дўнгалак қисми билан Эски ҳалқани замикатель бўйлаб игнанинг бош қисмiga суради. Тешикли игна, тўқув игналари орқаси томон тебранишни давом эттиради. Бу операция машина бош валининг кейинги 220° дан 260° гача бурилиши ҳисобига бажарилади.

5. Эски ҳалқани суриши (3.4, и-расм). Эски ҳалқани замикатель устига суриш аввал платинанинг дўнгалак қисми билан бажарилади, кейин Эски

ҳалқа ёпиқ замикатель бўйлаб силжийди, бу эса ўйиқли игна ўзагини замикатель билан бирга пастга туша бошлиши натижасида амалга оширилади. Бу операция машина бош валининг 260° дан 275° гача бурилиши билан бажарилади.

6. Ҳалқаларнинг бирлашиши (3.4, ж-расм). Игна ўзаги замикатель билан пастга тушишни давом эттиради ва иғнанинг бош қисми платина дўнгалагининг энг юқори қиррасига тушган пайтда, эски ҳалқа, игна илгаги остида жойлашган янги танда ипи билан бирлашади. Платина игна ўзагидан орқага, ҳаракатни давом эттиради. Ҳалқаларни бирлашиш операцияси бош валининг 275° дан 280° гача бурилишида бажарилади.

7. Ипни эгиши (3.4, к-расм). Игна илгаги остида жойлашган янги ипни эгилиши, иғнани замикатель билан яна ҳам пастга тушириш йўли билан бажарилади. Бу операция ҳалқани ташлаш ва шакллантириш операциялари билан бир йўла амалга оширилади.

8. Ҳалқани ташлаш (3.4, к-расм). Эски ҳалқани янги ҳалқа устига ташлаш, игна илгагини, платина дўнгалагининг юқори қиррасидан пастга тушганида содир бўлади (бунда бош вал 290° га бурилади).

9. Шакллантириши (3.4, к-расм). Шакллантиришда игна илгаги остида танда ипидан янги ҳалқа ҳосил қилинади. Ҳалқанинг катта - кичиклиги игна илгагининг платина дўнгалагининг юқори қиррасига нисбатан тушиш даражасига, ҳамда игна ўзагининг орқа томони билан платина бўйнининг орасидаги масофага боғлиқдир. Бундан ташқари олинадиган ҳалқанинг ўлчамига танда ипининг таранглиги ҳам таъсир кўрсатади, яъни ип қанчалик таранг бўлса, олинадиган ҳалқанинг ўлчами шунчалик кичик бўлади. Ипнинг таранглиги камайиши билан, ҳалқанинг ўлчами тегишлича катталашади (бунда бош вал 320° га бурилади).

10. Трикотаж тўқимасини тортиши. Игналар кейинги ҳалқалар қаторини ҳосил қилиши учун эски ҳалқаларни игналар орқасига, яъни мато ўраладиган вал томон тортиши зарур. Буни маҳсус тортиш механизмлари ёрдамида бажарилади. Бу операцияни бажаришда платиналар ҳам бевосита қатнашадилар, улар янги ҳосил бўлган ҳалқаларни юқорига кўтарилаётган ўйиқли игналар йўлидан тортишни таъминлайдилар.

Назорат саволлари:

1. Ҳалқа ҳосил қилиш жараёнини тушунтириб беринг
2. Тилчали игналарда ҳалқа ҳосил қилиш жараёни қандай амалга оширилади.
3. Тўқув усулининг трикотаж усулидан асосий фарқларини кўрсатинг.
4. Танда тўқув машиналарида ҳалқа ҳосил қилиш жараёни тушунтиринг.
5. Ўйиқли игна тузилиши кўрсатинг

Фойдаланилган адабиётлар:

1. David Y. Spenser. Comprehensive handbook of knitting technology. 2001.

2. Ryszard M. Kozlowski "Handbook of natural fibres" Volume 2: Processing and applications. Woodhead Publishing Series in Textiles: Number 119. © Woodhead Publishing Limited, 2012
3. M.Muqimov. Trikotaj texnologiyasi T:2012

6-мавзу: Икки игнадонли қўндалангига ва бўйламасига тўқийдиган машиналарда ҳалқа ҳосил қилиш жараёнларининг ўзига хос мөхияти.

Режа:

- 6.1.Ластик ҳалқа ҳосил қилиш жараёни.
- 6.2.Ҳалқа ҳосил қилишнинг трикотаж-тўқув усули.
- 6.3.Ҳалқа ҳосил қилишнинг тўқув усули.
- 6.4.Тескари трикотаж тўқимаси ҳалқаларини ҳосил қилиш жараёни.
- 6.5.Икки игнадонли танда тўқув машиналарида ҳалқа ҳосил қилиш жараёни.

Таянч иборалар: *игнадон, олд ҳалқа, орқа ҳалқа, ластикли ҳалқа, тўқув усули, трикотаж-тўқув усули, тескари трикотаж тўқимаси*

Трикотаж саноатида бир игнадонли машиналар қатори, икки игнадонли машиналар ҳам кенг тарқалган. Бундай машиналарнинг игнадонлари бир-бирига нисбатан бирор бурчак остида (6° дан 180° гача) жойлашади ва ўз ҳалқаларини турли томонга ташлайди. Икки қаватли трикотажда олд томондаги ҳалқалар орқа томондаги ҳалқалар билан бирга битта ипдан ҳосил қилинган бўлади.

Икки олд томонли (двуҳлицевой) икки қаватли трикотажда олд ҳалқа устунчалари, орқа ҳалқа устунчалари билан маълум бир тартибда алмашиниб келадилар. Трикотажнинг бундай тури ластик деб аталади.

Икки орқа томонли ёки тескари (двуҳизнаночний) икки қаватли трикотажда олд ҳалқалар қатори, орқа ҳалқалар қатори билан маълум бир тартибда алмашиниб келадилар. Ҳалқа ҳосил қилиш жараёни трикотаж тўқимаси каби икки гурухга бўлинади:

1. Ластикли ҳалқа ҳосил қилиш жараёни;
2. Икки орқа томонли (тескари) ҳалқа ҳосил қилиш жараёни.

6.1.Ластик ҳалқа ҳосил қилиш жараёни

Икки игнадонли машиналарда ҳалқа ҳосил қилиш жараёни операцияларнинг алмашинувига қараб, икки усулга бўлинади:

1. Трикотаж-тўқув усули;
2. Тўқув усули.

Трикотаж-тўқув усулида битта игнадонда ҳалқа ҳосил қилиш жараёни трикотаж усулида, иккинчи игнадонда эса тўқув усулида бажарилади. Бунда ҳалқа ҳосил қилиш жараёни трикотаж усулида ишлайдиган игнадонда тўқув усулида ишлайдиган игнадонга нисбатан олдинроқ бажарилади.

Тўқув усулида иккала игнадонда ҳам ҳалқа ҳосил қилиш жараёни тўқув усулида бажарилади.

Трикотаж-тўқув усулида ҳам, тўқув усулида ҳам ҳалқа ҳосил қилишни тақсимлаш йўли билан ёки кетма-кет амалга ошириш мумкин. Ҳалқа ҳосил қилиш тақсимлаш йўли билан бажарилганда, аввал ҳалқалар битта игнадон

игналарида ҳосил қилинади, бунда ушбу ҳалқалар шундай ўлчамга эга бўладики, кейинчалик иккинчи игнадонигналари ўз ҳалқаларини бу ҳалқалардан ип олиб ҳосил қилишлари мумкин бўлади.

Ҳалқа ҳосил қилиш жараёнининг кетма-кет амалга оширилишида ҳалқалар ҳар иккала игнадонда бирин-кэтинигналар оралаб ҳосил қилинади (ҳар бир игнадонда ишлаётганигналар сонига қараб битта ёки иккита игна оралаб). Танда тўқув машиналарида эса ҳалқа ҳосил қилиш жараёнининг навбатма - навбат бажарилишиигнадонларнинг алмашиниб ишлаши билан амалга оширилади. Игналари ҳалқаларни бевосита ипюргизгичдан олиб ҳосил қиласиданигнадонни активигнадон дейилади,игналари активигнадон ҳалқалари ипидан олиб ҳалқа ҳосил қиласиданигнадон пассивигнадон дейилади. Ҳалқа ҳосил қилиш жараёнининг трикотаж-тўқув усулида бажарилишида, трикотаж усули бўйича ишлайдигани эса пассивигнадон, тўқув усули бўйича ишлайдигани эса пассивигнадон деб аталади. Ҳалқа ҳосил қилишнинг тўқув усулини тақсимлаш йўли билан бажарилишида, биригнадон - актив, иккинчиси эса пассив, навбатма - навбат бажарилишида эса иккалаигнадон активдир.

Ҳалқа ҳосил қилишнинг трикотаж-тўқув усулида факат пассивигнадонни ишлатмаслик мумкин, тўқув усулида эса иккалаигнадонни навбатма - навбат ишлатиш мумкин. Ҳалқа ҳосил қилишнинг тўқув усулида актив ва пассивигнадонларни навбатма - навбат ишлатиш ҳисобига турли ўлчамдаги ҳалқалар олиш мумкин. Ҳалқа ҳосил қилишнинг кетма-кет бажарилишида иккалаигнадонни навбатма-навбат тўхтатиш мумкин ва бунда ҳалқалар қатори ўзгармайди.


6.2. Ҳалқа ҳосил қилишнинг трикотаж-тўқув усули

Трикотаж-тўқув усулида кўпроқ илгаги боригнали машиналар ишлайди. Уларда ҳар доим ҳалқа ҳосил қилиш тақсимлаш йўли билан бажарилади. Илгаги боригнали иккиигнадонли машиналарда трикотаж-тўқув усулида ҳалқа ҳосил қилиш жараёнинг айрим операцияларини кўриб чиқамиз. 3.1, *a*-расмда горизонтал жойлашганигнадоннинг C_1 Эски ҳалқаси I_1 игнада энг орқа ҳолатни эгаллаган. Вертикал I_2 игнадар эса бу вактда пастга туширилган бўлиб, уларнинг C_2 Эски ҳалқалариигнадар илгаклари остида жойлашган. Игна ва Эски ҳалқаларнинг ўзаро бундай жойлашганларидан ипгоризонталигнадарга қўйилади. Ипни эгиш операцияси худди биригнадонли машиналардагидек бажарилади (3.1, *b*-расм).

Ипни эгиш операцияси бажарилганидан сўнг янги ип токи горизонталигна илгаги остига киргунга қадаригна орқага ҳаракат қиласиди (ипни киритиш операцияси) (3.1, *d*-расм).

Сўнгра Эски C_1 ҳалқалар I_1 игнадар илгаклари устига сурилади. Игналар илгаги сиқилгандан ва Эски ҳалқаларни I_1 игнадар илгаги устига сурилгандан кейин, вертикал I_2 игнадар кўтарила бошлайди. Горизонтал I_1 игнадарда Эски C_1 ҳалқалар билан янги қўйилган H ип учрашгунча, вертикал

I_2 игналар шунчалик юқорига құтариладиларки, бунда янги ип I_2 игна ўзагига жойлашади ва ипни қўйиш операцияси бажарилади (3.1, e-расм). Бу операция бажарилганидан кейин вертикал игналар пастга туша бошлайдилар ва бунда ипни киритиш, илгакни сиқиши, Эски ҳалқаны суриш, ҳалқаларни бирлашиши, ипни эгиш, Эски ҳалқаны янги ҳалқа устига ташлаш ва вертикал игнадон игналарида янги ҳалқаны шаклланиш ва тортиш операциялари бажарилади (3.1, e, ф, г-расм).



6.1-расм. Трикотаж-түкув усулида ҳалқа ҳосил қилиш жараёни


6.3.Халқа ҳосил қилишнинг тўқув усули

Ҳалқа ҳосил қилишнинг тўқув усулида асосан тилчаси бор игнали иккиигнадонли машиналар ишлайди. Бу машиналарда ҳалқа ҳосил қилиш тақсимлаш йўли билан ёки кетма-кет бажарилиши мумкин. Мисол тариқасида ластик айлана тўқув машиналарида ҳалқа ҳосил қилиш жараёнини кўриб чиқамиз. Бу машинадаги силиндр игналарида ҳалқалар кетма-кет тақсимлаш йўли билан ҳосил қилинади. Дастреб ҳалқалар силиндр игналарида, сўнгра рипшайба игналарида ҳосил қилинади. Шунга кўра машинанинг силиндр игнадони актив игнадон, рипшайба игнадони эса пассив игнадон деб ҳисобланади. Силиндр игнадони игналаридаги ҳалқалар ипинг ортиқчасини рипшайба игналари олишини ҳисобга олиб, силиндр игналарида катта ўлчамли ҳалқалар ҳосил қилинади. Шундай қилиб, рипшайба игналари катта ўлчамдаги силиндр игналари ҳалқалар ипини иккита бир-бирига teng ҳалқаларга тақсимлайди, у ҳалқалардан бирни силиндр игнасида иккинчиси рипшайба игнасида ҳосил қилинади. Тилчали игналарда ҳалқа ҳосил қилиш жараёни тўқув усулида ҳалқа ҳосил қилишнинг бажарилиш тартиби каби амалга оширилади ва ҳар бир игнадонда ўнта операциядан иборат бўлади.





- | | |
|-------------------------|---|
| 1. Тугаллаш. | 6. Ҳалқаларнинг бирлашиши. |
| 2. Ипни қўйиш. | 7. Ипни эгиш. |
| 3. Ипни киритиши. | 8. Эски ҳалқани янги ҳалқа устига ташлаш. |
| 4. Сиқиши. | 9. Шакллантириши. |
| 5. Эски ҳалқани суриши. | 10. Тортиши. |

Тугаллаш (3.2, *a*-расм). Тугаллаш операциясини бажаришда силиндр иғналари 1 юқорига кўтарилади, рипшайба иғналари 2 эса машина марказидан олдинга сурилади. Уларнинг сурилиш даражаси шу билан аникланадики, бунда Эски ҳалқалар 1 ва 2 иғналар илгаклари остидан чиқишилари ва уларнинг очик тилчаларидан игна ўзагига ўтишлари лозим. Ипни қўйиш (3.2, *b*-расм). Тугаллаш операциясидан кейин силиндр иғнаси пастга туша бошлайди, рипшайба иғнаси эса машина маркази томон қайтади. Ип эса ип йўналтиргич (*nitemanipavite*) ёрдамида силиндр ва рипшайба иғнадонларининг айланма ҳаракати даврида аввал силиндр иғналарига, кейин рипшайба иғналарига қўйилади.

Сиқиши (3.2, *d*-расм). Силиндр иғнасида сиқиши операцияси иғнанинг пастга тушиши давомида, Эски ҳалқа игна тилчасини ёпиши билан амалга оширилади. Янги қўйилган ип ёпиқ тилча остига жойлашади¹⁸.



¹⁸ David Y. Spenser. Comprahansive handbook of knitting technology.



6.2-расм. Түкүв усулида ҳалқа ҳосил қилиш жараёни

Ипни киритиш. Эски ҳалқани суриш. Ипни киритиш операциясими бажаришда цилиндр игнаси пастга ҳаракатланишини давом эттиради. Ип аста-секин илгак остига сурила бошлайди.

Эски ҳалқани ёпиқ тилча устига суриш игнанинг пастга ҳаракатланиши давомида амалга оширилади (3.2, *e*-расм). Бу вақтда рипшайба игнаси машина марказига қайта ҳаракатлана бошлайди, унинг тилчаси Эски ҳалқа ёрдамида ёпилади, янги ип эса игна илгаги остига киритилади, яъни ипни киритиш ва Эски ҳалқани суриш операциялари бажарилади.

Ҳалқаларнинг бирлашиши. Ипни эгиш. Эски ҳалқани янги ҳалқа устига ташлаш (3.2, *f*-расм). Эски ҳалқанинг силиндр игнаси илгагининг остида жойлашган янги ип билан бирлашиши игнани пастга ҳаракатланишини давом эттиришда содир бўлади, сўнгра янги ип эгилади ва бир йўла Эски ҳалқа янги ҳалқа устига ташланади, яъни ипни эгиш ва Эски ҳалқани ташлаш операциялари бажарилади. Силиндр игнаси янада пастга тушади ва ўлчами каттароқ бўлган ҳалқа ҳосил қилиш учун зарур бўлган узунликдаги ипни ўзининг илгаги билан тортиб олади.

Силиндр игнасида Эски ҳалқани ташлаш операцияси бажарилганидан кейин, рипшайба игнаси машина маркази томон ҳаракатини давом эттиради ва унда Эски ҳалқани суриш, ҳалқаларни бирлашиш ва Эски ҳалқани янги ҳалқа устига ташлаш операциялари бажарилади. Бунинг ўзига хослиги шундан иборатки, юқорида кўрсатилган операциялар бажарилишида ип силиндр ва рипшайба игналари орасида тақсимланади, яъни рипшайба игнасида ҳалқа силиндр игнасидаги ҳалқа ипидан тортиб олинган ип ҳисобига ҳосил қилинади.

Шакллантириш (3.2, *g*-расм). Эски ҳалқани рипшайба игнасидан ташлангандан кейин, цилиндр игнаси бироз кўтарилади ва бунинг натижасида игна ҳалқаси ипининг таранглиги камайтирилади. Шунга кўра цилиндр ва рипшайба игналарида янги ҳосил қилинган ҳалқалар нормал ўлчамга келгунча шакллантирилади ва тенглаштирилади.


Тортиш (3.2, *g*-расм). Цилиндр ва рипшайба игналарида шаклланган янги ҳалқалар, тортиш механизми ёрдамида пастга тортилади, бу эса кейинги ҳалқалар қаторини ҳосил қилишда янги ҳалқалар яна игналарга тўғри келиб қолмаслигининг олдини олади. Ҳалқа ҳосил қилиш жараёнининг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳалқалар қатори битта тўқув тизимида ҳосил қилинади¹⁹.


6.4. Тескари трикотаж тўқимаси ҳалқаларини ҳосил қилиш жараёни

Тескари трикотаж тўқимасининг тузилиши бўйича иккала томонида ҳалқа қаторининг олд томони маълум бир тартибда ҳалқа қаторининг орқа томони билан алмашиниб келадилар. Шунинг учун кўндалангига

¹⁹ David Y. Spenser. Comprahansive handbook of knitting technology.

түқиладиган тескари трикотаж түқимасини ишлаб чиқаришда ҳалқа ҳосил қилиш жараёни шундай бажарилиши керакки, бунда Эски ҳалқалар иғналардан гоҳ чап томонга, гоҳ ўнг томонга ташланишлари зарур. Тескари трикотаж түқималарини айлана ва ясси игнадонли түқув машиналарида ишлаб чиқариш учун кўп ҳолларда икки бошли тилчали иғналар кўлланилади. Бундай иғналар билан устки трикотаж кийимларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган айлана ва ясси игнадонли оборот машиналари ва икки игнадонли пайпок түқув автоматлари жиҳозланган. Игнани игнадон бўйлаб йўналтиришда игна юритувчи M дан фойдаланилади (3.3-расм). Игнанинг ўнгдан чапга ҳаракати пайтида игнанинг бош қисми игнадонни отбой тишлари D ва J лар орасидаги масофани босиб ўтади, ип юргизгич T эса H ипни игна тилчаси устига қўяди. Ипни игнага қўйишда, бир игнадонли машинада ҳалқа ҳосил қилишдаги шарт-шароит сақланиши зарур, яъни ипни киритиш операциясида ип игна илгаги остига кириши ва сиқиш операциясида игна тилчаси билан ип кесишмаслиги зарур. Игнанинг стрелка e бўйлаб ҳаракатида (3.3, a -расм) Эски ҳалқани игна билан бирга ҳаракатидан игнадоннинг отбой D тишлари сақлаб қолади, шунга кўра Эски ҳалқа игна бўйлаб сирпаниб бориб, унинг тилчасини ёпади. 3.3, a , b -расмда, Эски ҳалқаларни тугаллаш операцияси бажарилиши, яъни Эски ҳалқаларни тилча устидан сурилиб игна ўзагига ўтиши кўрсатилган. 3.3, d -расмда ипни қўйиш операцияси ва игнанинг ўнг бошида сиқиш операцияси кўрсатилган. Игнани стрелка e_1 бўйича кейинги ҳаракатида (3.3, e -расм) Эски ҳалқа C тилчани ёпиб унинг устига сурилади, яъни Эски ҳалқани суриш операцияси бажарилади, сўнгра ипни киритиш, ҳалқаларнинг бирлашиши ва эски ҳалқаларни янги ҳалқа устига ташлаш операциялари худди тилчали иғналари бўлган бир игнадонли машиналардагидек амалга оширилади.





6.3-расм. Икки бошли тилчали игналар ёрдамида тескари трикотаж түқимасини түқиши жараёни


3.3, ϕ -расмда игна юритувчи M ва игна I нинг энг чапки ҳолати кўрсатилган, бунда H ипни эски ҳалқа C орасидан тортиб олиниши натижасида янги ҳалқа $H_{\text{п}}$ ҳосил қилинади. Шундан кейин игна иккинчи игнадонга йўналтирила бошланади. Ендиликда янги ҳалқа игнанинг чап бошида ҳосил қилинади, бунда игна Эски ҳалқасини ўз ҳалқа устунчасининг чап томонига ташлайди. Юқорида кўрилган ҳалқа ҳосил қилиш жараёнини игналарнинг бошқа турларида ҳам бажариш мумкин, лекин икки бошли тилчали игналарнинг кўлланилиши машиналарнинг технологик имкониятларини оширишга шароит яратади.

6.5.Икки игнадонли танда тўкув машиналарида ҳалқа ҳосил қилиш жараёни

Икки игнадонли танда тўкув машиналарида ҳалқа ҳосил қилиш жараёни битта игнадонли машиналардаги тартибда бажарилади ва худди ўшандагидек ўнта операцияларга бўлинади. Лекин бу жараённинг ўзига хослиги шундан иборатки, тўқиши жараёнида битта игнадон ўрнига иккита игнадон иштирок этади ва улар игналарида бир ипнинг ўзидан навбатманавбат ҳалқалар ҳосил қилинади. Икки игнадонли танда тўкув машиналарида тилчали, илгакли, ўйиқли ва найчасимон игналар ўрнатилган бўлиши мумкин. Мисол тариқасида тилчаси бор игнали икки игнадонли Рашелъ

русумидаги машинада ҳалқа ҳосил қилиш жараёнини кўриб чиқамиз. Игнадонда ўрнатилган игналарнинг илгаклари қарама-қарши томонга йўналганлиги сабабли, икки игнадон игналаридаги ҳалқалар турли томонларга тортилади ва шунинг учун олинган матонинг иккала томонидан фақат ҳалқаларнинг олд томонлари кўринади, протяжкалар эса мато ичидаги жойлашади. 3.4-расмда икки игнадонли Рашелъ машинаси игналаридаги ҳалқа ҳосил қилиш жараёнлари кўрсатилган. 3.4, а-расмда иккала игнадондаги тилчали игналар 1 ва 1^внинг пастги бошланғич ҳолати тасвирангандан. Бу вақтда тешикли игна 2 стрелка йўналиши бўйича биринчи тебранма ҳаракатни бажариб А игнадон орқасига жойлашади (А игнадон игналари биринчи бўлиб қўтарилидади). Бундан ташқари, тешикли игна, навбатдаги ҳалқа қаторини ҳосил қилишда шу ип қўйилиши лозим бўладиган тилчали игна орқасига жойлашиш учун битта ёки бир неча игналар қадамига силжийди. 3.4, б-расмда тугаллаш операцияси кўрсатилган. А игнадон игналари энг юқори ҳолатга қўтарилидади, эски ҳалқа С игна тилчасини очиб, унинг ўзагига тушади; тешикли игна А игнадон игналарининг илгаклари томон иккинчи тебранма ҳаракат қилишни бошлайди.

3.4, д-расмда тешикли игналар ўрнатилган мослама (*гребёнка*) иккинчи тебранма ҳаракатни тугатиб, А игнадон бўйлаб игналар олдида, игналарга ип қўйиш учун битта игна қадамига силжиган ҳолати кўрсатилган. Гребёнка игнадон бўйлаб силжиганидан кейин у учинчи тебранма ҳаракатни тугатади ва тилчали игналар орқасига жойлашади. Танда ипи очиқ тилчали игнага қўйилади. Сўнгра А игнадон игналари пастга тушади ва ҳалқа ҳосил қилишнинг бошқа операциялари худди бир игнадонли Рашелъ машинасидагидек бажарилади. 3.4, е-расмда ҳалқа ҳосил қилиш аъзолари ва янги ҳосил қилинган ҳалқа Н нинг ҳолати кўрсатилган, бунда А игнадон игналаридаги ҳалқа ҳосил қилиш жараёни тугалланган. Эски ҳалқа тортиш кучи таъсирида соат стрелкаси йўналишига тескари йўналишда ўгирилади ва игнадонлар орасига жойлашади. Тешикли игна игнадон бўйлаб стрелка йўналишида навбатдаги ҳалқа қаторида ип қўйилиши керак бўлган игна орқасига жойлашиш учун битта ёки бир неча игналар қадамига силжийди. Шундан кейин тешикли игна В игнадонда ҳалқа қаторини ҳосил қилиш учун шу игнадоннинг тилчали игнаси орқасига жойлашиб, бошланғич ҳолатни эгаллайди. 3.4, ф-расмда В игнадон игналари тугаллаш операциясини бажариш учун юқорига қўтарилиган ҳолати кўрсатилган.



6.4-расм. Икки игнадонли Рашель машинасида ҳалқа ҳосил қилиш жараёни

Тешикли игна *B* игнадонни игна илгаклари томон төбранма ҳаракат қиласи, сўнгра игна олдида игнадон бўйлаб битта игна қадамига силжийди, шундан кейин тешикли игна *B* игнадонни игна илгакларидан орқа томонга қараб учинчи төбранма ҳаракатни бажаради. Шу тарзда тешикли игна танда ипини *B* игнадоннинг тилчали игналарига қўяди (3.4, г-расм). Сўнгра игнадон пастга ҳаракатлана бошлайди ва унинг игналарида ҳалқа ҳосил қилиш жараёнининг барча кейинги операциялари одатдаги тартибда бажарилади. Шундан кейин биринчи игнадоннинг игналарида навбатдаги ҳалқа қатори ҳосил қилиш бошланади. Икки игнадонли танда тўқув машиналаридаги ҳалқа ҳосил қилиш жараёни иккала игнадонда бутунлай бир хил тўқув усулида бажарилади. Бундан келиб чиқадики, танда тўқув машинасининг ҳар бир игнадони мустақил ишлаши мумкин. Демак, бир ва икки игнадонли

машиналардаги ҳалқа ҳосил қилиш жараёнлар бир-биридан фарқ қымайди, фарқи ишлаб чиқарыладиган трикотажнинг тузилиши ва хусусиятларидан иборатdir. Агар кўндалангига тўқийдиган икки игнадонли машиналардаги ҳалқа ҳосил қилиш жараёнини икки игнадонли танда тўкув машиналари билан солиштиrsак, у ҳолда қуидагиларни қайд қилишимиз мумкин:

- икки игнадонли кўндалангига тўқийдиган машиналарда ҳалқа ҳосил қилиш жараёни трикотаж-тўкув ва тўкув усулида бажарилиши мумкин, икки игнадонли танда-тўкув машиналарида ҳалқа ҳосил қилиш жараёни фақат тўкув усулида бажарилади;

- кўндалангига тўқийдиган машиналарда иккала игнадон актив бўлиши ёки биттаси актив, иккинчиси эса пассив бўлиши мумкин, танда-тўкув машинасида эса иккала игнадон активdir;

- танда-тўкув машинасининг иш унумдорлиги игнадон энига ва машина тезлигига боғлиқ, кўндалангига тўқийдиган машинада эса, иш унумдорлиги машина тезлигига ва ҳалқа ҳосил қилувчи тизимлар сонига боғлиқdir.

Назорат саволлари:

1. Ластик тўқимасининг тузилиши ва хусусиятлари.
2. Тўкув дастгоҳларининг турлари қайси кўрсаткичлар асосида танланади?
3. Бир игнадонли танда тўкув машиналарида ҳалқа ҳосил қилиш жараёни.
4. Икки игнадонли танда тўкув машиналарида ҳалқа ҳосил қилиш жараёни.

Фойдаланилган адабиётлар:

4. David Y. Spenser. Comprahansive handbook of knitting technology. 2001.
5. Ryszard M. Kozlowski “Handbook of natural fibres” Volume 2: Processing and applications. Woodhead Publishing Series in Textiles: Number 119. © Woodhead Publishing Limited, 2012
6. M.Muqimov. Trikotaj texnologiyasi T:2012 y

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР

1-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ

"Мурата R7-II" қайта ўраш автоматида компьютерли бошқарув - назорат тизимини ўрганиш

Ишдан мақсад: *Мурата қайта ўраш автоматида ипларни қайта ўраш жараёнининг компьютерли бошқарув - назорат тизимини ўрганиши.*

Керакли ускуна

ва жиҳозлар: *Мурата R7-II қайта ўраш автомати, сплайсер, тахометр, калькулятор.*

Масаланинг қўйилиши

1. Мурата R7-II қайта ўраш автомати компьютерли бошқарув -назорат тизими билан танишиш.
2. Технологик омилларни қайта ўраш автомати компьютерига киритиш.
3. "Uster" электрон назорат-тозалаш мосламаси ёрдамида ип нуқсонларини бартараф этиш учун компьютерли бошқарув тизимини ўрганиш.
4. Classimat III бўйича нуқсонлар матрицасии ўрганиш ва унга назорат шартларини киритиш.
5. Электрон назорат-тозалаш мосламасини ростлаш тизимини ўрганиш.
6. Тугунсиз боғлаш (Сплайсер) системасини ўрганиш.

Ишни бажариш учун намуна

Мурата қайта ўраш автоматида ипларни қайта ўраш жараёнининг компьютерли бошқарув - назорат тизимини ўрганишда талабалар Мурата R7-II қайта ўраш автоматини компьютерли бошқарув -назорат тизимини, "Uster" электрон назорат-тозалаш мосламасини, Classimat III бўйича нуқсонлар матрицасини ва тугунсиз боғлаш (Сплайсер) системасини алоҳида ўрганишади.

Қайта ўраш автоматларини таққослашда, унумдорлик, автоматлаштириш даражаси, нархи, хизмат кўрсатиш доираси, эгаллаган ер майдони каби кўрсатгичларга эътибор бериш керак.

Умумий маълумотлар

Қайта ўраш жараёнини автоматлаштириш меҳнат унумдорлигини бир неча баробарга оширади. Автоматлаштириш жараёнида ишчи бир неча жараёнлардан озод қилинади, яъни узукларни бартараф этиш, найчаларни алмаштириш ва тайёр бўлган бобиналарни йиғиши каби ишлардан ҳоли бўлади.

Ўраш автоматлари уч гурухга бўлинади.

1. Биринчи гурух автоматларида ўраш урчуқлари харакатланувчи, улаш-алмаштириш системаси (УАС) эса қўзғалмас.

Афзаллиги: автоматлаштиришнинг юқори даражаси.

Камчилиги: фойдали вақт коэффиценти паст.

2. Иккинчи гурух автоматларида ўраш урчуқлари қўзғалмас, улаш-алмаштириш системаси эса харакатланувчи бўлади.

Камчилиги : ФВК пастлиги ва автоматларнинг мураккаблиги.

3. Учинчи гурух автоматларида ҳар бир урчуқ шахсий улаш-алмаштириш системаси билан таъминланган.

Афзаллиги: ФВК юқорилиги.

Камчилиги: Автоматнинг қимматлиги.

Юқоридаги барча автоматлар иккита дастур бўйича ишлайди:

1- улаш;

2- улаш-алмаштириш.

Қайта ўраш автоматларида автоматик бажариладиган технологик ишлар ва амаллар:


1. Бобина тўлиқ ўралгач, автоматик равишда барабандан ажратилади (кўтарилади).
2. Бўш бобиналар автоматик равишда чиқариб ташланади.
3. Тўла туфтак ва бобиналар автоматик равишда ўрнатилади.
4. Бобиналар алмаштирилгач, ип учлари автоматик равишда боғланади.
5. Ип улангач, урчуқ автоматик қайта ишга тушади.

Қайта ўраш автоматларини афзалликлари:

1. Марказий назорат тизими.
2. Кўплаб маълумотларни тез ва олиш имконияти.
3. Тарангликни автоматик равишда ростлаш имконияти.
4. Ип тозалаш чегарасини кенглиги.
5. Автоматик ип улаш (сплайсер).
6. Ипни уланган жойи диаметрини назорат қилиш имконитяи.
7. Автоматик равишда туфтакни тахтлаш.
8. Автоматик равишда тўлган бобинани олиш.
9. Юқори тезлик ва меҳнат сарфини камлиги.
10. Бошланғич сарф маблағни кўплиги.
11. Махсус омиллар учун юқори сезгирилик даражаси

12. Ҳар бир урчукни алоҳида ажратиш мумкин.

Мурата 7R-II қайта ўраш автомати трикотаж ва тўқувчилик жараёнларидан чиқсан конус ўрамасидаги қолдиқ ипларнинг тугунсиз, чиқиндисиз ёки қўшимча жараёнсиз керакли ўлчамдаги конуссимон бобина қайта ўрайди (1.1-расм).



1 -туфтак, 2 - баллонсўндиригич, 3 - назоратчи, 4 - таранглагич, 5 - парафин, 6 - ип ушлагич, 7 - ип тозалагич, 8 - сплайсер, 9 - ўраш барабани.

1.1-расм. Мурата R7-II қайта ўраш автоматига ип тахтлаш технологик чизмаси

Электрон назорат-тозалаш мосламалари

Электрон назорат тозалаш мосламалари икки хил бўлади.

1. Сигимли.
2. Фотоэлектрии.

Бу мосламалар ёрдамида ипнинг йўғон ва ингичка жойлари узлуксиз равища назорат қилиб борилади. Мурата 7R-II қайта ўраш автомати га етакчи компаниялардан бири ишлаб чиқарган "Устер" назорат- тозалаш мосламаси ўрнатилган.



а)


б)

1.2-расм. Электрон назорат-тозалаш мосламаси (а) ва бошқарув панели (б).

1.3-расмда сифимли ип тозалаш тизимини түзилиш принципи келтирилген. Ип иккита параллел конденсатор пластиналари орасидан бир хил тезлик билан ўтади. Метал ясси конденсаторни сифими қуидагича аникланади:


$$C = \frac{\epsilon A}{d} = \frac{k \epsilon_0 A}{d}$$

бу ерда: A —пластиналар юзаси, d —пластиналар оралиғи, ϵ —пластиналар оралигини ўтказувчанлиги, ϵ_0 —бўшлиқни диэлектрик ўтказувчанлиги, k —диэлектрик мұхитни ўтказувчанлиги. Бўшлиқни диэлектрик ўтказувчанлиги $\epsilon_0 = 8.85 \times 10^{-12} \text{ F/m}$ га тенг.



1.3-расм. Сигимли электрон назорат тозалаш мосламаси.

1.4-расмда оптик электрон назорат-тозалаш мосламасини ишлеш принципи келтирилген. Нурлантирувчи тарқатган ёргулук қабул қилувчи орқали электр сигналiga айлантирилади. Ёргулук мосламадан ўтаётган ип диаметрига боғлиқ равишда қабул қилувчига тушади.



1.4-расм. Оптик электрон назорат-тозалаш мосламаси.

Ип диаметрини 10 %га оғиши унинг массасини 21 %га оғишига олиб келади. Шунинг учун сифимли электрон назорат тозалаш мосламасига нисбатан оптик электрон назорат тозалаш мосламасини сезгирилик даражаси юқори бўлади. Сифимли назорат мосламаси сезмаган ипдаги айрим нуқсонларни оптик мосламада тўлиқ назорат этилади. Ип массаси бўйича текширилганда сифимли назорат мосламасида ипнинг бурамлари, тешиклари (1.5-расм) каби нуқсонларини сезмайди. Оптик назорат мосламасида ипдаги ҳар қандай кичик нуқсон ҳам нурни тушиб ҳажмини ўзгаришига олиб келади ва у эса ўз ўрнида электр сигнални ўзгартириб нуқсон бартараф этилади.



1.5-расм. Ипдаги тешик нуқсони.

Ип нуқсонларининг асосийларидан ва қўп учрайдиганларидан бири – ипнинг нотекислигидир. Ипнинг нотекислиги унинг массасини ўзгариши билан боғлиқ бўлади. Ипнинг нотекислиги 1 км узунликдаги микдори билан ўлчанади.

Йўғон жойлар (номинал массадан +50% дан ортса)

Ингичка жойлар (номинал массадан – 50% дан кам бўлса)

Неплар (номинал массанинг 1 мм узунлиги бўйича +200 % дан ортиқ бўлса).

1.7. Ип нуқсонлари

Ип нуқсонлари ипнинг массасини ўзгаришига олиб келади. Нуқсонлар тўкув дастгоҳида тўқима ҳосил бўлиши жараёнида ип узилишлари билан боғлиқ тўхташларга ва тўқима сифатини пасайишига сабаб бўлади. Ип нуқсонлари Classimat III ёки Classimat IV шартлари бўйича текшириллиб, ипдаги нуқсонни узунлиги ва диаметрига қараб, турли синфларга (23 ва 33 синфлар) бўлинади. Ип нуқсонлари одатда 100 км ип узунлигидаги сони билан ўлчанади.

1.6-расмда ип нуқсонларини Classimat III бўйича текшириш матрицаси келтирилган. Ордината ва абциssa йўналишларига мос равишда нуқсонларни диаметри ва узунлиги бўйича кўрсатилган.

Classimat III бўйича нуқсонлар уч хил асосий тоифага бўлинади:

1. A1, D4 - калта йўғон нуқсонлар;
 2. E, F, G - узун йўғон нуқсонлар;
 3. H1, I1, H2, I2 - узун ингичка нуқсонлар.
- A, B, C, таснифлар нуқсонларни узунликлари миқдори бўйича фарқланади.

Тасниф тури	Нуқсон узунлиги, см
A	0,1–1
B	1–2
C	2–4
D	4–8

Ординада ўқидаги % кўрсатгичи ип нуқсони массасини ўзгаришини кўрсатади (1.6-расм). Ип нуқсони массасини + 100% дан 400 +% гача ўзгариши унинг диаметрини мос равишда 41% дан 123% гача ўзгаришига тўғри келишини кўрсатади. Матрицадан нуқсонларни 16 га таснифи бўлиниб, A1-энг кичик узунлик ва диаметрдаги нуқсонни, D4-энг катта узунлик ва диаметрдаги нуқсонни характерлайди. 8 смдан катта бўлган узун йўғон жойлар Е билан белгиланган бўлиб, массаси + 100% дан ортади.


F ва G лар ҳам узун йўғон жойлардаги нуқсонларни кўрсатиб, массаси + 45% дан кўп, узунлиги 8–32 см (F учун) ва 32 смдан ҳам юқори бўлган жойларни (G ехеъ) кўрсатади. Н категорияси (H1 ва H2) ҳам 8–32 см узунликда бўлиб, I эса (I1 ва I2) 32 смдан узун бўлган нуқсонларни белгилайди.

A4, B4, C4, D4, D3, C3 категориялар одатда бартараф этилиши лозим бўлган нуқсонлар ҳисобланиб, уларни узунликлари ва массаси номинал кўрсатгичдан оғиш даражаси жуда юқори бўлади. Шунингдек A3, B3, C2 ва D2 категориялар ҳам юқори сифатли маҳсулотлар учун бартараф этилиши лозим бўлган нуқсонлар ҳисобланади.

1.7-расмда Classimat IV бўйича нуқсонлар матрицаси келтирилган. Бунда Classimat III бўйича мавжуд 23 та нуқсонларга яна қўшимча қўйидаги 10 та нуқсонлар қўшилган:


- жуда калта йүғон нүксонлар (A0, B0, C0 BA D0);
 - калта ингичка нүксонлар (TB1, TC1, TD1, TB2, TC2, TD2).

Жуда калта йүғон нүқсонлар (A0-D0) массаси номинал массадан + 70% гача ортади, узунликлари эса юқорида зикр этилган A-D категориялар билан бир хил бўлади. TB1, TC1 ва TC1 категориялар массаси номинал массадан 30–45%, TB2, TC2 ва TD2 категориялар эса 45–75% га кам бўлади.



1.6-расм. Classimat III бүйича нұқсанлар матрицасы


Aggarwal, Hari, and Subramanianларнинг илмий-тадқиқот ишлари натижалари бўйича C3, C4 ва барча D категориялар бўйича Classimat нуқсонлари мавжуд иплар, охорлаш жараёнидан кейин ҳам уларнинг мустаҳкамлиги, чўзилувчанлиги ва ишқаланишга чидамлийлиги паст бўлиши аниқланган. Танда ипларини бундай нуқсонлари уларни тўқувчилик жараёнида узилишлари сонини ортишига сабаб бўлади.



1.7-расм. Classimat IV бўйича нуқсонлар матрицаси

Classimat тизими бўйича нуқсонларни ҳосил бўлиш сабаблари

Classimat тизимининг (A1–D4) категориясидаги калта йўғон нуқсонлар хом ашё ёки ип тайёрлаш технологик жараёнидаги хатоликлар ҳисобига ҳосил бўлади. Агар A4 ва D1 бўйлаб диагонал чизик ўтказилса, у ҳолда A–D матрица тенг икки қисмга бўлинади (1.8-расм). Юқоридаги учбуручак юзасидаги нуқсонлар ип ҳосил технологик жараёнидаги хатолар ҳисобига, пастки учбуручак юзасидаги нуқсонлар эса хом-ашё, титиш-тозалаш агрегати, тараш машиналаридаги хатоликлар ҳисобига ҳосил бўлади.



1.8-расм. Калта йўғон нуқсонларни ҳосил бўлиш сабаблари

Қайта ўраш ускуналарига назорат-тозалаш оралиқларини ўрнатиш

Замонавий қайта ўраш автоматларида ипларни нуқсонлардан тозалашда З хил оралиқ ўрнатиласи:

- Калта йўғон нуқсонлар учун: S-оралиқ.
- Узун йўғон нуқсонлар учун: L-оралиқ.
- Узун ингичка нуқсонлар учун: T-оралиқ.

Ипларни ишлатилиш жараёнига, маҳсулой сифатига, машина унумдорлигига, узуқлар сонига ($\text{узуқ}/\text{км}$) ва бошқа омилларга қараб ишлаб чиқарувчи муқобил тозалаш оралиқларини ўрнатади. Шунингдек тозалаш оралиқлари ипнинг чизиқий зичлигига, йигириш тизимиға (карда ёки қайта тараш) боғлиқ бўлади. Одатда S, L, T тозалаш оралиқлари қуидагича бўлади:

S-оралиқ: Массаси $+140 \div 200\%$ ва узунлиги 1,5–2 см.

L-оралиқ: Массаси $+40 \div 50\%$ ва узунлиги 40–50 см.

T-оралиқ: Массаси $+30 \div 40\%$ ва узунлиги 40–50 см.

Тугунсиз ип улаш (Splicing)


Тугунсиз ип улаш жараёнини моҳияти иккита ип учларини бир-бирига улашдир. Асосан қайта ўраш автоматларида йигирилган иплар учларини улашда пневматик ип улаш усулидан фойдаланилади. Қайта ўраш автоматининг робот қўллари ҳаво ёрдамида узилган ип учларини сўриб олиб, ип улаш зонасига етказиб берилади. Ҳаво босими ёрдамида ип бурамлари тескари томонга айлантирилиб, бўшатилади. Ип учларидан айрим толалар улашга тайёрлаш учун чиқариб ташланади. Сўнгра ҳаво босими ёрдамида ип учларига яна бурам берилиб, иплар тугунсиз уланади. Ипнинг тугунсиз боғланган жойларини сифати уларни узилиш кучи ва улашдаги узилишлар нисбати билан текширилиб, баҳоланади.

Қолдик улаш кучи

$$Qoldiq\ ulash\ kuchi = \frac{Ulangan\ ipning\ uzilish\ kuchi}{nominal\ ipning\ uzilish\ kuchi} \cdot 100\%$$

$$Ulashdagi\ uzilishlsr\ nisbati = \frac{Ulash\ zonasidagi\ uzuqlar\ soni\ (\pm 1\ sm)}{Umumiy\ sinovlar\ soni}$$

Қолдик улаш кучи 85-90%, улашдаги узилишлар нисбатини кам бўлиши тугунсиз улаш сифатини юқорилигини билдиради.



1.9-расм. Тугунсиз улаш жараёнининг кетма-кетлиги.

Тугунсиз ип улаш мосламалари (Сплайсерлар) ипларни "Тозалаш самарадорлиги" ва "Тугун омили" кўрсатгичлари билан ҳам баҳоланади. Autoconer типидаги қайта ўраш автоматлари тўла тугунсиз улаш мосламалари билан жиҳозланган бўлиб, уларда "Улаш омили" ўрнида "Тугун омили" билан баҳоланади. "Тозалаш самарадорлиги"ни юқорилиги, "Тугун омили" ни камлиги (1 га яқинлиги) тугунсиз улаш мосламасини ишилашини баҳолайди.

$$Tozalash samaradorligi = \frac{Tozalangan nuqsonlar soni}{Ipdagi umumiy nuqsonlar soni} \times 100$$

$$Tugun omili = \frac{Tozalanadigan iplarni umumiy soni}{Tozalangan iplar soni}$$

Қайта ўраш жараёнининг технологик омиллари

Қайта ўраш жараёнининг технологик омиллари толанинг навига ва ипларнинг чизиқли зичлигига боғлиқ. Технологик омиллар иплар узилишини минимал бўлишини ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифатини юқори бўлишини тъминламоги керак. Қайта ўраш жараёнининг асосий технологик омиллари қуидагилардан иборат.

1. Ипларнинг тараанглиги. (Ипларнинг узиш кучининг 3–7%и миқдорига тенг).
2. Назорат-тозалаш паластиналари оралиғи.

3. Қайта ўраш тезлиги.
4. Ўраманинг зичлиги.
5. Баллонсундиргич баландлиги.
6. Тарангловчи мосламадаги юк шайбасининг оғирлиги.
7. Ҳарорат ва намлик режими.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. David Y. Spenser. Comprahansive handbook of knitting technology. 2001.
2. Ryszard M. Kozlowski "Handbook of natural fibres" Volume 2: Processing and applications. Woodhead Publishing Series in Textiles: Number 119. © Woodhead Publishing Limited, 2012
3. M.Muqimov. Trikotaj texnologiyasi T:2012

2-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ

"Бенингер" тандалаш машинасининг компьютерли бошқарув -назорат тизимини ўрганиш

Ишдан мақсад: *Бенингер тандалаши машинасида ипларни пилталаб тандалаши жараёнинининг компьютерли бошқарув -назорат тизимини ўрганиши.*

Керакли ускуна

ва жиҳозлар: *Бенингер тандалаши машинаси, тандалаши роми, калькулятор.*

Ишни бажариш учун намуна

1. Бенингер тандалаш машинасининг компьютерли бошқарув -назорат тизими билан танишиш.
2. Пилталашиб тандалаш технологик омилларини Бенингер машинасининг компьютерига киритиш.
3. Электрон тарангловчи мослама ёрдамида ип таранглигини таъминлаш учун компьютерли бошқарув тизимини ўрганиш.
4. Тўқув ғалтагига қайта ўраш жараёнини компьютерли бошқариш тизимини ўрганиш.
5. Маълумотларни машина хотирасига сақлаш ва хотирадан чақариш амалларини ўрганиш.
6. Машина тезлигини ўзгартириш системасини ўрганиш.

Услубий кўрсатма

Тандалаш ромларида тарангликни масофадан бошқариш, тандалаш технологик омилларини машина компьютерига киритиш, тўқув ғалтагига

қайта ўраш жараёнини компьютерли бошқариш тизимини ва маълумотларни машина хотирасига сақлаш ва хотирадан чақариш амалларини ўрганишда ҳар бир талаба ўқитувчи томонидан берилган тўқима артикули маълумотлари бўйича ишлайди.

Ўрганиш борасида, машина ва жараёнларининг бир-биридан нима билан фарқланиши такқослаб чиқилади. Қуйидаги технологик омилларни:

- барабанга ўраш;
- суппорт столини силжитиши;
- тўқув ғалтагига ўраш;
- ип узилса хотирага олиш ва қайта ўрашда сигнал бериш;
- пилталар сони, ўралаётган ип узунлиги, умумий иплар сои каби қўрсатгичларни доимий назорат этиб борилишини ўрганибтахлили этилади.

Технологик омилларни машинага компьютерига киритиш, уларни доимийлигини таъминлаш, ўзгартириш, ростлаш каби амалларни ўрганиш талаб этилади.

Умумий маълумотлар

Пилталаб тандалаш усулида белгиланган пилталар сони навбати билан тандалаш барабанига ўралади. Ўралган ип узунлиги тўқув ғалтагидаги ип узунлигига teng бўлиши керак. Сўнгра барча пилталар бир вақтни ўзида тандалаш барабанидан тўқув ғалтагига қайта ўралади.

Қуйидаги ҳолларда пилталаб тандалаш усули қўлланилади:

1. Ипак ва шойи матолар тўқишида (танда иплари сони қўп).
2. Жун матолар тўқишида, кичик гурухли танда ғалтакларини қайта ишлашда.
3. Кўпрангли ва мураккаб рапортли танда иларини тайёрлашда.

Пилталаб тандалаш иккита жараёндан иборат бўлади. Биринчиси пилталар кетма-кет тандалаш барабанига ўраш бўлса, иккинчиси эса - барабандан пилталарни жамлаб тўқув ғалтагига қайта ўрашдир.

Биринчи ўралаётган пилта барабан четидан тушиб кетмаслиги учун барабанни бир томони конуссимон қилиб ишланади.


2.1-расмда "Бенингер"пилталаб тандалаш машинасига ип тахтлаш технологик схемаси келтирилган.

Ип 5 тандалаш ромига 2 ўрнатилган бобинадан 4чувалиб чиқиб, ип назоратчиси 7, жамлаш мосламаси 8, нах тифидан 9 ўтиб, тандалаш барабанига 13 ўралади. Керакли узунликдаги ип тандалаш барабанига

ўралгандан сўнг, машина тўхтатилиб, барабанга ўралган барча пилталар жамланиб, тўқув ғалтагига 15 ўралади (2.1-расм).

Тандалаш тезлиги тандалаш туридан келиб чиқиб, ипларнинг физик-механик хусусиятларига ва сифатига, тандалаш усулига, тандалаш ромига ўрнатилган бобиналарни мувофиқ сонига боғлиқ бўлади. "Бенингер" тандалаш машинасининг тезлиги 0-800 м/мин.гача бўлиб, унда тандалаш тезлигини мувофиқлигини тандалаш жараёни давомида автоматик равишда бир хил ушлаб туриш ва машина ишлаб турган вақтда ўзгартириш имкониятига эга. Турли хил ипларни тандалаш учун белгиланган тезлик "Бенингер" тандалаш машинаси хотиралар базасида берилган бўлиб, янги иплар учун маълумотномалардан ёки тажрибалар орқали аниқланиб, машина компьтерига киритилади.

Танда ғалтагидан тўқув ғалтагига ипларни қайта ўраш тезлиги ипларнинг чизиқли зичлигига, турига ва сифатига, умумий танда ипларининг сонига ҳамда 1 дмдаги ипларни зичлигига боғлиқ.




2.1-расм. "Бенингер" тандалаш машинаси танда ипини тахтлаш схемаси:

1-пилталаб тандалаш жараёнининг умумий қўриниши, 2-тандалаш ромини қўриниши, 3- тандалаш машинасини қўриниши, 4- бобина, 5- танда ипи, 6-тарангловчи мослама, 7- ип назоратчиси, 8- жамлаш мосламаси, 9-нах тифи, 10- пилта, 11- жамланган танда ипи, 12- йўналтирувчи валик, 13- тандалаш барабани, 14- умумий танда иплари, 15- тўқув ғалтаги, 16- бошқарув

курилмаси, 17 - автоматик бошқарув тизими 18 - экран, 19- компьютер, 20 - киритиш курилмаси, 21 - узатиш симлари, 22-ишли, 23-ажратиш чивиклари.

Тўқув ғалтагига ипларни қайта ўраш жараёнининг амалга ошириш ва технологик омиллари тўлиқ компьютер ёрдамида бошқарилади (2.2 расм.).




2.2-расм. "Бенингер" тандалаш машинасида танда ғалтагидан тўқув ғалтагига ипларни қайта ўраш схемаси:


1-тандалаш ғалтаги; 2, 4- электродвигателлар; 3-тўқув ғалтаги.

Танда ғалтагидан тўқув ғалтагига ипларни қайта ўраш тезлиги тандалаш тезлигидан (ипларни барабангага ўраш тезлиги) 5–10 марта кичик бўлиб, "Бенингер" тандалаш машинасида у 0–200 м/мин ни ташкил этади.

Масалан, вискоза танда иларини танда ғалтагидан тўқув ғалтагига ипларни қайта ўраш тезлиги 60 м/мин бўлса, тандалаш тезлиги эса 400 м/мин гача бўлади.



Тарангловчи мосламасига
ип тахтлаш схемаси




Тарангловчи мосламанинг умумий
кўриниши

2.3-расм. "Бенингер" тандалаш машинасининг электрон тарангловчи
мосламаси.

"Бенингер" тандалаш машинасида барча техник ва технологик омиллар компьютер орқали назорат қилинади. Машинанинг бошқарув панели –

сенсорли экран, түқув ғалтагига қайта ўраш жараёнини бошқариш ва тандалаш ромини бошқариш пультларидан иборат (2.4-расм). Машинанинг носозлиги ҳақидаги хабарлар мунтазам назорат панелида хабардор қилиниб турилади.



2.4-расм. "Бенингер" пилталаб тандалаш машинасининг бошқарув панели:
а) – сенсорли экран; б) – түқув ғалтагига қайта ўраш жараёнини бошқариш пульти в) – носозлик назорат панели.

Тандалаш барабанига ипларни ўраш жараёнини берилган технологик омилларини киритиш учун "Тандалаш омилларини киритиш панели" (2.5 а-расм) ва "Түқув ғалтакига қайта ўраш омилларини киритиш панели" (2.5 б-расм) орқали амалга оширилади.

Тандалаш барабанига танда ипларни ўраш учун қуйидаги кўрсатгичлар "Тандалаш омилларини киритиш панели" га киритилади:

- 1) умумий танда иларининг сони;
- 2) түқув ғалтакига ўраш узунлиги, м;
- 3) түқув ғалтаги гардишлари оралиғи, мм;
- 4) ипнинг чизиқли зичлиги, текс;
- 5) тандалаш тезлиги, м/мин;
- 6) тандалаш ромини сиғими;
- 7) барабанга ўраш зичлиги, g/sm^3 (ипг турига қараб, машина маълумотлар базасидан танлаб олинади).
- 8) тандалаш жараёнидаги ип таранглиги, сН.



а)

б)

2.5-расм. Технологик омилларни киритиш панели.

Муқобил бобиналар сони, пилта эни, суппорт столининг силжиши (бу ерда барабанни силжиши), ип чизиқли зичлигининг бошқа системага ўзгартериш каби технологик омиллар автоматик равища машинани компьютерли бошқарув тизими орқали хисобланиб, ижро механизмларига узатилади.

Тўкув ғалтагига қайта ўраш учун қуйидаги кўрсатгичлар "Тўкув ғалтагига қайта ўраш омилларини киритиш панели" га (2.5 б-расм) киритилади:

- 1) тўкув ғалтагига қайта ўраш тезлиги, м/мин;
- 2) тўкув ғалтагини ўзак диаметри, мм;
- 3) тўкув ғалтагига қайта ўрашда иплар таранглиги, сN.
- 4) тўкув ғалтагига қайта ўрашда жараёнида тўкув ғалтагининг илгариланма-қайтма ҳаракатланиш микдори, мм.

Барча технологик омилларни машинанинг хотира базасида сақлаш мумкин.

Тандалаш жараёнини такомиллаштириш электрон мосламалар ва хисоблаш техникасидан кенгроқ фойдаланиш билан боғлиқ (2.6-расм). Микро ЭХМ ва автоматик воситалар билан жихозланган тандалаш машиналарини яратиш жараённинг омилларини қаттиқ назорат қилиш, уни муқобил даражада олиб бориш ва юқори техник-иктисодий кўрсаткичларга эришиш имкониятини беради. Мехнат сарфи бўйича тандалаш юқори ўринларни эгалламайди, (мехнат сарфи бор йўғи 3% ташкил этади) лекин кейинги технологик жараёнларга таъсири бўйича тандалаш жуда муҳим ахамиятга эга, айниқса мокисиз дастгохлар учун.



2.6-расм. Замонавий автоматлаштирилган тандалаш машинаси

Фойдаланилган адабиётлар:

1. David Y. Spenser. Comprahansive handbook of knitting technology. 2001.
2. Ryszard M. Kozlowski "Handbook of natural fibres" Volume 2: Processing and applications. Woodhead Publishing Series in Textiles: Number 119. © Woodhead Publishing Limited, 2012
3. М.Muqimov. Trikotaj texnologiyasi T:2012

3-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ

“TAYOTA” тўқув дастгохи ва уни компьютерли бошқариш тизимлари

Ишдан мақсад: *Тойота тўқув дастгоҳида тўқима ишилаб чиқарии жараёнининг компьютерли бошқарув -назорат тизимини ўрганиши.*

Керакли ускуна

ва жихозлар: *Тойота тўқув дастгохи, компьютерли бошқарув -назорат тизими бўйича маълумотлар (проспектлар, видео материаллар ва х.к.з).*

Ишни бажариш учун намуна

1. Тойота тўқув дастгохининг компьютерли бошқарув -назорат тизимини ўрганиш.
2. Тойота тўқув дастгоҳида технологик омилларни бошқарув -назорат компьютерига киритиш.
3. Тойота тўқув дастгохининг E-shed хомузга ҳосил қилиш механизмининг компьютерли бошқарув -назорат тизимини ўрганиш.
4. Тойота тўқув дастгоҳида арқоқ ипини ташлаш тезликларини

ўзгартеришда қўлланилаётган инновацион технологиялар.


5. Тойота тўкув дастгоҳида тўқима зичлигини ўзгартеришда компьютерли бошқарув -назорат тизимини ўрганиш.
6. Тойота тўкув дастгоҳида танда ипларини таранглигини таъминлашда компьютерли бошқарув -назорат тизимини ўрганиш.
7. Тойота тўкув дастгоҳида кўп рангли арқоқ иплари билан таъминлашда компьютерли бошқарув - назорат тизимини ўрганиш.
8. Тойота тўкув дастгоҳида арқоқ ипини ташлашда ҳаво босимини таъминлашда компьютерли бошқарув -назорат тизимини ўрганиш.
9. Тўқима ассортименти ўзгариши билан технологик омилларини компьютерига киритиш.

Услубий қўрсатмалар

Талабалар Тойота тўкув дастгохининг компьютерли бошқарув -назорат тизимини тўкув лабораториясига ўрнатилган Тойота JAT-810 ҳаволи тўкув дастгоҳи ёрдамида ўрганадилар.

Хомуза ҳосил қилиш механизмини, тўкув дастгоҳида арқоқ ипини ташлаш тезликларини ўзгартеришда, тўқима зичлигини ўзгартеришда, танда ипларини таранглигини таъминлашда ва кўп рангли арқоқ иплари билан таъминлашда дастгохнинг компьютерли бошқарув - назорат тизими мониторидаги қўрсатгичларни ёзиб тахлил этадилар.

Умумий маълумотлар



3.1-расм. Тойота тўкув дастгохининг компьютерли бошқарув -назорат тизими

Тойота тўқув дастгохининг электрон хомузаси ҳосил қилувчи механизми (XXKM)

Айланма харакатли шода кўтариш кареткалари қуидаги Зта асосий механизмлардан ташкил топган.

1. Кўтариш механизми (Кулачокли қурилма).
2. Харакатлантирувчи механизм (Модулятор).
3. Бошқариш механизми.

3.2-расмда Тойота тўқув дастгохига ўрнатилган Е-ХХКМ келтирилган.

Тавсифи:


- қўлланиши- мокисиз тўқув дастгохларида.
- тезлиги юқори.
- бошқа кареткаларга нисбатан қиммат.
- ҳар бир шодани кўтариб-тушириш учун индивидуал сервомотор ўрнатилган.
- шодаларни харакат йўли, ўрта холат вақти ва микдори микропроцессор орқали бошқарилади.
- перфокартасиз.



3.2-расм. Тойота тўқув дастгохига ўрнатилган Е-ХХКМ

Пневматик арқоқ ташлаш

3.3-расмда кўп пуркагичли эстафетали пуркагичлар ўрнатилган пневматик арқоқ ташлаш кўрсатилган. Кўп пуркагичли дастгоҳларда ҳаво оқимини йўналтирувчи конфузорлар ўрнига маҳсус шаклли тиф тишлари ва қўшимча пуркагичлар ўрнатилади. Дастгоҳдаги бошқарув маркази орқали асосий ва қўшимча пуркагичларга мос равишда керакли ҳаво босими билан таъминлаш бошқариб турилади.



3.3-расм. Кўп пуркагичли пневматик арқоқ ташлаш принципи

Пневматик арқоқ ташлаш усулида ҳаво босими энг асосий қўрсатгич бўлиб, унинг микдори қатор технологик омилларга (тўқима эни, ипнинг чизиқли зичлиги, танда ипларини сони, дастгоҳ тезлиги, ип тарнглиги ва х.к.з.) боғлик бўлади. Арқоқ ташлаш тезлиги ҳаво босимига бевосита боғлик бўлиб, ҳаво босимини ортиши арқоқ ташлаш тезлигини ортишига олиб келади.



3.4-расм. Тойота тўкув дастгохининг технологик омилларни бошқарув - назорат монитори

Фойдаланилган адабиётлар:

1. David Y. Spenser. Comprahansive handbook of knitting technology. 2001.
2. Ryszard M. Kozlowski “Handbook of natural fibres” Volume 2: Processing and applications. Woodhead Publishing Series in Textiles: Number 119. © Woodhead Publishing Limited, 2012
3. M.Muqimov. Trikotaj texnologiyasi T:2012

4-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ

Сомет тўқув дастгохларида қўлланилаётган инновацион технологиялар

Ишдан мақсад: Сомет тўқув дастгохида тўқима ишилаб чиқарии жараёнининг компьютерли бошқарув -назорат тизимини ўрганиши.

Керакли ускуна

ва жиҳозлар: Сомет тўқув дастгохи, компьютерли бошқарув -назорат тизими бўйича маълумотлар (проспектлар, видео материаллар ва х.к.з).

Ишни бажариш учун намуна

1. Сомет тўқув дастгохининг компьютерли бошқарув -назорат тизимини ўрганиш.
2. Сомет тўқув дастгохида технологик омилларни бошқарув -назорат компьютерига киритиш.
3. Сомет тўқув дастгохининг хомуза ҳосил қилиш механизмининг компьютерли бошқарув -назорат тизимини ўрганиш.
4. Сомет тўқув дастгохида арқоқ ипини ташлаш тезликларини ўзгартиришда қўлланилаётган инновацион технологиялар.
5. Сомет тўқув дастгохида тўқима зичлигини ўзгартиришда компьютерли бошқарув -назорат тизимини ўрганиш.
6. Сомет тўқув дастгохида танда ипларини таранглигини таъминлашда компьютерли бошқарув -назорат тизимини ўрганиш.
7. Сомет тўқув дастгохида кўп рангли арқоқ иплари билан таъминлашда компьютерли бошқарув - назорат тизимини ўрганиш.
8. Тўқима ассортименти ўзгариши билан технологик омилларини компьютерига киритиш.


Услубий кўрсатмалар

Талабалар Сомет тўқув дастгохининг компьютерли бошқарув -назорат тизимини тўқув лабораториясига ўрнатилган Сомет эгилувчан рапирави тўқув дастгохи ёрдамида ўрганадилар.

Хомуза ҳосил қилиш механизмини, тўқув дастгохида арқоқ ипини ташлаш тезликларини ўзгартиришда, тўқима зичлигини ўзгартиришда, танда ипларини таранглигини таъминлашда ва кўп рангли арқоқ иплари билан таъминлашда дастгохининг компьютерли бошқарув-назорат тизими мониторидаги кўрсатгичларни ёзиб тахлил этадилар.

Умумий маълумотлар

Somet Thema Super Excel дастгоҳнинг (6.1-расм) универсаллиги 500–5 тексгача бўлган пахта толали, 600–10 тексгача бўлган жун толали, 10–165 тексгача бўлган синтетик ипларни ҳамда аралашмали иплардан тўқима ишлаб чиқариш имконини яратади.



4.1-расм. “Somet” (Италия) фирмаси Somet-Thema Super Excel маркали эгулувчан рапирали дастгоҳи

Дастгоҳда оғирлиги 40-950 г/м бўлган қуидаги тўқималарни ишлаб чиқариш мумкин: кийимбоп жунли тўқималап, енгил ва зичлиги юқори ип газламалар, зигир, синтетик ва аралаш ипли тўқималар.

Тўқиманинг арқоқ бўйича зичлиги 4–200 ип/см атрофида (0,2 қадам билан), танда бўйича зичлиги чексиз.

Дастгоҳнинг кенг ассортимент имкониятлари қуидагилар билан таъминланади:

- оригинал кинематика ва динамикали тиф юритмаси; арқоқ ипини ташлаш механизмининг конструкцияси;
- ишчи эни қамровини катталиги (190-480 см);
- арқоқ ипини рангини эркин раппортида ажратувчи селектор ва 12 шодали ҳомузга ҳосил қилиш механизмининг ўрнатилиши;
- 20 шодали позитив электрон ШКК;
- электрон ёки механик бошқарувчи жаккард машинаси.

Максимал тезликда (400–1200м.арқ.мин) дастгоҳ ишининг юқори ишончилигини намоён этади ва энг яхши дастгоҳлар қаторига киритилган.

Дастгоҳнинг ишининг ишончлиги тезлик ошиши билан қўйидагилар билан таъминланади.


- Детал ва механизмларини юқори аниқликда тайёрланганлиги;
- Энг янги технологиялар ва композицион материалларнинг қўлланиши;
- 4 бўғинли рапира юритмасини қўлланиши ва кулачок ва контрукулачоклардан ҳаракат оловчи енгиллаштирилган батан механизми;
- дастгоҳ юритмаси ва тормози асосий механизмларини муккамал кинематика ва динамикаси;
- қисқичлар ўлачами ва конфигурациясини оптималлиги;
- ранг ажратиш селекторида арқоқ иплари орасидаги масофанинг катталаштирилганлиги, дастгоҳнинг чўян асослардан иборатлиги.

Юқори сифатли тўқимани ишлаб чиқариш қўйидагилар билан таъминланади:


- қуввати 5,5 кВт бўлган ўзгарувчан токли двигателнинг юритмасини электро мехеник муфта ва дастгоҳни 0,1 секда тўхтатувчи ва тезлигини оширишни таъминловчи дастгоҳ тормозининг қўлланиши;
- танда узатувчи реверсив турдаги электрон ростлагичнинг қўлланиши, бу ростлагич танда ипининг таранглигини бир ҳилда ушлаб туради;
- йўқолган арқоқ или ўрнини ҳомузада топиш механизми;
- электрон тўқима ростлагичи;
- соҳта милк ҳосил қилувчи механизми;
- оптимал консирукцияли арқоқ жипслаш механизм;
- ҳомузанинг такомиллашган шакли ва скала ҳолатини ростлашнинг қатта имкониятларининг мавжудлиги;

Замонавий тўкув дастгоҳлари микропроцессор ёки МДН (Мантиқий дастурланган назорат) (PLC–Programmable Logic Controller) билан жиҳозланиб, барча технологик омиллар ва ҳаракат узатиш тизимлари узлуксиз назорат қилиниб борилади.

Турли хил электрон курилмалар ва датчиклар маҳсулот ишлаб чиқаришнинг реал вақти ва сифатини таъминлашга хизмат қиласди. Барча муқобил технологик омиллар дастгоҳ хотира картасига ёзилиб, йиғилади ва бошқа дастгоҳларга тўғридан-тўғри узатилади ва хотирада сақланади (6.2–6.6-расмлар).



4.2-расм. Somet-Thema Super Excel маркали эгулувчан рапириали тўқув дастгоҳини бошқариш панели ва хотирага олиш




4.3-расм. Somet-Thema Super Excel рапириали тўқув дастгоҳида ип таранглигини бошқарув-назорат ойнаси


Дастгоҳ ишлаётганида ва қайта тахтланганида қисқа муддатга тўхтаб туриш қуидагилар билан таъминланади:

- механизмлар параметрларининг юқори барқарорлиги;
- дастгоҳ тузатилиш ва уни оптималлаштириш параметрларини назорат қилувчи электрон тизими;
- тўқима энининг осон ростлаш;
- берилган ўрилишили тўқиманинг ишлаб чиқариш ва арқоқ рангларини танлаб берувчи процессорда яхлитловчи электрон тизими;

- тўқима ўрамига қараб микропроцессорлар томонидан назорат қилувчи арқоқ или узилган ҳомузани автоматик топиш қурилмаси;
- тўқима рулони диаметри 600 ммгача ишлаб чиқариш ва уни машина ишлаб турганда ечиб олиш;
- рулонни жойловчи ромларини қўллаш имконияти;
- юқори такомиллашган, иплар узуқларни бартараф этиш вақтини камайтирувчи танда кузатиш қурилмаси;
- дастгоҳнинг ишчи тезлиги, ишлаб чиқариладиган тўқима узуқлар ва танда кўрсаткичлари ҳақида маълумотлар берувчи микропроцессорлар ёрдамида электрон бошқариш ва марказини қўлланиши.



4.4-расм. Тўқима зичлигини ростлаш бошқарув-назорат ойнаси



4.5-расм. Somet-Thema Super Excel рапириали тўкув дастгоҳининг асосий бошқарув-назорат ойнаси

ETD PROGRAMMING

Required fixed picks/cm	10.0
Required/present picks/cm	10.0
Weft dens. source (A:C) (MANUAL)	A
Min. weav. dens. at curr. speed	*****
Maximum weaving density	200.00
Maximum traction ETD (Kg)	2000

LET-

LET-OFF WIND

MACHINE PARAMETERS UTILIZATION

A = Settings

B = Initializat.

C = Weft detect.

D = Pattern tol.

E = Beam chan.prog.


F = Programmed mnt.

G = E.F.T.U.

H = INVERTER

I = Selv.binding

J = Keyboard config.



DOBBY PATTERN PROGRAMMING

A = Directory	F = Delete
B = New	G = Execute
C = Mod.dob.p.ex.	H = Pocket STAUBLI
D = Modify dob.p.	I = Immed. functions
E = Copy	J = Auxil. functions

4.6-расм. Somet-Thema Super Excel рапирави түқув дастгоҳида ип бошқарув-назорат ойналари

Фойдаланилган адабиётлар:

1. David Y. Spenser. Comprahansive handbook of knitting technology. 2001.
2. Ryszard M. Kozlowski “Handbook of natural fibres” Volume 2: Processing and applications. Woodhead Publishing Series in Textiles: Number 119. © Woodhead Publishing Limited, 2012
3. M.Muqimov. Trikotaj texnologiyasi T:2012

5-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ

Пиканоль тўқув дастгохларида қўлланилаётган инновацион технологиялар

Ишдан мақсад: Пиканоль тўқув дастгохида тўқима ишилаб чиқариши жараёнининг компьютерли бошқарув -назорат тизимини ўрганиши.

Керакли ускуна

ва жиҳозлар: Пиканоль тўқув дастгохи (ООО "АРИТЕКС" корхонада), кийкомпьютерли бошқарув -назорат тизими бўйича маълумотлар (проспектлар, видео материаллар ва х.к.з).

Масаланинг қўйилиши

1. Пиканоль тўқув дастгохининг компьютерли бошқарув -назорат тизимини ўрганиш.
2. Пиканоль тўқув дастгохида технологик омилларни бошқарув -назорат компьютерига киритиш.
3. Пиканоль тўқув дастгохининг хомуза ҳосил қилиш механизмининг компьютерли бошқарув -назорат тизимини ўрганиш.
4. Пиканоль тўқув дастгохида арқоқ ипини ташлаш тезликларини ўзгартиришда қўлланилаётган инновацион технологиялар.
5. Пиканоль тўқув дастгохида тўқима зичлигини ўзгартиришда компьютерли бошқарув -назорат тизимини ўрганиш.
6. Пиканоль тўқув дастгохида танда ипларини таранглигини таъминлашда компьютерли бошқарув -назорат тизимини ўрганиш.
7. Пиканоль тўқув дастгохида кўп рангли арқоқ иплари билан таъминлашда компьютерли бошқарув - назорат тизимини ўрганиш.
8. Тўқима ассортименти ўзгариши билан технологик омилларини компьютерига киритиш.

Ишни бажариш учун намуна

Талабалар Пиканоль тўқув дастгохининг компьютерли бошқарув - назорат тизимини тўқув лабораториясига ўрнатилган Пиканоль эгилувчан рапирави тўқув дастгохи ёрдамида ўрганадилар.

Хомуза ҳосил қилиш механизмини, тўқув дастгохида арқоқ ипини ташлаш тезликларини ўзгартиришда, тўқима зичлигини ўзгартиришда, танда ипларини таранглигини таъминлашда ва кўп рангли арқоқ иплари билан таъминлашда дастгохнинг компьютерли бошқарув - назорат тизими мониторидаги кўрсатгичларни ёзиб тахлил этадилар.

ПИКАНОЛЬ тўқув дастгохининг компьютерли бошқариш тизимларини таҳлили

Компьютерлаштириш – илмий техник ривожланишнинг асосий ва мухим речакларидан биридир. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барча этапларида ЭХМ нинг қўлланилиши юқори самарадорлик беради.

АЛТни аҳамиятли афзаликларидан бири информацион дастурий таминонти ҳар хил ташувчиларга (диск флешка, касета, лента, карта ва х/к) жойлаштириб қўплаб турли корхоналардаги янги маҳсулотни ишлаб чиқаришда фойдаланиш имкониятини беради, яъни тайёр дастур ва лойиҳадан кенг фойдаланиш имконияти яратилади. Бу эса лойҳалаш жараёни турларини қўпайтиради технологик хужжатларни қўплаб чоп этшга ва маҳсулот рентабиллигини оширишга олиб келади бундан ташқари ишлаб чиқариш сонини камайишига, энергия ва материал сарфини камайишига, шунингдек транспорт ҳаражатларини қисқаришига олиб келади ва натижада маҳсулот таннархи камаяди.



5.1-расм. Электрон ШККли Пикаполь GamMax (Бельгия) русумидаги рапирави

тўқув дастгохи.

Пикаполь дастгоҳи чет элларда кенг қўлланиладиган эгулувчан рапирави мокисиз дастгоҳлар қаторига киради.

Бу дастгоҳнинг юқори сифати қуйидаги омиллар билан таъминланади:

- Юқори универсаллиги, яъни турли хил тўқималар ишлаб чиқариш имкониятларини кенглиги 5.2-расм;



5.2-расм. Киритиш панелинин күриниши.

- Юқори тезликда ишончли ишлаши;
 - Ишлаб чиқарган тўқиманинг сифатини юқорилиги;
 - Дастгоҳ тўхташлар сонини камлиги ва бартараф этишдаги кам меҳнат сарфи;
- Энди буларни алоҳида кўриб чиқамиз:


“Пиканоль” GamMax дастгохнинг универсаллиги 500–5 тексгача бўлган пахта толали, 600–10 тексгача бўлган жун толали, 10–165 тексгача бўлган синтетик ипларни ҳамда аралашмали иплардан тўқима ишлаб чиқариш имконини яратади 5.3-расм.



5.3-расм. Таранглик ўзгаришини ўртacha қийматини кўриниши.

Дастгоҳда оғирлиги 40-950 г/м бўлган қуидаги тўқималарни ишлаб чиқариш мумкин: кийимбоп жунли тўқималап, енгил ва зичлиги юқори ип газламалар, зигир, синтетик ва аралаш ипли тўқималар.

Тўқиманинг арқоқ бўйича зичлиги 4–200 ип/см атрофида (0,2 қадам билан), танда бўйича зичлиги чексиз 5.4-расм.



5.4-расм. Арқоқ ипи зичлигини назорат панели.

Дастгоҳнинг кенг ассортимент имкониятлари қуидагилар билан таъминланади:

-оригинал кинематика ва динамикали тиф юритмаси; арқоқ ипини ташлаш механизмининг конструкцияси; ишчи эни қамровини катталиги (190-480 см); арқоқ ипини рангини эркин раппортида ажратувчи селектор ва 12 шодали ҳомуза ҳосил қилиш механизмининг ўрнатилиши; 20 шодали позитив электрон ШКК; электрон ёки механик бошқарувчи жаккард машинаси.

Максимал тезликда (400–1200м.арқ.мин) дастгоҳ ишининг юқори ишончилигини намоён этади ва энг яхши дастгоҳлар қаторига киритилган 5.5-расм.





5.5-расм. Маълумотларни хотирага жойлаштириш.

Дастгоҳнинг ишининг ишончлиги тезлик ошиши билан қўйидагилар билан таъминланади.

- Детал ва механизмларини юқори аниқликда тайёрланганлиги;
- Энг янги технологиялар ва композицион материалларнинг қўлланиши;
- 4 бўғинли рапира юритмасини қўлланиши ва кулачок ва контролкулачоклардан ҳаракат оловчи енгиллаштирилган батан механизми;
- дастгоҳ юритмаси ва тормози асосий механизмларини муккамал кинематика ва динамикаси;
- қисқичлар ўлачами ва конфигурациясини оптималлиги;
- ранг ажратиш селекторида арқоқ иплари орасидаги масофанинг катталаштирилганлиги, дастгоҳнинг чўян асослардан иборатлиги 5.6-расм.

Юқори сифатли тўқимани ишлаб чиқариш қўйидагилар билан таъминланади:

- қуввати 5,5 кВт бўлган ўзгарувчан токли двигателнинг юритмасини электро мехеник муфта ва дастгоҳни 0,1 секда тўхтатувчи ва тезлигини оширишни таъминловчи дастгоҳ тормозининг қўлланиши;
- танда узатувчи реверсив турдаги электрон ростлагичнинг қўлланиши, бу ростлагич танда ипининг таранглигини бир ҳилда ушлаб туради;
- йўқолган арқоқ или ўрнини ҳомузада топиш механизми;
- электрон тўқима ростлагичи;



5.6-расм. Умумий назорат панели

- сохта милк ҳосил қилувчи механизми;
- оптимал конструкцияли арқоқ жипслаш механизмни;
- ҳомузанинг такомиллашган шакли ва скала ҳолатини ростлашнинг қатта имкониятларининг мавжудлиги;

Дастгох табиий ва синтетик иплардан кийимбоп, мебалбоп, одеял ва техник тўқималар ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлиб, у "Штоибли" фирмасининг пастки ротацион кареткаси билан таъминланган.

6-Амалий машғулот. Икки қаватли кўндалангига тўқилган трикотаж тўқималарининг тузилиши ва хусусиятлари.

Ишдан мақсад: икки қаватли кўндалангига тўқилган трикотаж тўқималарининг тузилиши ва хусусиятларини ўрганиш

Масаланинг қўйилиши:

Кўндалангига тўқилган ластик тўқимасининг тузилиши ва хусусиятлари, тескари трикотаж тўқимаси тузилиши, хусусиятлари ва уларни лойиҳалаш, кўндалангига тўқилган интерлок тўқимасининг тузилиши, хусусиятлари ва лойиҳалаш, интерлок машиналарида интерлок матосини ишлаб чиқариш

Ишни бажариш учун намуна

Икки қаватли кўндалангига тўқилган трикотаж бир ёки бир неча иплардан тўқилган бўлиб, бунда ҳар бир ип битта ҳалқа қаторида, ҳам трикотажнинг олд томонида, ҳам унинг орқа томонида барча ҳалқаларни ёки бўлмаса, бир неча ҳалқаларни (иккитадан кўп ҳалқаларни) кетма-кет ҳосил қиласди.

Икки қаватли кўндалангига тўқилган трикотаж ўз навбатида икки гурухга бўлинади:

1. Олд томонли трикотаж, бу трикотаж тўқимасининг иккала томони олд ва орқа ҳалқалар устунчалари аралашмаларидан иборат бўлади.

2. Орқа томонли трикотаж, бу трикотаж тўқимасининг иккала томони олд ва орқа ҳалқалар қатори аралашмасидан ҳосил бўлади.

Олд ва орқа томон ҳалқаларининг турли аралашмаларидан турлича трикотаж тўқималари ҳосил қилиш мумкин.

Икки қаватли кўндалангига тўқилган трикотаж тўқимаси бир қаватли трикотаж тўқималарига ўхшашиб бош ва ҳосилали тўқималарга бўлинади. Икки қаватли кўндалангига тўқилган бош тўқималар қаторига қуйидагилар киради:

1. Ластик тўқимаси; 2. Тескари тўқима.

Икки қаватли ҳосилали тўқималар қаторига қуйидагилар киради:


Ҳосилали ластик - икки ёки ундан кўп ластик тўқималари аралашмасидан ҳосил бўлган тўқима.

Ҳосилали тескари тўқима - икки ёки ундан ортиқ тескари тўқималар аралашмасидан ҳосил бўлган тўқима.


Кўндалангига тўқилган ластик тўқимасининг тузилиши ва хусусиятлари

Ластик деб, иккала томонида олд ва орқа ҳалқа устунчалари алмашиниб келган кўндалангига тўқилган икки юзли тўқимага айтилади (3.1-расм)²⁰.


²⁰ David Y. Spenser. Comprehansive handbook of knitting technology.




5.1-расм. Ластик тўқимасининг тузилиши



5.2-расм. Энига чўзилган ластик тўқимасининг кўндаланг кесими



а) ластик 5+3



б) ластик 3+4

3.3-расм. Олд ва орқа ҳалқаларнинг турли аралашмасидан ҳосил бўлган ластик тўқимасининг буралиш схемаси

Битта олд ва битта орқа ҳалқа устунчалари бир-бири билан алмашиниб келган ластик тўқимасининг раппорти 2 га teng бўлиб, у ластик 1+1 қилиб ёзилади. Агар иккита олд ва иккита орқа ҳалқа устунчалари бир-бири билан алмашланиб келса, у ҳолда ластик тўқимасининг раппорти 4 га teng бўлиб, у ластик 2+2 қилиб ёзилади.

Биринчи рақам ластикнинг олд томонидаги ҳалқа устунчалари сонини, иккинчи рақам эса орқа ҳалқалар устунчалари сонини кўрсатади.

Трикотажнинг эластиклиги. Трикотажнинг еластиклиги дейилганда, эластик деформация миқдори тушунилади. Бу хусусият фойдали хусусиятлар қаторига киради. Агар ластик тўқимасини энига таранг қилиб чўзилса, кейин уни қўйиб юборилса, у ҳолда ластик ўзининг бошланғич ҳолига қайтади. Бунинг сабабини аниқлаш учун энига чўзилган ластикнинг кўндаланг кесимини кўриб чиқамиз (5.2-расм). Ипнинг 1-2 қисми ва шунингдек 6-7, 7-8 ва 12-13 қисмлари ластик чўзилганда эгиладилар ва уни чўзишиш кучларидан бўшатилганда, тўғриланишга ҳаракат қиласди. Бунда ипнинг 6-7-8 қисми 7 ўқ

атрофида соат стрелкаси йўналишига қарши йўналишда буралиши лозим, бунинг натижасида ҳалқанинг 4 ва 10 қисмлари бир-бирига яқинлашишлари керак, кейин ҳалқанинг 10 қисми 4 қисм орқасига кириши керак. Ҳалқаларнинг бир-бирига яқинлашиши шу ҳалқадан чап ва ўнг томонда жойлашган ҳалқалар бир-бирига туташгунча давом этади. Яқинлашиш даражаси асосан иплар орасидаги ишқаланиш кучига ва ластикнинг у жойлашган юза билан ишқаланиш кучига боғлиқдир.

Буралувчанлик. Олд ва орқа ҳалқаларнинг бир хил аралашмасидан (1+1, 2+2) ҳосил бўлган ластик буралмайди, чунки бир томон ҳалқалари ластикни бир томонга буралишга интилишини, иккинчи томон ҳалқаларининг иккинчи томонга буралишга интилиши билан мувозанатлашади. Олд ва орқа ҳалқаларнинг турли аралашмасидан ҳосил бўлган ластик, ҳалқалар қатори бўйлаб, олд ҳалқа устунчалари кам бўлган томонга қараб буралади ва ҳалқа устунчалари бўйича эса, олд ҳалқа устунчалари кўп бўлган томонга қараб буралади (3.3-расм). Буни шу билан тушунтириш мумкинки, ластикнинг олд ҳалқа устунчалари кўп томонида уни буралишга мажбур қиласидиган куч ҳам кўп бўлади.

Ечишувчанлик. Ластик 1+1 фақат тўқув йўналишига тескари ечилади. Ластик 2+2 ва унинг бошқа аралашмалари гладъ каби ечилади.

Қалинлик. Трикотажнинг иссиқлик сақлаш хусусиятларига сабаб бўладиган асосий омиллардан бири, бу унинг қалинлигидир.

Трикотаж қалинлиги қўйидагиларга боғлиқ:

1. Калава ипининг чизиқли зичлигига - чизиқли зичлик қанча катта бўлса, трикотаж шунчалик қалин бўлади.

2. Ипнинг яссиланиш даражасига - ип қанчалик кўп яссиланса, трикотаж шунчалик юпқа бўлади.

3. Трикотажнинг олд ва орқа томонларининг бир-бирига тегиб туриш даражасига.

Орқа томон ҳалқаларининг олд томон ҳалқалари орқасига кириши сабабли ластик қалинлиги гладъ қалинлигидан камида икки марта катта бўлиши керак.

Ластик 1+1 қалинлиги $M=3F$ teng деб қабул қилинган. Ластик 2+2 ва бошқа аралашмалари қалинлиги $M=4F$ ёки ундан кўп бўлади.

Чўзилувчанлик. Ластик ҳам бўйига, ҳам энига чўзилиши мумкин.

Бўйига чўзилувчанлиги худди гладъ чўзилувчанлиги каби бўлади:

$$B_{\max} = \frac{L - 3Pf}{2} \quad (3.1)$$

Узунлиги бўйича нисбий чўзилувчанлиги:

$$Eu = \frac{B_{\max}}{B} \quad (3.2); \quad Eu = \frac{1 - 3Pf}{7f} \quad (3.3)$$

Эни бўйича чўзилувчанлиги:

$$A_{\max} = 2(L - 2Pf) \quad (3.4)$$

Эни бўйича нисбий чўзилувчанлиги:

$$Ee = \frac{A_{\max}}{A} \quad (3.5)$$

$$A=4\Phi \quad (3.6); \quad Ee = \frac{L-3Pf}{2F} \quad (3.7)$$

Эни ва узунлиги бўйича нисбий чўзилувчанликларни таққослаб, қуидагини аниқлаш мумкин:

$$\frac{Ee}{Eu} = 3,5 \quad (3.8)$$

Пишиқлик. Ластикнинг эни бўйича пишиқлиги бўйи бўйича пишиқлигига нисбатан камроқдир. Ластик энига чўзилганда унинг узилишига ҳар бир қаторда битта ип қаршилик кўрсатади, бўйига эса тўртта ип қаршилик кўрсатади.

Зичлик. Ластик зичлиги гладъ зичлиги каби икки йўналиш: горизонтал ва вертикал йўналишлари бўйича белгиланади.

Ластик 1+1 горизонтал бўйича зичлиги 50 мм узунликдаги ҳалқалар устунчалари сонини ҳисоблаб чиқиш йўли билан аниқланади. Бундай зичлик ҳақиқий зичлик дейилади ва бир томони учун P_g билан, иккинчи томони учун эса $P_{g'}$ билан белгиланади.

Ластикнинг горизонтал бўйича зичлигининг назарий ҳисоби ҳалқалар қадами A бўйича ёки ҳалқалар эни a бўйича аниқланади. Бунда шуни назарда тутиш керакки, ҳалқа кэнглиги фақат еластиклиги юқори бўлган иплардан тўқилган ластикдаги ҳалқа қадамига teng бўлади (унда олд томондаги ҳалқа устунчалари бир-бирига тэгиб туради). Шунинг учун бундай ластикнинг горизонтал бўйича зичлиги ва унга мос равишда ҳалқалар қадами, тўқиши назариясига асосан шартли (условний) зичлик ёки шартли ҳалқалар қадами дейилади ва улар тэгишлича $P_{g_{uu}}$ ва A_{uu} билан белгиланади. Шартли ҳалқалар қадами A_{uu} , ипнинг йўғонлиги орқали аниқланади ва $4F$ га teng қилиб олинади. Горизонтал бўйича шартли зичлик $P_{g_{uu}}$ қуидаги формула бўйича аниқланади:

$$Dg_{sh} = \frac{50}{a}; \quad (5.9) \quad \text{ёки} \quad Dg_{sh} = \frac{50}{Ash}; \quad (3.10) \quad a=4F \quad (3.11)$$

Раппортида олд ва орқа ҳалқалар устунчалари турлича алмасиб келган ластик учун горизонтал бўйича келтирилган зичлик аниқланади.

Ҳар қандай рапортли ластикнинг горизонтал бўйича келтирилган зичлиги деб, раппорти 1+1 га келтирилган зичликка айтилади ва P_{g_k} билан белгиланади. Келтирилган зичлик горизонтал йўналишда келтирилган ҳалқа қадами бўйича ҳисобланади, у эса тўқиши назариясига асосан тақрибан 5Φ га teng.

$$D_{gk} = \frac{50}{A_k}; \quad (5.12) \quad Ak = 5F \quad (3.13)$$

Ластикнинг келтирилган зичлиги ва ҳақиқий зичлиги орасидаги боғлиқлик қуидагичадир:

$$R_{gk} = \left(P'_g + P''_g \right) \cdot \left(1 - \frac{1}{R} \right) \quad (3.14)$$

бунда P - рапортдаги ҳалқа устунчалари сони.

Ластикнинг вертикал бўйича зичлиги унинг горизонтал бўйича шартли зичлиги ва зичликлар нисбатлари коэффициенти ёрдамида аниқланади (ластик учун коэффициент 0,865 қилиб олинган), яъни

$$\frac{Dg_{sh}}{Dg_{sh}} = \frac{Dg_{sh}}{0,865} \quad C = 0,865 \quad (3.15)$$

Амалда ластикнинг вертикал бўйича зичлиги унинг томонларидан (олд ёки орқа томонларидан) бири бўйича 50 мм узунлиқда жойлашган ҳалқалар қаторлари сонини ҳисоблаб чиқиш йўли билан аниқланади.

Ҳалқа ипи узунлиги. Ластикнинг ҳалқа ипи узунлиги, гладнинг ҳалқа ипи узунлигини ҳисоблаш учун қўлланадиган формула бўйича аниқланади:

$$L = \frac{78,5}{Dg_{sh}} + 2\sqrt{B^2 + F^2} + PF \quad (3.16)$$

Формуладан кўриниб турибдики, ластикнинг ҳалқа ипи узунлиги горизонтал бўйича шартли зичлик $P_{g_{sh}}$ дан фойдаланиб аниқланган. Амалда ластикнинг ҳалқа ипи узунлиги битта ҳалқа қаторини йечиш йўли билан аниқланади, бунда ечилган ҳалқа-лар сони унинг иккала томони бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$L = \frac{1}{(n' + n'')} \quad (3.17)$$

бунда: l - ҳалқа қатори ип узунлиги, мм да;

n' - ластикнинг бир томони бўйича ҳисобланган ҳалқалар сони;

n'' - ластикнинг иккинчи томони бўйича ҳисобланган ҳалқалар сони.


Ластикнинг юза зичлиги. Ластикнинг юза зичлигини худди гладни юза зичлиги каби ҳисоблаш мумкин, бироқ ўзига хослилиги шундан иборатки, горизонтал бўйича зичликнинг олд ва орқа томонлари бўйича қийматлари инобатга олинади. Шунинг учун юза зичлигини аниқлаш формуласи бирмунча бошқа кўринишга эга бўлади:

$$m = 0,4 \frac{L(P'_g + P''_g)D_v T}{1000} \quad (3.18)$$

Тескари трикотаж тўқимаси тузилиши, хусусиятлари ва уларни лойиҳалаш

Тескари трикотаж тўқимаси деб шунга айтиладики, унинг иккала томони гладнинг тескари ёки орқа томонига ўхшаш бўлади, яъни унинг иккала томонида асосан ҳалқалар ёйлари кўриниб туради. 3.4-расмда тескари трикотаж тўқимасининг тузилиши кўрсатилган. Расмдан кўриниб турибдики, олд томондаги ҳалқалар қатори 1 бу тўқимада биттаси оралаб орқа томонидаги ҳалқалар қатори 2 билан алмашинади²¹.

²¹ David Y. Spenser. Comprehansive handbook of knitting technology.



3.4-расм. Тескари тўқима ҳалқаларининг тузилиши

Трикотажда ҳалқаларнинг қия жойлашганлиги ҳисобига тескари трикотаж машинадан олингандан кейин узунлиги бўйлаб қисқаради, бироқ кийимни кийиш жараёнида еластиклик кучи ҳалқаларда камайган сари трикотаж аста-секин чўзилади. Бу трикотажнинг муҳим камчиликларидан ҳисобланади, буни кийимларни лойиҳалашда ҳисобга олиш керак. Юқорида айтилганларни инобатга олиб, тескари трикотаж тўқималари хусусиятларини тавсифловчи қўйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

1. Эркин ҳолда тескари тўқиманинг ҳалқалар қатори мато текислигига қия жойлашган бўлади.
2. Киялик бурчаги ип йўғонлигига ва унинг зичлигига мутаносибdir.
3. Тескари трикотажни бўйига чўзилиш кучи таъсиридан бўшатилганда унинг ҳалқа қатори қиялиги туфайли трикотаж бўйига қисқаради.
4. Ҳалқаларнинг қия жойлашиши туфайли трикотажнинг иккала томонида ҳалқа ёйлари олдинга бўртиб чиқади, ҳалқа таёқчалари эса мато ичкарисига кириб, ўйиқчалар ҳосил қиласди, бунинг натижасида трикотаж фақат орқа томонли ҳалқалардан иборат кўринишга эга бўлади.

Тескари трикотаж тўқимаси қўйидаги хусусиятлар ва кўрсаткичларга эга.

Ечилювчанлик. Тескари трикотаж тўқимаси гладъ тўқимаси каби ечилади.

Қалинлиги. Тескари трикотажни ён проексиясидан қаралганда, унинг қалинлиги тақрибан тўртта ип йўғонлиги, яъни $4F$ га teng еканлигини кўриш мумкин. Демак, тескари трикотаж тўқимаси қалинлиги, гладъ қалинлигидан икки марта кўпдир ва тақрибан ластик қалинлигига tengdir.

Буралувчанлик. Тескари трикотаж буралмайди.

Пишиқлик. Тескари трикотаж тўқимасининг пишиқлиги гладъ тўқимаси каби аниқланади, бироқ трикотаж ҳалқаларининг мато текислигига қия жойлашганини ҳисобга олиш зарур.

Ҳалқа ипи узунлиги. Тескари трикотаж тўқимасининг ҳалқа ипи узунлигини аниқлашда, трикотаж ҳалқаларининг мато текислигига қия жойлашганини ҳисобга олиш зарур. Ҳалқа ипи узунлиги $abvgdj$ (3.4, a-расм), $ab+bv+vgd+de+ej$ кесмалар узунлиги йиғиндисидан иборат бўлади. Ёй $av+vgd+ej$ лар d диаметрли айланани ташкил қиласди, яъни уларнинг узунлиги Pd га teng. Айлананинг диаметри d , ҳалқалар қадами A ва ипнинг йўғонлиги F орқали ифодаланиши мумкин:

$$d = 0,5A + F;$$

$$\text{бундан, } Pd = \Pi(0,5A + F);$$

Кесма bv ва de лар ўзаро teng. Расмда чап томондаги bv кесма текисликдаги проекция кўринишида келтирилган, bv кесма проекциясини ҳалқа қатори баландлиги B ва иплар йўғонлиги орқали ифодалаш мумкин. Учбурчак ibv дан қўйидагини кўриш мумкин:

$$(bv)^2 = (ib)^2 + (iv)^2;$$

Бироқ ib ип йўғонлиги F га teng, iv эса ҳалқалар қатори баландлиги B га teng. Демак,

$$(bv)^2 = B^2 + F^2;$$

Учбурчак vbz дан (5.4, a-расм):

$$(bv)^2 = (bz)^2 + (zv)^2;$$

Бироқ zv кесма bv кесманинг ён проексиясидан иборат, bz кесма эса тақрибан икки ип йўғонлиги $2F$ га teng, bv кесма ҳалқа кесмасининг ҳақиқийий микдоридир, уни эса аниқлаш талаб қилинади.

Демак,

$$(bv)^2 = (2F)^2 + B^2 + F^2 = B^2 + 5F^2;$$

6.4, б-расмдан кўриниб турибдики, bw кесма баландлиги B га, эни – F га ва қалинлиги – $2F$ га teng булган тўғри бурчакли призма диагоналидан иборат бўлиб, шу сабабли

$$bv = \sqrt{B^2 + 5F^2}$$

Ҳалқада иккита bv кесмаси борлиги сабабли унинг узунлиги қўйидагича ифодаланиши мумкин:

$$L = \frac{78,5}{D_g} + PF + 2\sqrt{B^2 + 5F^2} \quad (3.19)$$

Горизонтал бўйича зичлик. Тескари трикотажнинг горизонтал бўйича зичлиги гладнинг горизонтал бўйича зичлиги каби аниқланади. Ҳалқа қадами:

$$A = \frac{L - PF}{P} \quad (3.20)$$

Агар ҳалқа ипи узунлиги аниқ бўлмаса, у ҳолда ҳалқа қадамини тўкув назарияси бўйича ип қалинлиги F орқали ифодалаш тавсия этилади.

Тоза жундан олинган калава ип учун ҳалқа қадами $A=5F \div 6F$ гача, пахта толасидан олинган калава ип учун эса $A=4F$ қилиб олинади.

Вертикал бўйича зичлик. Тескари трикотаж ҳалқалари мато текислигига қия жойлашганлиги сабабли трикотаж қалинлашади ва унинг ҳисобига трикотажни бўйи қисқаради, шунинг учун тескари трикотажнинг вертикал бўйича зичлиги ластик зичлигидан катта бўлади. Тоза жундан олинган калава ипдан тўқилган тескари трикотаж тўқимаси учун, зичликлар нисбати коэффициенти $C = 0,4 \div 0,5$ қилиб олиш лозим.

Тескари трикотаж тўқимасини лойиҳалашда унинг ҳалқа ипи узунлигини ҳалқа модули орқали аниқлаш маъкул, чунки ҳалқа ипи узунлиги катталашиши билан трикотаж эни ҳам катталашади. Устки кийимларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган трикотажни лойиҳалашда ҳалқа модули $24 \div 25$ оралиғида олинади, бошга ўраладиган рўмоллар учун эса $27 \div 29$ оралиғида олинади.

Чўзилувчанлик. Тескари трикотажнинг квадрат қилиб олинган бўлаги энига ва узунлигига деярли бир хил чўзилади.

Трикотаж юза зичлиги. Тескари трикотаж тўқимасининг юза зичлиги гладъ юза зичлиги каби аниқланади:

$$m = 0,4 \frac{L \cdot D_g \cdot D_v T}{1000} \quad (3.21)$$

Кўндалангига тўқилган интерлок тўқимасининг тузилиши, хусусиятлари ва лойиҳалаш

Икки ластикли ёки интерлок тўқимаси ластик тўқимасининг ҳосиласидир. Интерлок сўзи инглизча сўз бўлиб, “крест шаклида кесишиш” дэган маънони билдиради ва у икки ластик аралашмасидан иборат бўлиб, унинг протяжкалари ўзаро крест шаклида кесишадилар. 3.5-расмдан кўриниб турибдики, икки ластик шундай бирлашганки, уларни ажратиш мумкин эмас, чунки **ab** ип трикотажнинг гоҳ бир томонида, гоҳ иккинчи томонида кетмакет ҳалқалар ҳосил қиласиди²².

Бунда бир ипнинг ўзи иккала игнадонига навбатма-навбат кўйилади.

²² David Y. Spenser. Comprehensive handbook of knitting technology.

Интерлок тўқимаси икки ластик аралашмасидан иборат бўлганлиги сабабли, унинг хусусиятлари ва ўлчамлари ластикнига ўхшаш бўлади.

Ечилювчанлик. Интерлок худди ластик сингари тўқув йўналишига тескари ечилади. Интерлок ечилювчанлиги ластик ечилювчанлигидан бирмунча кам, бу интерлок тўқимаси тузилишининг ўзига хослиги билан тушунтирилиши мумкин.

Қалинлик. Интерлок қалинлиги тақрибан ластик қалинлигига тенг ва бу тўқима тўқилган ипларнинг чизиқли зичлигига тўғри мутаносибdir. Масалан, пахта толаси ипидан (ешилиш коэффициенти $\alpha=90\div112$) тўқилган интерлок қалинлиги, қуйидагига тенг бўлади:

$$M = \frac{7,2 \cdot T}{1000} \quad a = \frac{K \sqrt{T}}{31,6} \quad (3.22)$$

бу ерда, T - ипнинг чизиқли зичлиги, текс;

K - ешилиш сони.


Сунъий иплардан тўқилган интерлок қалинлиги ешилиш коэффициенти $\alpha=16\div20$ бўлганда қуйидагига тенг бўлади:

$$M = \frac{4,3 \cdot T}{1000} \quad (3.23)$$

Трикотаж юза зичлиги. Интерлок юза зичлиги ластик юза зичлиги формуласи бўйича аниқланади:

$$m = \frac{0,8 D_g D_v}{1000} = \frac{0,8 \cdot D_g D_v T}{1000 T} \quad (3.24)$$

Ҳалқа или узунлиги. Интерлок тўқимасининг ҳалқа или узунлиги ***ab***, ***bvg***, ***gd***, ***dej*** кесмалар узунликлари йифиндисидан ҳосил бўлади. Интерлок тўқимасининг ҳалқа или узунлиги гладъ ва ластик ҳалқа или узунлигидан бирмунча фарқ қиласи, чунки интерлок ҳалқаси протяжкаси ***dej*** нинг узунлиги ластик ва гладъ ҳалқаси протяжкаларининг узунлигидан бирмунча бошқачадир (3.6 а, б - расм). Бунга асосланиб, интерлок тўқимасининг ҳалқа или узунлигини қуйидаги формулалар орқали ҳисоблаш мумкин.



3.5-расм. Интерлок түқимаси ҳалқаларининг тузилиши

Пахта толаси ипидан түқилган интерлок учун ҳалқа ипи узунлиги:

$$L = \frac{90}{D_g} + \frac{100}{D_v} + 3,6F \quad (3.25)$$

ёки

$$L = \frac{110}{D_g} + \frac{140}{D_v} - 2,2F \quad (3.26)$$

Сунъий иплардан түқилган интерлок учун:

$$L = \frac{90}{D_g} + \frac{100}{D_v} + 1,5F \quad (3.27)$$



3.6 -расм. Интерлок ва ластик тўқималарининг кўндаланг кесимлари

Бундан ташқари, ҳалқа ипи узунлигини тўлдириш коэффициенти орқали ҳам аниқлаш мумкин:

$$L = \delta f$$

δ - тўлдириш коэффициенти.

f - ипнинг минимал йўғонлиги, пахта ипи учун

$$f = \frac{0,92}{\sqrt{\frac{1000}{T}}} \quad (3.28)$$

формула бўйича аниқланади.

Тўлдириш коэффициенти кийимнинг вазифаси ва турларига қараб олинади. Ички кийимлар ва спорт ассортиментлари учун $29 \div 31$ орасида, устки трикотаж кийимлари учун $27 \div 28$ орасида олинади.

Горизонтал бўйича зичлик. Интерлок тўқимасининг горизонтал бўйича зичлиги ҳалқа ипи узунлигига боғлиқдир.

Ип қанчалик йўғон ва ҳалқа ипи узунлиги катта бўлса, трикотаж зичлиги шунчалик кам ва ҳалқа қадами миқдори A шунчалик катта бўлади. Интерлок тўқимасининг горизонтал бўйича зичлиги, ластиқдагидан катта бўлади, чунки интерлок тўқимасидаги қўшни ҳалқалар бир-бирига нисбатан вертикал бўйича ярим ҳалқага сурилган бўлади.

Нормал ҳалқа ипи узунлигидаги интерлок тўқимасининг ҳалқа қадамини қуидаги формуладан аниқлаш мумкин:

$$A = 3,3F + 0,15 \quad (3.29)$$

Ҳалқа қадамининг навбатдаги формуласи ҳалқа ипи узунлигини хисобга олган ҳолдаги миқдорини беради:

$$A = 2,7F + 0,05L + 0,08 \quad (3.30)$$

$$\text{Горизонтал бўйича зичлик} \quad D_g = \frac{50}{A} \text{ га тенг.} \quad (3.31)$$

Вертикал бўйича зичлик. Вертикал бўйича зичлик ҳалқа ипи узунлигига ва ипнинг қалинлигига боғлиқ. Ҳалқа ипи узунлиги ва ипнинг қалинлиги қанчалик катта бўлса, вертикал бўйича зичлик шунчалик кам бўлади. Ҳалқа қатори баландлигини қуидаги формула бўйича аниқлаш мумкин:

$$B = 0,3L - 2,5F + 0,17 \quad (3.32)$$

ёки B ни зичликлар нисбатлари коэффициентидан аниқлаш мумкин:

$$C = \frac{B}{A} \quad (3.33) \quad B = AC \quad (3.34)$$

Зичликлар нисбати коэффициентини ички кийим маҳсулотлари учун $1,15 \div 1,20$ миқдорда, устки трикотаж учун эса $1,05 \div 1,10$ миқдорда олиш тавсия этилади. Юза зичлиги кам бўлган трикотаж тўқималарини олиш учун коэффициент C ни 1,3 гача кўтариш мумкин.

Чўзилувчанлик. Интерлок тўқимасининг юқори еластик чўзилувчанлиги унинг характерли белгилари ва хусусиятларидан бири ҳисобланади. Интерлокнинг юқори еластик чўзилувчанлигини ҳисобга олган ҳолда ички, устки ва қўлқоп маҳсулотларини тайёрлашда ишлатилади.

Интерлок машиналарида интерлок матосини ишлаб чиқариш

Интерлок машинасида тўқиши жараёнининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, бу машинада битта тўла ҳалқа қаторини ҳосил қилиш учун иккита ҳалқа ҳосил қилиш тизимиға эга бўлиш керак.

Демак, цилиндрнинг ҳар бир айланишида, машинада ўрнатилган тизимлар сонига қараганда икки марта кам ҳалқа қаторлари ҳосил бўлади. Масалан, 24 та тизимли интерлок машинасида силиндрнинг ҳар бир айланишида 12 та ҳалқа қаторлари ҳосил бўлади. Интерлок машинасида, худди ластик машинасидек, ҳалқа ҳосил қилиш жараёни тўқув усули бўйича бажарилади. Интерлок машинасида ҳалқа ҳосил қилиш жараёни навбатмаввабат бир томонлама тақсимлаш йўли билан амалга оширилади. Ипузатгичдан ипни олиб катта ўлчамда ҳалқа ҳосил қиласиган игнадон активигнадон, ўз ҳалқасини активигнадонда ҳосил қилинган ҳалқа ипидан олиб ҳосил қиласиган игнадон пассивигнадон дейилади. Ҳалқа ҳосил қилиш жараёни навбатмаввабат тақсимлаш йўли билан амалга оширилса, ундан трикотаж тўқимасининг ҳалқалари бир-бирига тенг ва текис бўлади. Бундан ташқари, ҳалқа ҳосил қилиш жараёни ҳам қулай, йэнгил шароитда ўтади. Лекин ҳалқа ҳосил қилиш жараёни навбатмаввабат тақсимлаш йўли билан бажарилганда ҳалқа ҳосил қилиш тизимининг узунлиги катта бўлади.

Назорат саволлари:

1. Тўқима турини танлашда нималарга этибор бериш лозим?
2. Тўқималар классификациясини изоҳлаб беринг.
3. Тўқима ишлаб чиқариш технологик кетма-кетлиги қайси омилларга боғлиқ ҳолда танланади?
4. Бенингер, Текстима тандалаш машиналарида суппорт столини силжиши масофасини аниқлаш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. David Y. Spenser. Comprahansive handbook of knitting technology. 2001.
2. Ryszard M. Kozlowski “Handbook of natural fibres” Volume 2: Processing and applications. Woodhead Publishing Series in Textiles: Number 119. © Woodhead Publishing Limited, 2012
3. M.Muqimov. Trikotaj texnologiyasi T:2012 y

7-амалий машғулот. Бир қаватли бўйламасига тўқилган бош ва ҳосилали тўқималар тўқимасининг тузилиши, хусусиятлари ва лойиҳалаш усуллари.

Ишдан мақсад:Бир қаватли бўйламасига тўқилган бош ва ҳосилали тўқималар тўқимасининг тузилиши, хусусиятлари ва лойиҳалаш усулларини ўрганиш

Масаланинг қўйилиши:

Бир қаватли бўйламасига тўқилган бош ва ҳосилали тўқималар тузилиши, хусусиятлари ва уларни лойиҳалаш. Бўйламасига тўқилган трикотаж ҳалқасининг тузилиши. тешикли иғналар ўрнатилган мослама ҳаракати графигини тузиш ва бу ҳаракат графигини рақамли ёзувда ифодалаш. Цепочка тўқимасининг тузилиши ва ҳусусиятлари. Трико ва унинг хусусиятлари. Атлас ва унинг хусусиятлари. Ҳосилали трико, ҳосилали атлас ва уларнинг хусусиятлари

Ишни бажариш учун намуна


Трикотаж ишлаб чиқариш саноатида тўқув тезлиги юқори бўлган танда тўқув машиналари кенг тарқалган. Танда тўқув (*основовязальние*) машиналарининг иш унумдорлиги тўқув дастгоҳларининг иш унумдорлигига қараганда 6-8 марта юқоридир. Айрим танда тўқув машиналарининг тезлиги 2000-3000 айл./мин га йэтади. Шундай танда тўқув машиналари мавжудки, уларда иккитадан то 48 тагача тешикчали иғналар ўрнатилган мосламалари (гребенкалари) бор. Танда тўқув машиналарида ички ва устки трикотаж кийимларидан ташқари, нафис тўр буюмлари ва кружевалар, гиламлар, балиқ тутиш учун тўрлар, галантерея буюмлари, қўлқоплар, аёллар пайпоклари ҳам муваффақиятли ишлаб чиқарилаяпти.

Бўйламасига тўқилган трикотаж ҳалқасининг тузилиши

Бўйламасига тўқилган трикотаж ҳалқалари танда иплари тизимидан ҳосил қилинади. Танда иплари параллель йўналган бўлиб, уларнинг ҳар бири бир қаторда биттадан ёки истисно тариқасида иккитадан ҳалқа ҳосил қиласди. Ип битта ҳалқа қаторида битта ҳалқа ҳосил қилиб, кейинги қаторга ўтади. 3.1, а-расмда бўйламасига тўқилган трикотаж ҳалқасининг тузилиши кўрсатилган. Ҳалқа асоси (1-2-3-4-5) ўлчамига қараб, ҳалқанинг эгаллаган майдони аниқланади.

Протяжка (5-6) ёрдамида ҳар бир ҳалқа кейинги қатор ҳалқаси билан туташади. Протяжка узунлиги, ипни иғнага қўйилишида тешикли иғна қанча тўқув иғналар қадамига силжишига ва бундан ташқари ҳалқаларининг қайси

таёқчаси протяжка билан туташишига боғлиқдир. Бўйламасига тўқилган тўқималарда очик ва ёпиқ ҳалқалар ҳамда бир томонламали ва икки томонламали протяжкалар бўлиши мумкин (3.1, б-расм). Бир хил тўқималарда ҳалқалар шакли ва ҳалқаларнинг ўзаро туташиш тартиби турлича бўлиши мумкин. Бироқ ҳар бир тўқимада шакли ва ўзаро жойлашиши турлича бўлган ҳалқаларнинг алмасиш тартиби вақти-вақти билан такрорланади. Трикотаж тўқимасининг бундай такрорланадиган қисми рапорт деб аталади²³.



3.1-расм. Бўйламасига тўқилган трикотаж ҳалкасининг тузилиши

Тешикли игналар ўрнатилган мослама ҳаракати графигини тузиш ва бу ҳаракат графигини рақамли ёзува ифодалаш

Бўйламасига тўқиладиган тўқималарнинг турли хилларини ишлаб чиқаришда, танда ипининг игнага қандай қўйилишини тасаввур қилиш учун, тешикли игналар ўрнатилган мослама ҳаракати графиги қўлланилади. Графиклар трикотаж тўқималарини лойиҳалашда ёки трикотаж тўқималари намуналарининг таҳлили асосида тузилади. Графикни тузиш учун мавжуд тўқиманинг вертикал ва горизонтал бўйича раппорти ўлчамларини билиш лозим.

Раппорт ўлчами ҳам трикотаж тўқимасини лойиҳалашда ёки унинг намунасини таҳлил қилиш асосида аниқланади. Аввал рапорт баландлиги, сўнгра унинг эни аниқланади.

Бир қаватли бир гребенкали бўйламасига тўқилган трикотаж тўқималарида рапорт эни битта рапорт ҳосил қилиш даврида гребenkанинг нечта игналар қадамига силжишига боғлиқдир.

Масалан: очик цепочка рапорт ўлчами баландлиги бўйича 2 га, эни бўйича эса 1 га teng. Рапорт аниқлангандан кейин гребенка ҳаракати графиги тузилади. Бунинг учун бир қатор нуқталар олинади, нуқталардан ҳар бири, ҳалқалар ҳосил қиласидиган игналарнинг проекциясини тасвиrlайди.

²³David Y. Spenser. Comprahansive handbook of knitting technology.


Нұқталарнинг вертикал қаторлари сони рапорт энига тенг. Нұқталарнинг горизонтал қаторлари сони рапорт бүйига тенг. График пастдан юқорига қараб тузилади. Нұқталар устида ҳалқалар асоси шартли равишда кичкина ярим айлана шаклидаги ёйлар билан чизилади. Графикта тұқыманинг битта раппортини олиш жараёнидаги танда ипини игналарга кетма-кет қўйилиши тасвирланади.

Ҳалқалар қатори тартиб рақамлари билан пастдан юқорига қараб ўқилади. Графикда ипнинг йўналишига қараб нақшли занжирдаги плашкалар ўрни аникланади. Шу мақсадда рақамли ёки аналитик ёзув қўлланилади. Рақамли ёзувни тузиш учун графикдан фойдаланилади, бунда ип ҳаракатини график бўйича пастдан юқорига қараб кузатиб борилади. Трикотаж тұқымаси графиги пастдан юқорига қараб ўқилади, графикнинг рақамли ёзуви эса одатда юқоридан пастга қараб ўқилади. Нұқталар ўртасидаги ораликлар, ёки рапортдаги игналар орасидаги масофалар рақамлар билан белгиланади. Нұқтанинг юқори қисми игнанинг олдига, пастки қисми эса игнанинг орқасига мос келади. O рақами нұқталарнинг вертикал қаторидан ўнг томонда ёзилади. Рақамлар устунчасининг энг юқори рақами чапдан, нұқталарнинг рапортдаги энг четки чап ҳалқа жойлашган, нұқталарнинг вертикал қаторидан чапда ёзилади.

Келтирилган мисолда (3.2-расм) ипни биринчи игна устига қўйиш учун гребенка 1 рақамли плашкадан 0 рақамли плашкага силжийди. Гребенка 0 рақамли плашкага тиralган вақтда, у орқага силжийди, шундан кейин гребенка ролигига 1 рақамли плашка етиб келади ва гребенка чапга силжиб, ипни игна орқасига қўйиш тугалланади. Гребенканинг навбатдаги чапга силжиши, ипни игнага қўйиш имконини беради, бунда гребенка ролигига 2 рақамли плашка таъсир қиласи. Шундай қилиб, гребенка ролигига 1 рақамли плашкадан кейин 0 рақамли плашка ($1-0$) таъсир қилганда, гребенка ўнга силжиб, ипни игна устига қўяди. Гребенка ролигига 1 рақамли плашкадан кейин 2 рақамли плашка ($1-2$) таъсир қилса, гребенка чапга силжиб, ипни кўшни игна устига қўяди.

Эски қурилмали машиналарда, битта ҳалқалар қаторини ҳосил қилиш жараёнида гребенкалар игнадон бўйлаб икки марта силжийди: бир марта игналар олдида, иккинчи марта эса улар орқасида.

Бундай тартибда ишлаган машинанинг иши икки босқичли деб аталади. Ҳозирги замон тезюар машиналарида битта ҳалқалар қаторини ҳосил қилиш учун гребенка уч марта силжийди: бир марта игналар олдида ва икки марта игналар орқасида. Шу мақсадда битта ҳалқа ҳосил қилиш учун учта плашка, ёки нақшли кулачокнинг уч поғоналиги қўлланилади. Бу эса машинанинг равон ишлашини таъминлайди, машинанинг равон ишлаши эса уларнинг тезлигини оширишга ва бу машиналарда протяжкаси узун бўлган тұқымалар олишга имкон беради. Машинанинг бу тартибда ишлаши - уч босқичли деб аталади.



№ qator	Raqamli yozuv
I	1-0
II	1-2
III	1-0
IV	1-2

3.2-расм. Бўйламасига тўқилган трикотаж тўқимасини олишда ипни игнага қўйиш схемаси

Цепочка тўқимасининг тузилиши ва ҳусусиятлари


Бўйламасига тўқилган бир қаватли бош тўқималар битта игнадонли танда тўкув машиналарида ишлаб чиқарилади. Бир қаватли трикотаж тўқималарининг олд томонида ҳалқа таёқчалари, орқа томонида эса тўғри протяжкалар ва ҳалқа бошлари жойлашган бўлади. Тўқималар классификациясида кўрганимиздек, бўйламасига тўқилган бир қаватли бош тўқималарга қуидаги тўқималар киради: Цепочка, трико ва атлас. Ҳосилали тўқималарга эса ҳосилали трико ёки сукно, ҳосилали атлас киради.

Цепочка - бўйламасига тўқилган бир қаватли тўқима бўлиб, унинг ҳалқалари битта ипдан ҳосил бўлади ва битта ҳалқалар устунчасини ташкил қилади. Одатда бир қаватли Цепочкилар, рўмоллар ва шарфлар учларида гажим сифатида, турли боғичлар ва кружевалар ҳосил қилишда, ундан ташқари, балиқ тутиш учун ишлатиладиган тугунсиз тўрларни ишлаб чиқаришда кўлланилади.

Цепочка ҳалқалари очик ва ёпиқ бўлиши мумкин. Ёпиқ ҳалқали Цепочкада ип ҳалқа ҳосил қилиш жараёнида игнани айланиб ўраб олади ва у игнага ҳар доим бир томондан қўйилади. Очик ҳалқали Цепочкиларда эса, ип игнанинг уч томонидан айланиб ўтади, ип игнага гоҳ ўнг томондан, гоҳ чап томондан қўйилади.

Буралувчанлик. Цепочка буралмайди, чунки ҳар бир ҳалқа таёқчаларининг эгилган қисмлари протяжкалар билан мувозанатлашган бўлиб, уларнинг буралиши тескари томонга йўналган бўлади.

Чўзилувчанлик. Цепочкининг бўйламасига чўзилувчанлиги бу Цепочка тўқилган ипларнинг эластиклигига боғлиқ. Ипнинг эластиклиги қанчалик кўп бўлса, ҳалқалар шунчалик юмалоқ шаклга эга бўлади, демак, Цепочка бўйламасига шунчалик кўп чўзилади, бу эса ҳалқаларнинг эгилган қисмларининг тўғриланиши ҳисобига бўлади. Катта зичлиқдаги ёки эластиклиги кам бўлган ипдан тўқилган Цепочка бўйига чўзилмайди.



3.3-расм. Бўйламасига тўқилган цепочка тўқимаси

Ҳалқа ипи узунлиги. Ҳалқа ипи узунлиги амалда тўқима намунасини таҳлил қилиш йўли билан, ҳалқаларни кетма-кет ечиб ўлчанади. Ҳалқа ипининг узунлигини назарий хисоблаш профессор А.С.Далидович томонидан таклиф қилинган формула бўйича аниқланади. 5.3-расмда ҳалқа ипи узунлиги қуидагилардан иборат:

$$L_c = (1 - 2) + (2 - 3 - 4) + (4 - 5) + (5 - 6) + (6 - 7).$$

Бундан

$$\begin{aligned} 2-3-4 \text{ ёй} &= \frac{P \cdot 2 \cdot F}{2} \\ 5-6 \text{ ёй} &= \frac{P \cdot 2 \cdot F}{2} = P \cdot F \end{aligned}$$

1-2; 4-5; 6-7; кесмаларни тахминан ҳалқалар қатори баландлиги B сифатида қабул қилиш мумкин.

У ҳолда,

$$L_s = \frac{P \cdot 3 \cdot F}{2} + P \cdot F + 3 \cdot A \quad (5.1)$$

Жуда зич тўқилган Цепочкада:

$$B = 2F; \quad (5.2) \quad A = 4F; \quad (5.3) \quad C = 0,5. \quad (5.4)$$


Узунлиги 5 см бўлган Цепочка юза зичлиги

$$m = \frac{P_v \cdot LT}{1000} \quad (5.5)$$

Цепочка пишиқлиги. Цепочка узилишидаги пишиқлиги тахминан 3 та ипнинг пишиқлигига тэнг, чунки оғирлик кучи ҳалқанинг икки таёқчаси ва унинг протяжкаси ўртасида тақсимланади.

Трико ва унинг хусусиятлари

Трико - бир қаватли бўйламасига тўқилган тўқима бўлиб, унинг ҳалқалари бир ипнинг ўзидан ҳосил бўлади ва кетма-кет икки ёндош ҳалқалар устунчасида жойлашади. Триконинг ҳар бир ҳалқа устунчаси, иккита турлича иплардан тўқилган ҳалқалардан тузилган бўлиб, бу иплардан ҳосил қилинган ҳалқалар, ҳалқалар устунчасида кетма-кет жойлашади. Битта ипдан олинган ҳалқа иккинчи ипдан олинган ҳалқа асосига ташланади. Агар ип биринчи ҳалқалар қаторида ўз ҳалқасини биринчи ҳалқа устунчасида ҳосил қилган бўлса, кейинги ҳалқалар қаторида бу ип ҳалқасини иккинчи ҳалқалар устунчасида ҳосил қиласди. Бу икки ҳалқа ўзаро протяжка ёрдамида бирлашади. 3.4-расмда, тешикли игна аввал ипни игна 1 га қўяди, иккинчи ҳалқа қаторида эса игна 2 га қўяди.



3.4-расм. Бўйламасига тўқилган трико тўқимаси ҳалқасининг тузилиши


Трико тўқимаси очик ва ёпиқ ҳалқалардан тузилган бўлиши мумкин (3.5-расм). Ипларнинг эластиклик кучлари йифиндиси таъсири остида, протяжкаси бир тарафлама жойлашган трико ҳалқалари шу ҳалқалар протяжкаси жойлашишига тескари йўналишда буралишга ҳаракат қиласди.

Трико тўқимасининг протяжкалари ҳар бир ҳалқа устунчасида гоҳо ўнг томонда, гоҳо чап томонда жойлашиши натижасида унинг ҳалқа устунчаси синиқ чизиқ шаклига эга бўлиб, раппорти икки ҳалқадан иборат бўлади.

Қалинлиги. Бўйламасига тўқилган трико тўқимаси қалинлиги кўндалангига тўқилган гладъ тўқимаси қалинлигидан бир ярим марта каттадир, яъни $M=3F$.

Ечилувчанлик. Бўйламасига тўқилган матоларни факат тўқув йўналишишига тескари ечиш мумкин, лекин бу анча қийиндир. Агар трико

сунъий ипакдан, капрондан ёки ишқаланиш коэффициенти кам бўлган бошқа синтетик иплардан тўқилган бўлса, у ҳалқа устунчаси бўйича енгил ажралиб кетиши мумкин, бу эса трико тўқимасининг камчилиги ҳисобланади. Бу камчиликни йўқотиш учун трикони ишқаланиш коэффициенти катта бўлган иплардан тўқиш зарур. Трико тўқимали мато буралмайди.



3.5-расм. Бўйламасига тўқилган очиқ ва ёпиқ ҳалқали трико тўқимасининг графикли ёзуви

Ҳалқа или узунлиги. 3.4-расмда ҳалқа или узунлиги қўйидагилар йиғиндисига тенг:

$$L_T = ab + bg + gd + de$$

ипнинг bg кесмаси узунлиги, диаметри $d=3\Phi$ га тэнг бўлган ярим айлана узунлигига тенг, қолган кесмалар, га тенг бўлади.

$$ab = gd = de = \sqrt{(0,5 \cdot A)^2 + B^2}$$

Шунга кўра трико ҳалқасининг или узунлиги қўйидагига тенг бўлади:

$$L = \frac{Pd}{2} + 3\sqrt{(0,5 \cdot A)^2 + \hat{A}^2} = 4,76 \cdot F + 3\sqrt{(0,5 \cdot A)^2 + \hat{A}^2} \quad (5.6)$$

Чўзилувчанлиги энг кам бўлган, яъни зичлиги энг катта бўлган трико тўқимаси учун. лойиҳалашда трико ўлчамларини қўйидагича олиш мумкин:

$$B = 2\Phi;$$

$C=0,5$ бўлгани учун, $A=2B=4\Phi$ бўлади ёки ҳалқа или узунлиги формуласи орқали қўйидагича аниқланади:

$$A = \frac{L - 4,76 \cdot F}{2,2} \quad (5.7) \quad B = \frac{L - 4,76 \cdot F}{4,23} \quad (5.8)$$

Трико тўқимасининг юза зичлиги. Трико тўқимасининг юза зичлиги гладъ учун ҳисоблаб чиқилган формула бўйича аниқланади:


$$m = 0,4 \frac{L \cdot Pg \cdot Pv \cdot T}{1000} \quad (5.9)$$

Трико пишиқлиги. Трико тўқимали матода ҳар бир ҳалқа, вертикал бўйича узилишга учта или билан қаршилик кўрсатади, эни бўйича эса битта или қаршилик кўрсатади.

Атлас ва унинг хусусиятлари

Атлас деб, барча ҳалқалари икки томонли протяжкага эга бўлган бўйламасига тўқилган трикотаж тўқимасига айтилади (3.6-расм). Атласни

түқилишида танда ипи бир қаторда ҳалқа ҳосил қилиб бўлиб кейинги ҳалқани қўшни игнада кейинги қаторда ҳосил қиласди. Атласни ишлаб чиқариш учун махсус машиналар (яси танда тўқув машинаси “Миланез” ва айланда игнадонли машина “Маратти”) қўлланилади. Оддий танда тўқув (рашель, вертелка) машиналарида соф атласни олиш мумкин эмас. Чунки атлас тўқимасини тўқиши учун гребенка ҳар доим игнадонга нисбатан бир йўналишда битта ҳалқа қадамига силжиши лозим, буни ушбу машиналар таъминлай олмайди. Вертелка ва Рашель машиналарида одатда аввал бир неча қатор атлас тўқимаси тўқилади, сўнгра бир қатор трико тўқимаси тўқилиб, кейин яна атлас тўқимасини тўқишига ўтилади. Машинанинг трико тўқимасини тўқишига ўтиши гребенканинг силжишдаги йўналишини ўзгартириш учун керак бўлади.²⁴




3.6-расм. Бўйламасига тўқилган атлас тўқимасининг тузилиши

Бу ҳолда машинада трикотажнинг аралаш тўқимаси олинади (3.7-расм). Тўқима тузилишидан кўриниб турибдики, икки томонли протяжкалари бўлган ҳалқа, ўзининг асоси билан, кирувчи протяжка томонига эгувчи моментлар фарқи таъсирида ёки иплар эластиклиги кучи таъсирида буралади. Атласнинг буралишда ҳосил қилган ҳалқалари (A_1, A_2, A_3, A_4) ўз ўқига нисбатан катта оғишга эга, бундан ташқари, бу ҳалқалар асослари мато текислигига нисбатан ҳам буралган бўлади (3.7-расм).

Атласнинг вертикал бўйича раппорти, ҳар бир тешикли игна танда ипини барча игналарга қўйиб, ўзининг бошланғич ҳолатига қайтиб келиш даврида ҳосил қилган ҳалқалар қатори сони билан аниқланади. Атлас рапортининг горизонтал бўйича ўлчами гребенканинг игнадон бўйлаб силжишига, яъни битта раппорт ҳосил қилиш даврида гребенка ўнгдан чапга силжигандаги игналар қадами сонига teng.

²⁴David Y. Spenser. Comprahansive handbook of knitting technology.



3.7-расм. Бўйламасига тўқилган аралаш атлас тўқимасининг тузилиши

Раппорт ўлчамига кўра, атлас $4, 6, 8, 12, 24, 48$ ва ҳоказо қаторли бўлиши мумкин. Атлас рапортининг вертикал бўйича ўлчами ёки қаторлилиги атласнинг кириши бўйича аниқланиши мумкин, заход эса қаторлар сони (қаторлилик) орқали аниқланади.

Атласнинг қаторлилиги киришидаги игналар сонининг иккиланганига ва ундан 2 нинг айирмасига teng, яъни

$$H = 2I - 2, \quad (3.10)$$

H - атласнинг қаторлилиги;

I - гребенканинг кириши.

5.8, а-расмдан атласнинг қаторлилиги қуидагига тенглиги кўриниб турибди:

$$H = 2 \cdot 4 - 2 = 6.$$

Ўз навбатида гребенканинг киришини атласнинг қаторлилигидан аниқлаш мумкин, яъни гребенка кириши атласнинг қаторлилиги ярмисига ва унга 1 қўшилганлигига teng, ёки:

$$I = \frac{N}{2} + 1 = \frac{6}{2} + 1 = 4 \quad (5.11)$$

3.8, б-расмда битта тешикли игнанинг силжиши схематик равища тасвирланган, бунда ипларни 2 ва 3 игналарга қўйишда тешикли игналарнинг игна ости силжиши йўқлиги кўриниб турибди. Тешикли игна, ипни игна 2 га қўйиш учун силжигандан кейин у 2 ва 3 игналар орасида игна орқаси томон тебранма ҳаракат қиласи, шундан кейин шу оралиқнинг ўзида 2 ва 3 игналар орасида тешикли игна яна игналар илгаклари томон тебранма ҳаракат қиласи ҳамда игнадон бўйлаб игна 3 га ипни қўйиш учун силжийди.

Қалинлиги. Атлас қалинлиги икки ип йўғонлигига, яъни 2Φ га teng.

Буралувчанлик. Атлас тўқимасининг тузилиши, ҳалқаси вертикал чизиқقا нисбатан 60° га буралган гладъ тўқимасини эслатади, шу сабабли атлас тўқимасининг четларидан буралиши гладъ тўқимасиникига ўхшаш бўлади.

Ечилювчанлик. Атлас тўқимаси худди гладъ тўқимаси каби ечилади. Трикотаж ҳалқалари қанчалик зич бўлса, унинг ечилювчанлиги шунчалик кам бўлади. Ёпиқ ҳалқали атлас очик ҳалқали атласга қараганда кам ечилади.


Юза зичлиги. Атласнинг юза зичлиги гладъ тўқимаси учун ҳисоблаб чиқарилган формула бўйича аниқланади.

Ҳалқа ипи узунлиги. Очиқ ҳалқали атлас ҳалқаси ипи узунлиги, гладъ тўқимаси ҳалқа ипи узунлиги формуласи бўйича аниқланади. Бунда атлас тўқимаси ҳалқаларининг вертикал чизиқса нисбатан қия жойлашишини ҳисобга олиш зарур.

$$L = \frac{78,5}{P_{gsh}} + \frac{100}{P_{vsh}} + P \cdot F \quad (5.12)$$

Атлас зичлиги. Атлас тўқимасининг шартли зичлиги оддий гладъ тўқимасининг зичлиги формуласи бўйича аниқланади:

$$A_{sh} = \frac{L - P \cdot F}{P} \quad (5.13) \quad B_{sh} = \frac{L - P \cdot F}{4} \quad (5.14)$$



3.8-расм. Бўйламасига тўқилган атлас тўқимасини олишда ипни игнага қўйиш схемаси

Булардан шартли зичликлар нисбати:

$$\frac{\hat{A}_{sh}}{\hat{A}_{sh}} = \frac{P}{4} = 0,785 \quad (5.15)$$

га тенг бўлади.

Жуда зич атласлар учун: $A \geq 4F; B \geq 2F$.

Очиқ ҳалқали атласнинг хақиқий зичлиги нисбатини аниқлаш учун қиялиги тахминан 60° га тенг бўлган ҳалқалар устунчаларини эътиборга олиш зарур.

Шунга кўра:

$$B = B_{sh} \cdot \sin a \quad (5.16) \quad A = A_{sh} \cdot \sin a \quad (5.17)$$

яъни,

$$D_{sh} = \frac{D_{vsh}}{\sin a} \quad (5.18) \quad Dg = Dg_{sh} \cdot \sin a \quad (5.19)$$

Атлас пишиқлиги. Трикотаж узунасига чўзилганда, узилиш кучига ҳар бир ҳалқада тахминан 2,5та ип қаршилик кўрсатади. Атласнинг эни бўйлаб узилиш кучига тахминан ҳар бир қаторда битта ип қаршилик кўрсатади.

Ҳосилали трико, ҳосилали атлас ва уларнинг хусусиятлари

Ҳосилали трикога уч игнали трико ёки сукно ва шарме номи билан аталадиган тўрт игнали триколар киради.

Сукно - бўйламасига тўқилган бир қаватли тўқима бўлиб, битта ипдан навбатма-навбат ҳосил қилинган ҳалқалари икки ҳалқа устунчаларида битта устунча оралаб жойлашади (3.9, а-расм). Сукно тўқимаси трико сингари очик ва ёпиқ ҳалқали бўлиши мумкин. Сукно тўқимаси трико тўқимасига қараганда кам ечишувчан бўлади, чунки ечилишга ёндош игналарда бошқа иплардан ҳосил қилинган ҳалқалар қаршилик кўрсатади.

Сукно четларидан бошлаб буралади, бунда қаторлари бўйлаб олд томонига, устунчалари бўйлаб эса орқа томонига буралади.

Ҳалқа или узунлиги. Сукно тўқимасининг ҳалқа или узунлиги қўйидаги формула орқали аниқланади:

$$L = \frac{110}{Dg} + \frac{118}{Dv} + 4,7 \cdot F \quad (5.20)$$

Зичликлар нисбати коэффициенти $C=0,83$.

Сукно ҳалқалар қатори баландлигини энг катта зичлиқда $B=3\Phi$ га тэнг қилиб олиш керак.


Шунга кўра ҳалқа қадами A қўйидагига тенг бўлади:

Юза зичлиги. Сукно тўқимасининг юза зичлиги гладъ тўқимаси учун ҳисоблаб чиқилган формула бўйича аниқланади:

$$m = 0,4 \frac{L \cdot Dg \cdot Dv \cdot T}{1000} \quad (5.21)$$

$$\text{бу ерда } Dg = \frac{50}{A} \quad (5.22) \quad Dv = \frac{50}{B} \quad (5.23)$$

Шарме (кўп игнали трико). Шарме сукнодан протяжкаларининг узунлиги билан фарқ қиласди. Бундай тўқима танда ипини икки игнага навбатма-навбат, сукно тўқимасини олишдагидек битта игна оралаб эмас, балки икки ва ундан кўп игналар оралаб қўйиш йўли билан олинади. Бунда ҳалқалар устунчаларини туташтирувчи протяжкалар узунлиги ошади, демак, трикотаж оғирлиги ҳам кўпаяди (5.9, б-расм). Трикотажнинг бу турида ҳам унинг олд томонида ҳалқалар синик чизик шаклида жойлашади.



3.9-расм. Бўйламасига тўқилган сукно ва шарме тўқималарини олишда ипни игнага қўйиш схэмаси

Ҳалқа ипи узунлиги. Шарме тўқимасининг ҳалқа ипи узунлиги қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$L = \frac{140}{Dg} + \frac{118}{Dv} + 4,7 \cdot F \quad (5.24)$$

Зичлиги: $Dg = \frac{50}{A} \quad (5.25)$ $Dv = \frac{50}{B} \quad (5.26)$

Ҳалқалар қатори баландлиги: $B = 4\Phi$.

Зичликлар нисбати коэффициенти $C=1,16$.

Ҳалқалар қадами:

$$A = \frac{B}{C} = \frac{B}{1,16} \quad (5.27)$$

Юза зичлиги:

$$m = 0,4 \frac{L \cdot Dg \cdot Dv T}{1000} \quad (5.28)$$

Ҳосилали атлас. Ҳосилали атлас турларига сукноли атлас ва шарме атласларини киритиш мумкин.

Ҳосилали атлас трико атласидан фарқ қилиб у иккита ёки учта трико атласлари қўшилмасидан иборат бўлади. Саноатда сукно атласи қўпроқ қўлланилади, чунки у трико атласига қараганда кам чўзилади.

Ҳосилали атласнинг юза зичлиги ҳалқа ипи узунлиги ва трикотаж зичлиги, ҳосилали трико формулалари бўйича хисобланади.

Назорат саволлари:

- Бўйламасига тўқилган трикотаж ҳалқасининг тузилиши
- Чўзилувчанлик деб нимага айтилади?
- Ҳалқа ипи узунлиги деб нимага айтилади?

Фойдаланилган адабиётлар:

- David Y. Spenser. Comprahansive handbook of knitting technology. 2001.
- Ryszard M. Kozlowski "Handbook of natural fibres" Volume 2: Processing and applications. Woodhead Publishing Series in Textiles: Number 119. © Woodhead Publishing Limited, 2012
- M.Muqimov. Trikotaj texnologiyasi T:2012 y

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1-кейс

Йигириш корхонасида пилталаш машиналари узунлиги 31 мм толага ишлов бериш учун ростланган, янги партиядаги толалар узунлиги 40 мм ни ташкил этади. Тола узунлиги ўзгаргани учун пилталаш машинасида қандай ўзгартиришлар киритиш лозим.

Вазиятли топшириқ №1

Металлургия заводларидан металл қуиши цехларидан ишловчилар учун, ўт ўчириш хизматида ишловчилар учун ва шунга ўхшаш бир қанча касбдаги ишчилар учун оловга чидамли маҳсус кийим талаб қилинади. Бунинг учун керакли ассортиментдаги матоларга оловбардошлиқ хоссасини бериш керак. Корхонага маҳсус кийим учун ишлатиладиган матога оловбардошлиқ хоссаси бериш топшириқ қўйилиди. Буни тўғри бажариш учун қуидаги саволлорга жавоб топиш зарур.

Саволлар:

1. Оловбардошлиқ хоссаси беришнинг қандай турлари мавжуд?
2. Пахта толали матоларга оловбардошлиқ хоссасини бериш учун хар бир усул буйича керак бўладиган кимёвий моддолар кўрсатилсин.
3. Матонинг оловбардошлиқ хусусияти қандай қўрсаткич билан ўлчанади?
4. Аралаш толали матоларга оловбардошлиқ хоссаси бериш учун қайси усул ва қандай кимёвий моддалардан фойдаланилади.

2-кейс

Техник мақсадда ишлатиладиган ип газламалар ва кийим кечак учун ишлатиладиган, ип газламалар ўрнига қараб гидрофоб хосса талаб этилади. Ана шу ассортиментлардаги матолар учун корхона гидрофоб пардоз бериши керак. Бунинг учун корхона мутахасиси керакли билимга эга булиши лозим ва қуидаги саволларга жавоб топиши керак.

Саволлар:

1. Гидровоб пардознинг қандайтурлари мавжуд?
2. Техник мақсадда ишлатиладиган матоларга гидрофоб пардознинг қайси тури ишлитилади?

3-кейс

Намлаб-иситиб ишлов бериш ёрдамида тикувчилик буюмларини маълум шаклга киритиш ва безаш кийим тикишга кетадиган вақтнинг анчагина қисмини олади. Масалан, устки кийим тикишга кетадиган умумий вақтнинг 20-25 % ни намлаб-иситиб ишлаш операцияларига сарфланади.

Буюмларнинг сифати ва ташки кўриниши кўп жихатдан тикиш жараёнидаги, ҳамда узил-кесил пардозлашдаги намлаб-иситиб ишлашга боғлик бўлади. Намлаб-иситиб ишлов беришдан асосий мақсад буюм

деталларига ҳажмий-фазовий шакл бериш ва ҳар хил чокларни ишлаш, узил-кесил пардозлаш, деталларин елим билан бириктиришдан иборат.

Савол: Намлаб иситиб ишлов бериш орқали газлама бирор шаклга киритилаётганда қандай параметрларга риоя қилиш керак?

4-кейс

Корхонага хом трикотажни бўяш учун олиб келишди. Буюртмачи трикотажни ёзги мавсумга мўлжалланган ассортиментларини Pfniton бўйича 16-1429 TRX SUNBUM рангга ва кузги устки кийимлар учун мўлжалланган ассортиментларини корхонани ўз салоҳиятларига асосан бўяб беришларини сўради. Шартномалар бўлими бошлиғи корхона раҳбарига вазиятни билдириди. Корхона раҳбари маркетинг бўлимига, кимёвий лаборатория мудирига, корхона технологига қуидаги вазифаларни қўйди:

1. Кузги устки кийимлар учун айни вақтда урф бўлган ранглар коллекциясини ажратиш.
2. Келтирилган барча ассортиментдаги трикотаж полотноларининг толавий таркибини аниқлаш.
3. Pfniton бўйича рангни лаборатория коллекциясидан топиш, уни трикотажни толавий таркиби бўйича корректировка қилиш, талаб қилинса бу рангларни янгитдан ҳосил қилиш.
4. Кузги устки кийимлар учун айни вақтда урф бўлган ранглар коллекциясига мос келувчи ранглар намуналарини буюртмачи биланкелишиш.
5. Лабораторияда ишлаб чиқилган шароитларни корхона шароитига мослаштириш.

5-кейс

Газламадаги иплар силжиши бир тизимдаги ипларнинг бошқа тизимдаги иплар билан чалишиши (танданинг арқоқ бўйича ва арқоқнинг танда бўйича) натижасида юзага келади. Газламадаги ипларнинг ўзаро суримишига тангенциал қаршилик етарли бўлмаганлигидан иплар силжиши юзага келади. У газламанинг таркибий хоссалари, яъни катта тўсиқли рапорт ишлатилиши (атлас матолар), пишиқ қилиб эшилмаган ипларнинг қўлланиши, газлама зичлигининг пасайиши, шунингдек газламани ишлаб чиқаришда унинг тузилиши ва безак берилишидаги камчиликларнинг оқибати бўлиши мумкин.

Тайёр буюмларда иплар силжиши кўпроқ чоклар доирасида (витачкаларни чоки, орт бўлак урта чоки, енг чоки, ён чокларда) намоён бўлади.

Савол: Тайёр буюмларда чок ипларининг силжишини олдини олиш учун кийим тайёрлаш жараёнида қандай омилларни эътиборга олиш керак?

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чукур ўрганиш;
- мазкур мустақил таълим ишларини натижалари 1 бал билан баҳоланади.

Мустақил таълим мавзулари

1. Белгиланган технологик омилларни компьютер ёрдамида ўрнатиш.
2. Жараённи компьютер ёрдамида назорат қилиш
3. Ҳар бир ипнинг таранглигини алоҳида компьютер ёрдамида назорат қилиш ва ростлаш.
4. Машинанинг тезлик режимини муқобиллаштириш.
5. Иплардаги нуқсонларни компьютер ёрдамида назорат қилиш.
6. Ипларни электрланиш даражасини компьютер ёрдамида назорат қилиш.
7. Маълумотлар таблосини ишини компьютер ёрдамида бошқариш.
8. Машина, тарангловчи мосламалар, ипни назорат қилиш датчикларни асосий назорат қилувчи ва созловчи мосламаларнинг нуқсонларини компьютер ёрдамида аниqlаш.
9. Замонавий тўқув дастгоҳлари;
10. Замонавий хомузга ҳосил қилиш механизmlари;
11. Дастгохни электронназорат қилувчи механизmlари;
12. Дастгох унумдорлигини ошириш омиллари;
13. Абрли тўқималарни ишлаб чиқариш техника ва технологияси.
14. Жун тўқималар ишлаб чиқариш техника ва технологияси.
15. Тукли тўқималар ишлаб чиқариш техника ва технологияси.
16. Халқали тўқималар ишлаб чиқариш техника ва технологияси.
17. Гиламлар ишлаб чиқариш техника ва технологияси.

ГЛОССАРИЙ

Иборалар	Ўзбек тилида изоҳ	Инглиз тилида изоҳ
Тугаллаш	Халқа игна илгагидан пастга, яъни асос қисмига туширилади	The loop is <i>cleared</i> from the needle hook to a lower position on the needle stem.
Ип қўйиш	Янги ип игна илгаги остига ёки асос қисмига қўйилади	The new yarn (b) is <i>fed</i> to the needle hook at a higher position on the needle stem than the position of the previous ('old') loop.
Шакллантириш	Янги ип халқа кўринишида шакллантирилади	The yarn is <i>formed</i> into a 'new' loop.
Сиқишиш	Игна илгаги сиқилади ёки тилчаси ёпилади	The hook is <i>closed</i> , enclosing the new loop and excluding and <i>landing</i> the old loop onto the outside of the closed hook.
Ташлаш	Эски халқа игна илгагидан янги ип устига ташланади	The new loop (b) is <i>drawn through</i> the head of the old loop (a). Simultaneously the old loop slides off the closed hook of the needle and is <i>cast-off</i> or <i>knocked-over</i> .
Микронейр – Micronaire –	пахта толаси намунасининг ҳаво ўтказувчанилигига қараб аниқланадиган толанинг ингичкалиги ва пишибетилганлигини тавсифи;	a characteristic of thinness and maturity of cotton fiber, determined by air-penetration of cotton fiber sample.
Short Fiber Index – Калта толалар индекси-	калта толалар индекси ёки ўлчанаётган намунадаги узунлиги 05 дуймдан калта бўлган толалар микдори бўлиб % ифодаланади;	Short Fiber Index, or fibre quantity in the tested fiber, the length of which is less than 0,5 inch,%.
Fiber Strength- Толанинг узилиш кучи-	солиширма узилиш кучи, пахта толасининг пишиқлиги, гс/текс	Fiber Strength, gf/tex
Elg –	узилишдаги узайиши, %;	Elongation, %.

АДАБИЁТЛАР

1. Баймуратов Б.Х., Даминов А.Д. Ипларни тўқувчиликка технологияси. “Niso Poligraf” нашр. Тошкент . 2017 й. 120 бет.
2. Баймуратов Б.Х. ва бошқалар. Қайта ўраш жараёни ва автоматлари. “Niso Poligraf” нашр. Тошкент . 2017 й. 104 бет.
3. Баймуратов Б.Х., Даминов А.Д. Тўқувчилик технологияси. “Фан ва технология” нашр. Тошкент . 2016 й. 316 бет.
4. Перспективы развития текстильной промышленности Республики Узбекистан. газета «Деловой партнер.uz».2015.
5. Современное оборудование для ткацкого производства на отечественном рынке. ЛегПромБизнес.рф. информационный портал. 2012.
6. Мальгунова Н. А. Разработка информационных методов для художественного проектирования и оформления эксклюзивных изделий способом ткачества. Автореферат. Санкт-Петербург. 2012.
7. Попович А.А., Мутылина И.Н., Попович Т.А., Андреев В.В. Современные проблемы нанотехнологии. Учебно-методический комплекс, Россия. 2015.
8. Иткинд А.Н., Смоляков А.С., Айсина Ф.Ш. Современные проблемы и особенности развития легкой и текстильной промышленности в россии. Текст научной статьи по специальности «Экономика и экономические науки». 2010.
9. Prabir Kumar Banerjee. Principles of fabric formation. CRC Press Taylor & Francis Group. 2015. UK. 469 pages.
10. Теория процессов, технология и оборудование подготовительных операций ткачества / С. Д. Николаев, П. В. Власов, Р. И. Сумарукова, С. С. Юхин. – М.: Легпромбытиздат, 1993. – 255 с.
11. S. Adanur. Handbook of weaving. Edited by, Department of Textile Engineering, Auburn University, USA ,2001, 440 pages.
12. A.K. Gupta., P.A. Khatwani. Weaving Technology II. NCUTE. Indian Institute of Technology. India, 1999, 162 pages.
13. Lord, P. R., and Mohamed, M. H., "Weaving: Conversion of Yarn to Fabric", Merrow Technical Library, 1982, 346 pages.
14. Назарова М. В., Короткова М. В. Современная классификация изделий и оборудования текстильной промышленности: Учеб. пособие / ВолгГТУ. – Волгоград, 2003. – 115 с.
15. Оников Э. А. Технология, оборудование и рентабельность ткацкого производства: Практическое пособие-справочник. – М.: Текстильная промышленность, 2003. – 320 с.
16. Журналы: Текстильная промышленность, Технология текстильной промышленности. Известия ВУЗов.
17. Ускуналар бўйича проспектлар.

Internet resurslar

1. <http://www.ziyonet.uz/>

2. <http://www.edu.uz/>
3. <http://www.sultex.com/>
4. <http://www.picanol.be/>
5. <http://www.tsudakoma.co.jp/>
6. <http://www.itemagroup.com//>
7. <http://www.smit-textile.com/>
8. <http://www.staubli.com/>